Ю. ОЛЕША

# УЧ БАҚАЛОҚ



**Болалар учун роман-эртак**

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
«ЁШ ГВАРДИЯ» НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ—1980

О—48

**Олеша Ю.**

Уч бақалоқ. Болалар учун роман — эртак. К. Мирмуҳамедов таржимаси.— Т. Ёш гвардия, 1980.—152 б.

**Олеша Ю.** Три толстяка. Роман для детей.

ББК 84Р7
Р2

Юрий Карлович Олеша (1899—1960)нинг болалар учун ёзган «Уч бақалоқ» эртак-романи жаҳон халқлари тилларига таржима қилинган. Шу китоб асосида яратилган балет, кинофильм миллион-миллион томошабинларнинг севимли санъат асарларига айланган. Ҳар авлод ёшлигида бу китобни завқ билан қўлига олади, мароқ билан ўқиб чиқади. Зулм, истибдод, ҳақсизлик авж олган Уч Бақалоқ мамлакатининг меҳнаткашлари донишманд доктор Гаспар, моҳир дорбоз Тибул, мард қуролсоз Просперо, тадбиркор қизалоқ Суок каби қаҳрамонлар билан биргаликда боёнлар салтанатига қарши бош кўтарадилар ва ғалаба қиладилар. Ана шу жангу жадаллар эртак жанрига хос қизиқарли сюжет ипига тизилган ғаройиб саргузашт ва воқеалар орқали ҳикоя қилинади.

**Қодир МИРМУҲАМЕДОВ**
**таржимаси**

324669
Наманганская областная библиотека

© Издательство «Художественная литература», 1974

© Издательство «Ёш гвардия», 1980



# БИРИНЧИ ҚИСМ

# Дорбоз Тибул

## I Боб

## ДОКТОР ГАСПАР АРНЕРИНИНГ БЕҲАЛОВАТ КУНИ

Сеҳргарлар замони ўтиб кетган. Эҳтимолки, сеҳргарлар аслида бўлишмагандир ҳам. Балки, уларнинг ҳаммасини одамлар кичкина болаларга эртак бўлсин деб, ичларидан тўқиб чиқаришгандир. Лекин ҳаётда шундай моҳир кўзбойлоқчи-фокусчилар бўлганки, улар меров одамларни жуда усталик билан лақиллата олганлар, натижада шу найрангбозларни ҳамма афсунгар ва сеҳргар деб атай бошлаган.

Шунақа бир доктор бўлган эди. Унинг исми Гаспар Арнери эди. Гўл одамлар, бекорчи ўйинқароқлар, чала мулла студентлар ҳам уни сеҳргар деб ҳисоблашлари мумкин эди. Аслида эса, бу доктор шунақанги ажойиб буюмлар ясардики, уларни чинакам мўъжиза деса бўларди. Лекин у ҳамма лақма одамларни аҳмоқ

қилиб юрувчи сеҳргар ва фирибгарларга сира ҳам ўхшамас эди.

Доктор Гаспар Арнери олим эди. Уни салкам юзта илмдан хабари бор деса бўлади. Хулласи калом, бутун мамлакатда Гаспар Арнеридан донишмандроқ, билимдонроқ одам йўқ эди.

Унинг олимлигини тегирмончи ҳам, солдат ҳам, хонимлар ҳам, министрлар ҳам — ҳамма биларди. Мактаб болалари бўлса, унинг тўғрисида бутун бошли қўшиқ тўқиб, кўча-кўйда куйлаб юришарди; у қўшиқнинг нақорати бундай эди:

Юлдузларга қандай учмоқни,
Шум тулкини қай хил тутмоқни,
Тошни қандай эритмоқни ҳам
Билар бизнинг доктор Гаспар, ҳа![1]

Ёз кунларининг бирида, июнь ойининг жуда баҳаво бир куни доктор Гаспар Арнери ўсимлик ва қўнғизларнинг айрим турларини териш ҳам тутиш учун узоқ сайрга чиқмоқчи бўлди.

Доктор Гаспар Арнери анча ёшга бориб қолган кекса одам эди; шунинг учун у шамолдан, ёмғирда, ивиб қолишдан қўрқар ва уйдан чиқаётганида бўйнига қалин шарф ўрар, кўзига чангдан сақланадиган кўзойнак тақар, қоқилиб кетмаслик учун қўлига ҳасса ушлаб олар ва умуман сайрга зўр эҳтиёткорлик билан ҳозирлик кўрарди.

Бу сафар ҳаво жуда яхши эди: офтоб чарақлаб нур сочарди; ўт-ўланлар шунақанги ям-яшил эдики, ҳатто уларнинг ширин таъмини оғзингда ҳам ҳис этардинг; осмонда қоқи ўт момиқлари учиб юрар, қушлар чуғурлашарди: енгил шаббода бамисоли балда кийиладиган кўйлакнинг этаклари сингари елпинарди.

— Мана бу яхши бўлди,— деди доктор,— лекин шунга қарамай, плашни олиш керак, нимагаки ёз ҳавоси беқарор бўлади. Ёмғир ёғиб юбориши мумкин.

Доктор уй ходимасига рўзғор иши бўйича фармойиш берди, «ҳуҳ»лаб кўзойнагини артди, чамадонга ўхшаб кетувчи яшил чарм қопланган яшикчасини қўлига олди-да, йўлга чиқди.

Энг хушманзара жойлар шаҳар ташқарисида, Уч

---

[1] Шеърларни М. Мирзаев таржима қилган.

Бақалоқ Қасри жойлашган ерда эди. Доктор кўпроқ шу ерларга келиб турарди. Уч Бақалоқ Қасри каттакон бир паркнинг қоқ ўртасида қад кўтарган эди. Парк гир айланган чуқур зовур билан ўралган бўлиб, бу зовурнинг ҳар ер-ҳар ерига қоп-қора темирдан осма кўприклар қурилган эди. Кўприкларни сарой соқчилари пат қадалган қора клеёнка шляпа кийган гвардиячилар қўриқлаб турардилар. Паркнинг атрофи эса, ернинг то осмон билан туташган жойигача гул-чечаклар чаман бўлиб ўсган ўтлоқлар, дарахтзорлар ва кўллар билан қопланган эди. Бу ерлар жуда яхши сайргоҳ эди. Бу ерда ўт-ўланларнинг энг аломат турлари ўсар, энг антиқа қўнғизлар ғўнғиллаб учар ва энг хушовоз қушлар сайрашарди.

«Йўқ, пиёда бориш учун у ер узоқ. Яхшиси, шаҳар дарвозасигача бораман-да, у ерда извош ёллайман. Қаср паркигача мени шу извош олиб бориб қўяди», деб ўйлади доктор.

Шаҳар дарвозаси олдида бугун одамлар ҳар доимгидан кўпроқ эди.

«Ие, бугун якшанбами?— деб гумонсиради доктор.— Йўқ, ундаймас-е. Бугун сешанба-ку».

Доктор оломонга яқинроқ борди.

Бутун майдон одамлар билан лиқ тўлган эди. Доктор бу ерда яшил қайтарма ёқали, кулранг мовут камзул кийган ҳунармандларни; ранги сўниқ денгизчиларни; эгнига гулдор нимча кийган ўзига тўқ шаҳарликларни ва уларнинг юбкалари атиргул буталарига ўхшаб кетувчи хотинларини; графларни; қути кўтарган баққолларни; морожнийчи-ю, кабобчиларни; чўпдек озғин сайёр артистларни, гўё қуроқ кўрпадан тикилгандек яшил, сариқ ва олачипор рангли либос кийган артистларни; шўх малла кучукларнинг думидан тортиб ўйновчи жажжи болакайларни кўрди.

Одамлар шаҳар дарвозаси олдида уймалашиб турардилар. Баландлиги худди уйдай келадиган улкан дарвоза тақа-тақ ёпиқ.

«Нега дарвоза ёпиқ экан?» — дея ажабланди доктор.

Оломон шовқин солар, ҳамма бақириб-чақирар, сўкинар, лекин бирор аниқ гап эшитиб бўлмасди.

Доктор қўлида бақ-бақалоқ мошранг мушук ушлаб турган бир жувон олдига бориб ундан сўради:

— Марҳамат қилиб тушунтириб берсангиз: нима бўляпти ўзи бу ерда? Нега одам бунча кўп, нима сабабдан улар бунчалик безовта, нега дарвоза ёпиқ?

— Гвардиячилар одамларни шаҳардан чиқаришмаяпти...

— Нега чиқаришмаяпти?

— Дарвоза ёпилмасидан олдин бир гуруҳ одамлар шаҳардан чиқишиб, Уч Бақалоқ Қасрига йўл олишган эди, энди булар ҳам чиқиб уларга ёрдам беришмасин, деб беркитиб қўйишди...

— Мен ҳеч нимага тушунмаяпман, хоним, шунинг учун мени афв этгайсиз...

— Вой, наҳотки эшитмаган бўлсангиз, ахир бугун қуролсоз Просперо билан гимнаст Тибул Уч Бақалоқ Қасрини ҳужум билан қўлга олиш учун халқни бошлаб кетишди-ку.

— Қуролсоз Просперо?

— Ҳа, гражданин... Девор баланд, унинг нарёгида гвардиячи ўқчилар пойлаб ётишипти. Энди ҳеч ким шаҳардан чиқа олмайди. Қуролсоз Просперо билан кетган одамларни бўлса, сарой гвардияси қириб ташлайди.

Чиндан ҳам, узоқдан бир неча ўқ овози гумбурлаб эшитилди.

Аёл бароқ мушукни қўлидан тушириб юборди. Мушук ерга худди бир зувала хамирдек «шалп» этиб тушди. Оломон фарёд кўтарди.

«Демак, мен бу ғоят муҳим воқеадан бехабар қолибман,— деди ўзича доктор.— Рост, мен бир ойдан буён хонамдан ташқарига чиқмаган эдим. Эшикни ичидан беркитиб олиб ишлаган эдим. Мен ҳам воқеадан ғафлатда қолибман...»

Бу пайт яна ҳам олисроқдан замбаракнинг гумбурлаган овози эшитилди. Бу гумбур-гумбурнинг акс садоси худди коптокдек сакраб-сакраб шамол эсган томонга олислаб кетди. Бундан нафақат доктор қўрқиб бир неча қадам орқага тисарилди — балки бутун оломон чўчиб, ўзини ҳарёққа отди. Болалар йиғлаб юборишди; каптарлар қанотларини патиллатиб гурра учишди; итлар писиб олганча инграй бошлашди.

Тўп садолари момақалдироқдек даҳшатли гумбурларди. Оломон бутун майдонни бошига кўтариб шов-

қин солди. Одамлар дарвозага ёпирилиб келиб қичқира бошлашди:

— Проспero! Проспero!

— Йўқолсин Уч Бақалоқ!

Доктор Гаспар бутунлай гангиб қолди. Оломон орасида уни таниб қолишди, чунки кўпчилик уни илгариям кўрган-билган эди. Айрим одамлар, гўё ундан паноҳ ахтаргандай, ундан ёрдам кутгандек у томон ташландилар, аммо докторнинг ўзи йиғламоқдан бери бўлиб саросимага тушганди.

— Нима бўляпти уёқда? Қандай билса бўларкин-а, дарвозадан ташқарида нималар бўлаётганини? Балки халқ ғалаба қозонаётгандир ё бўлмаса, аллақачон ҳаммани қириб ташлашгандир.

Шу чоқ ўнтача одам майдонга келиб туташган учта тор кўча томонга югуриб кетди. Бу кўчалар муюлишида бир уй бўлиб, унинг тепасида баланд ва кўҳна минора қад кўтарган эди. Бошқа одамлар қатори доктор ҳам минорага чиқишга қарор қилди. Унинг пастки қаватида ҳаммомга ўхшаб кетувчи кирхона бор эди. У ер худди ертўладагидек қоп-қоронғи. Минорага шу ердан айланма зина орқали чиқиш керак эди. Тор-тор дарчалардан тушиб турган ёруғлик зинани ғира-шира ёритар, шунинг учун одамлар бу зинадан жуда секин ва қийналиб-қийналиб кўтарилишарди, бунинг устига, зинанинг анча-мунча пиллапоялари ва тутқичларининг кўпгина қисми тушиб, узилиб кетган эди. Шунга кўра, минoранинг энг юқори қаватига чиқиш доктор Гаспар учун қанчалик машаққатли ва ҳаяжонли бўлганини тасаввур қилиш қийин эмас. Ҳар ҳолда йигирманчи пиллапояга оёқ қўйган заҳоти унинг:

— Вой, юрагим қинидан чиқиб кетай деяпти, бунинг устига пошнамни йўқотиб қўйдим!— деб чинқирган овози эшитилди.

Доктор плашини-ку, майдонда турганида, замбарак ўнинчи марта гумбурлагандаёқ, йўқотиб қўйган эди.

Минора бошида атрофи тош деворча билан ўралган кичкинагина майдонча бор эди. Бу ердан кам деганда эллик километрлик масофадаги манзара кўзга ташланарди. Гарчи бу манзарани томоша қилиш ниҳоятда ҳузурли бўлса ҳам, ҳозир бунинг мавриди эмас эди. Ҳамма тўқнашув бўлаётган томондан кўзини узмас эди.

— Менда дурбин бор. Мен доим ўзим билан саккиз қават шишали дурбин олиб юраман. Мана,— деди доктор ва чарм ғилофни ечиб, ичидан дурбинни ола бошлади.

Дурбин шу заҳоти қўлма-қўл бўлиб кетди.

Доктор Гаспар ям-яшил водийда сон-саноқсиз одамлар тўдасини кўрди. Улар шаҳар томон югуриб келишарди. Улар қочиб келишаётган эди. Одамлар узоқдан ранг-баранг байроқчаларга ўхшардилар. Улар орқасидан отлиқ гвардиячилар бостириб келишаётган эди.

Доктор Гаспар, буларнинг ҳаммаси сеҳрли фонарь ичидаги суратга ўхшаркан, деб ўйлади. Қуёш чарақлаб турар, ўт-ўланлар товланарди. Портлаган бомбалар худди бир парча пахтани эслатарди, уларнинг алангаси эса, гўё оломонга кимдир кўзгу орқали офтоб шуъласини тушираётгандай лип-лип ёниб ўчарди. Отлар икки оёқларини кўтариб кишнашар, чирпирак бўлиб айланишарди.

Парк ҳам, Уч Бақалоқ Қасри ҳам сутдек оппоқ тутунга бурканди.

— Улар қочишяпти!

— Улар қочиб келишяпти... Халқ енгилди!

Қочиб келаётган халойиқ шаҳарга яқинлашиб қолди. Одамлар тўп-тўп бўлишиб ҳар ер-ҳар ерга ётиб-ётиб қола бошладики, бу манзарани кузатаётган кишининг кўзига гўё ям-яшил ўтлоққа осмондан ранг-баранг латта ёғилгандай бўлиб туюларди.

Майдон тепасидан бомба чийиллаб учиб ўтди.

Кимдир қўрқиб кетиб, қўлидаги дурбинни тушириб юборди. Бомба портлади, шунда минора бошида турган одамларнинг ҳаммаси уймалашиб, зинадан пастга туша бошлади.

Бир чилангарнинг чарм фартуғи алланимага илиниб қолди. У орқасига ўгирилди-ю, қандайдир мудҳиш манзарага кўзи тушиб, бутун майдонни бошига кўтариб дод солди:

— Қочинглар! Улар қуролсоз Просперони тутиб олишди! Улар ҳозир шаҳарга бостириб киришади!

Майдонда тўс-тўполон бошланди. Дарвоза олдида уймалашиб турган оломон гурра орқага ташланди ва тор кўчаларга қараб тирақайлаб қоча бошлади. Отишмадан ҳамма гангиб қолган эди.

Доктор Гаспар билан яна иккита одам миноранинг учинчи қаватида тўхтаб қолишди. Улар миноранинг қалин деворидаги торгина дарчадан ташқарига қарай бошладилар.

Улардан фақат биттаси ташқарига бош суқиб қараши мумкин эди: қолганлар фақат бир кўз билангина мўралай оларди. Лекин бир кўз учун ҳам ташқарида юз бераётган ҳодиса етарли даражада даҳшатли эди.

Баҳайбат темирдарвоза ланг очилди. Шу пайт уч юзтача одам бирваракайига дарвозадан ёпирилиб кириб келди. Булар яшил қайтарма ёқали кулранг мовут камзул кийган ҳунармандлар эдилар. Улар қора қонга бўялиб, гуп-гуп йиқилардилар. Отлиқ гвардиячилар уларни босиб-янчиб ўтардилар. Улар қилич чопишар, милтиқ отишарди. Сариқ патлар ҳилпирар, қора клеёнка шляпалар ялтирар, отлар қип-қизил оғизларини катта-катта очар, кўзларининг пахтасини чиқарар ва ҳарёққа оғизларидан кўпик сочардилар.

— Қаранглар! Қаранглар! Просперо!— деб чинқирди доктор.

Қуролсоз Проспeронинг бўйнига сиртмоқ солиб судраб келардилар. У ҳар қадамда йиқилар, яна ўрнидан туриб олар эди. Унинг малла сочлари патила-патила бўлиб кетган, юзи қон, бўйнида йўгон сиртмоқ бор эди.

— Просперо! Проспeрони асирга олишди!— деб чинқирди доктор.

Худди шу пайт кирхонада бомба портлади. Минора бир тебраниб қийшайди, шу кўйи бир зум турди-да, сўнг гумбурлаб қулаб тушди. Энди иккинчи пошнасини ҳам, ҳассаси билан чамадончаси-ю, кўзойнагини ҳам йўқотган доктор ўмбалоқ ошиб йиқилди.

## II Боб

## ҚАТЛ КУНДАСИ

Доктор шунча баланддан йиқилса ҳам хайрият шикаст кўрмади, боши ҳам ёрилмади, оёқлари ҳам бутун қолди. Лекин шунга қарамай, доктор Гаспар Арнеридек кексайиб қолган одам учун бундай баланддан қулаш анча нохуш эди-да. Ҳар қалай, доктор қўрқувнинг зўридан ҳушини йўқотиб қўйди.

У ҳушиға келганида кеч кирган эди. Доктор чор атрофга кўз югуртириб чиқди.

— Аттанг! Мана, кўзойнагим ҳам синибди. Кўзойнаксиз яхши кўрадиган одам кўзойнак таққанда кўзи қандай хиралашса, менинг ҳам кўзим энди кўзойнаксиз шунақа хиралашади. Жуда чатоқ бўлди-да. Одамнинг ғашига тегаркан.

Кейин доктор ботинкасининг пошналари узилиб тушганини кўриб ғўлдирай бошлади:

— Ўзим шундоқ ҳам пакана одам эдим; энди бўйим яна тўрт энлик пасаядиган бўлди, балки саккиз энлик пасайиб кетарман, негаки, икки пой ботинкамнинг пошнаси кўчиб, йўқолиб қолган-ку... Йўқ, ундаймас-ов, фақат тўрт энлик пасаяман, албатта.

У ғишт парчалари устида чўзилиб ётарди. Минора, деярли бутунлай қулаб тушған эди. Деворнинг узун ва тор қисми худди молнинг курак суягидек диккайиб турарди. Жуда-жуда олисдан музика овози келарди. Бу қувноқ вальс оҳангини шамол узоқ-узоққа учириб кетганидан у гоҳ эшитилиб, гоҳ эшитилмай қоларди. Доктор бошини кўтарди. Тепасида қора бўғотларнинг харилари осилиб турарди. Кечки оч зангори осмонда юлдузлар ғира-шира милтилларди.

— Музика қаерда чалиняптийкин?— деб ажабланди доктор.

Энди у плашсиз жунжий бошлади. Майдон томондан «тиқ» этган товуш эшитилмасди. Доктор қалашиб ётган тошу ғиштлар орасидан инқиллаб-синқиллаб чиқиб олди. У кета туриб йўл-йўлакай аллакимнинг сўлоқмондай келадиган этигига қоқилиб кетди. Бир чилангар тўсин устида кўндалангига чўзилиб ётар, унинг хира кўзлари осмонга бақрайган эди. Доктор уни туртиб кўрди. Лекин чилангар туришни истамасди.

Шунда доктор шляпасини бошидан олгани қўлини кўтарди. Чунки Чилангар ўлган эди:

— Шляпам ҳам йўқолипти. Энди қайга борсам экан? У ахийри майдондан чиқиб кетди. Ҳар ер-ҳар ерда одамлар чўзилишиб ётарди; доктор уларнинг ҳар бири тепасида тўхтаб, энгашиб қарарди, лекин бу одамларнинг катта-катта очилған кўзларида юлдузлар аксини кўрарди, холос. Доктор кафтини уларнинг пешонасига қўярди. Шунда у одамларнинг пешоналари

музлаб қолганини ва қоронғида қорайиб кўринган қон тегиб намиққанини пайқарди.

— Ана холос!— деб пичирларди доктор.— Демак, халқ енгилипти-да... Энди нима бўлади?

Ярим соатдан кейин у одамлар гавжум жойга етиб олди. Жуда чарчаган, қорни ҳам очган, чанқаған эди. Бу ерда шаҳар одатдаги қиёфада эди.

Доктор узоқ йўл юриб толиққанидан, чорраҳада тўхтаб дам ола бошлади ва: «Таажжуб! Ву ерда ранг-баранг чироқлар ёняпти, извошлар ғиз-ғиз ўтиб турипти, ойнабанд эшиклар жиринг-жиринг қилиб очилиб-ёпиляпти. Ярим доира деразалар олтиндек товланяпти. Анави ёқда, қатор тизилган устунлар ёқалаб жуфт-жуфт бўлиб танца тушишмоқда. У ерда базми жамшид авжида. Зулмат қоплаган кўл устида ранг-баранг хитой фонуслари чайқалади. Одамлар кеча қандай яшашган бўлса, ҳозир ҳам ўша-ўша. Наҳотки бугун эрталаб юз берган фалокатдан бехабар бўлишса? Наҳот улар ўқ ва замбарак овозларини, одамларнинг дод-фарёдларини эшитмаган бўлишса? Халқ сардори қуролсоз Проспeронинг қамоққа олинганидан наҳотки бу одамлар бехабар бўлишса? Балки, мен ўша мудҳиш воқеаларнинг ҳаммасини тушимда кўргандирман?» — деб хаёлидан ўтказди.

Уч шохли фонарь ёниб турган муюлишда, йўлка ёқалаб извошлар тизилишиб турарди. Гулчи қизлар гул сотишарди. Извошчилар гулчи қизлар билан гурунглашардилар.

— Унинг бўйнига сиртмоқ солишиб, шаҳарнинг ҳамма кўчаларидан сазойи қилиб олиб ўтишди. Боёқиш!

— Энди уни темирқафасга солиб қўйишибди. У қафас Уч Бақалоқнинг Қасрида турганмиш,— деди бошига лентали ҳаворанг цилиндр кийган семиз извошчи.

Шу пайт бу ерга бир хоним қизчасини етаклаб келди — у гул олмоқчи эди.

— Кимни қафасга солишипти?— дея синчковлик билан сўради хоним.

— Қуролсоз Проспeрони. Гвардиячилар уни асирга олишди.

— Вой, худога шукур-е!— деди хоним.

Қизча ҳиқиллаб йиглай бошлади.

— Нега йиглаяпсан, тентак қиз?— дея ажабланди хоним.— Қуролсоз Проспероға ачиняпсанми? Ачиниш керак эмас унга. У бизга ёмонлик қилмоқчи бўлган эди. Мана бу гулларни қара, қандай чиройли...

Йирик-йирик атиргуллар сув ва япроқлар тўла идишларда худди оққушлар сингари оҳиста сузиб юрарди.

— Мана сенга учта атиргул. Ачинма уларга.. Улар исёнчилар. Агар уларни қафасга солишмаса, бизнинг уйларимизни, кийим-бошларимизни, ҳатто гулларимизни ҳам тортиб олишиб, ўзимизни қириб ташлашарди.

Шу маҳал бу ердан бир бола ғизиллаб ўтиб қолди. У аввал хонимнинг юлдузсимон гуллар тикилган плашининг этагидан, кейин қизчанинг кокилидан тортди.

— Ҳечқиси йўқ, графиня!— деб қичқирди бола.— Қуролсоз Просперо қафасда бўлсаям, дорбоз Тибул озодликда!

— Вой, ярамас бола-е!

Хоним жаҳл билан ер депсинган эди, сумкачаси қўлидан тушиб кетди. Гулфуруш қизлар хохолаб кулиб юборишди.

Семиз извошчи бу ғала-говурдан фойдаланиб, хонимга извош тавсия қилди.

Хоним қизчаси билан извошга чиқиб жўнаб қолди.

— Шошма, ҳой болакай!— деб қичқирди бир гулфуруш қиз болага.— Берироқ кел-чи! Билганларингни бизга ҳам айтиб бер.

Икки извошчи ерга тушишди-да, елкапўши беш қават узун чакмонларининг этакларига чалишиб, гулфуруш қизлар олдига келишди.

«Мана бу қойилмақом қамчи экан! Қамчимисанқамчи!» — деб ўйлади бола, извошчи қўлида ўйнатиб турган қамчига кўз ташларкан. Бола ҳам худди шунақа қамчини орзу қиларди-ю, лекин кўп сабабларга кўра бунга эришолмас эди.

— Боя нима дединг?— деб сўради извошчи дўриллаган овоз билан.— Дорвоз Тибул озодликда дедингми?

— Шунақа дейишяпти. Мен портга борган эдим...

— Гвардиячилар уни ўлдиришмаган дегин?— сўради иккинчи извошчи ҳам дўриллаган овоз билан.

— Йўқ, отахон... Ҳой, гўзал қиз, менга битта гулингдан бер!

— Шошма, тентак. Сен, яхшиси, бўлган воқеани бир бошдан гапириб бер...

— Хуллас, бундай... Олдинига ҳамма уни ўлдига чиқариб қўйган эди. Кейин уни ўлганлар орасидан қидириб топиша олмабди.

— Эҳтимол уни каналга ташлаб юборишгандир?— деб сўради извошчи.

Бир гадо келиб гапга аралашди.

— Кимни каналга ташлашипти?— сўради у.— Дорбоз Тибул мушук бола эмас. Чўктириб бўпсан уни. Дорбоз Тибул тирик. У қочиб қутулиб қолди!

— Ёлғон гапинг, найнов!— деди извошчи.

— Дорвоз Тибул тирик!— дея мағрур қичқиришди гулфуруш қизлар.

Бола битта атиргулни ўмариб, ура қочиб қолди. Ҳўл гул баргидаги сув томчилари докторнинг юзига сачради. Доктор худди кўзёш сингари аччиқ сув томчиларини юзидан артди ва гадонинг гапини эшитиш учун тўдага яқинроқ борди. Шу маҳал юз берган бир воқеа суҳбатнинг белига тепди. Кўчада ғайриоддий бир намойиш пайдо бўлди. Олдинда машъала ушлаган икки нафар отлиқ келарди. Машъалалар худди оловли соқолдек ҳилпирарди. Улар орқасидан гербли қора карета оҳиста борарди.

Карета кетидан эса дурадгорлар келарди. Улар юз киши эди.

Улар енгларини шимариб олиб бўйинларига фартуқ тақиб ишга шай бўлиб борардилар, қўлтиқларига арра, ранда, яшиклар қистириб олган эдилар. Бу издихомнинг икки ёнида, отлиқ гвардиячилар турнақатор тизилиб келаётган эди. Улар чопишни хоҳлаб ўйноқлаётган отларнинг жиловидан тортиб борардилар.

— Бу нима ўзи?— дея безовта бўла бошлади кўча-кўйдаги одамлар.

Гербли қора каретада Уч Бақалоқ Кенгашининг аъзоси ўтирарди. Гулфуруш қизлар қўрқиб кетишди. Улар кафтларини иякларига қўйганча Кенгаш аъзосини кузатардилар. Унинг боши каретанинг ойнаванд эшигидан кўриниб турарди. Кўча чароғон қилиб ёритилган. Кенгаш аъзосининг парик кийган қора боши

худди жонсиздек чайқалиб борарди. Шунинг учун карета ичида худди қуш қўниб ўтиргандай туюларди.

— Четланинглар!— деб қичқиришарди гвардиячилар.

— Дурадгорлар қаёққа кетишяпти?— деб сўради бир гул сотувчи қизча гвардиячилар бошлиғидан.

Шунда гвардиячи қизчанинг юзига энгашиб шунақа дағдаға билан шангиллаб бердики, шўрлик қизчанинг сочлари гўё қаттиқ шамол эсгандек, тиккайиб кетди:

— Дурадгорлар қатл кундаси[1] қургани кетишяпти! Тушундингми? Улар ўнта қатл кундасини қуришади!

— А!

Қизчанинг қўлидаги гул солинган идиш тушиб кетди, гуллари кўча билан битта бўлди.

— Улар қатл кундаси қургани кетишяпти!— деб такрорлади даҳшатга тушган доктор Гаспар.

— Кунда!— деб бақирди гвардиячи, юзини ўгириб, худди этикка ўхшаб кетувчи мўйлови остидан тишларини иршайтириб.— Ҳамма исёнчиларга кунда қурамиз! Ҳаммаларининг бошини таналаридан жудо қиладилар! Уч Бақалоқ ҳокимиятига қарши бош кўтаришга журъат қилганларнинг ҳаммасини қириб ташлаймиз!

Докторнинг боши айланиб, кўзи тиниб кетди. У ўзини ҳушидан кетиб йиқилаётгандай сеза бошлади.

«Мен шу бир куннинг ўзида жудаям кўп азоб чекдим,— деди у ўзига-ўзи,— бунинг устига, қорним жуда ҳам оч, яна қаттиқ чарчаганман. Тезроқ уйимга бормасам бўлмайди».

Дарҳақиқат, доктор дам олиши керак эди. У бугун юз берган ҳамма ҳодисалардан, барча кўрган, эшитганларидан шунчалик ҳаяжонга тушган эдики, ҳатто ўзининг минора билан бирга қулаб тушганига, шляпаси, плаши, ҳассаси ва пошналарини йўқотиб қўйганига ҳам эътибор бермади. Албатта, энг ёмон томони кўзойнагининг йўқолиб қолгани эди.

У извош ёллаб уйига жўнаб кетди.

---

[1] Ўлимга маҳкум этилган одамнинг бошини чопиш учун қўйилган тўнка.

## III Боб

# ЮЛДУЗ МАЙДОНИ

Доктор уйига қайтаётган эди. У ҳашаматли заллардан ҳам равшанроқ ёритилган жудаям кенг асфальт кўчалардан ўтиб борарди. Кўзойнагини йўқотиб қўйганлигидан кўчани кундай ёритиб турган чироқлар маржони худди осмони-фалакда милтиллаб тургандек туюларди. Кўзни қамаштирувчи фонарлар, бақирлаб қайнаб турган сут тўлдирилган шарларга ўхшардилар. Фонарлар атрофида ҳар турли қанотли ҳашаротлар ғужғон ўйнар ва чироқнинг таптидан нобуд бўлиб тутдай тўкиларди. Доктор соҳилда қад кўтарган тош девор ёқалаб извошда кетиб борарди. Бу деворнинг ҳар ер-ҳар ерида бронзадан ясалган шерлар панжаларида қалқон ушлаб, узун тилларини чиқариб турипшарди. Пастда, анҳорда эса, қатрондек қоп-қора ва ялтироқ сув лим-лим бўлиб оҳиста оқарди. Шу сув сатҳида бутун шаҳарнинг акси тўнкарилиб кўринар, чўкар, сув билан оқиб кетаётгандек бўларди-ю, аммо ҳеч оқиб кетолмас, фақат нафис, олтин тангачаларга бўлиниб, эриб кетарди. Доктор дўмпайган букри кўприклардан ўтиб борарди. Пастдан ё нариги қирғоқдан қараган одамга бу кўприклар бамисоли ҳужумга ўтиш олдидан темир елкасини букчайтириб олган баҳайбат мушукка ўхшардилар. Бу ерда ҳар бир кўприк оғзида соқчилар туришарди. Солдатлар дўмбиралар устига ўтириб, трубка чекишар, қарта ўйнашар ва юлдузларга боқиб каппа-каппа эснашарди.

Доктор буларнинг барини кузатиб, ғўнғир-ғўнғир гапларга қулоқ солиб ўтиб борарди.

Кўча-кўйдан, уйлардан, қовоқхоналарнинг очиқ деразаларидан, кўнгил очар боғларнинг панжаралари ортидан куйланаётган қўшиқларнинг айрим сўзлари эшитиларди:

Чапдаст, танти Просперо
Домга илинди бехос,—
Энди темирқафасда
Ўлтирар у қуролсоз.

Ширакайф бир олифта йигит бу қўшиққа жўр бўлди. Бу олифтанинг пули жудаям кўп, пулидан ҳам юзидаги сепкиллари кўп бўлиб, унинг бадавлат бир

холаси яқинда оламдан ўтган эди. Холасининг шу олифтадан бошқа биронта ҳам қариндоши бўлмагани учун, унинг бутун бойлигига шу йигит меросхўр бўлган эди. Мана шунинг учун ҳам у халқ оммасининг бойларга қарши бош кўтарганидан норози эди, албатта.

Ҳайвонот боғида катта томоша кўрсатилаётган эди. Тахталардан ясалган саҳнада юнглари ҳурпайган учта бесўнақай маймун Уч Бақалоқ ҳукмдорга тақлид қилиб ўйин тушарди. Фокстерьер[1] мандолина чаларди. Елкасига олтинранг қуёш, қорнига заррин ой тасвири тикилган тўқ-қизил кийим кийган масхарабоз музикага жўр бўлиб шеър ўқирди:

Бамисоли учниқ буғдой қоп —
Агдарилди учта Бақалоқ!
Улар учун қориндан ўзга
Муҳим ташвиш кўринмас кўзга!
Хушёр бўлинг, Бақалоқлар, сиз,
Кўп талтайманг, битди кунингиз!

— Битди, битди кунгиз!— деб чугурлаб юборишди бирдан чор атрофда қўниб турган соқолдор тўтиқушлар.

Шиддатли шовқин-сурон кўтарилди. Ҳар хил қафасларда ётган турли-туман ҳайвонлар бутун хайвонот боғини бошларига кўтариб, вовуллай, ириллай, бўкира, чийиллай бошладилар.

Саҳнадаги маймунлар бетоқат бўлишиб ўзларини ҳарёққа ура бошладилар. Уларнинг қўллари қаерда-ю, оёқлари қаерда — билиб бўлмасди. Кейин улар томошабинлар орасига сакраб тушиб, тирақайлаб қоча бошладилар. Оломон орасида ҳам ғавғо кўтарилди. Ҳаммадан ҳам, хўппасемиз бақалоқ одамлар кўпроқ шанғиллашарди. Юзлари лавлагидек қизариб кетган бу семиз одамлар, ғазабдан бутун вужудлари қақшаб, шляпаларини, қўлларидаги дурбинларини масхарабозга ота бошладилар. Бир семиз хоним зонтигини силкиган эди, ёнида турган бошқа бир бақалоқ хотинга тегиб кетиб, унинг бошидан шляпасини учириб юборди.

— Вой, вой, вой!— деб чийиллади қўшни аёл қўлларини бошига кўтарганча, чунки унинг бошидан шляпаси билан бирга париги ҳам учиб кетган эди.

---

[1] Бўйи пакана ов ити.

Бунинг устига-устак, қочиб кетган маймун ҳам хонимнинг кал бошига шапатилаб ўтган эди, хоним ҳушидан кетиб йиқилиб тушди.

— Ҳа-ҳа-ҳа!

— Ҳа-ҳа-ҳа!— деб қотиб-қотиб кула бошлади оломоннинг бир қисми — анча озғинроқ ва соддароқ кийинган одамлар.— Қойил! Яшавор! Бопла уларни! Йўқолсин Уч Бақалоқ! Яшасин Просперо! Яшасин Тибул! Яшасин халқ!

Шу маҳал кимнингдир:

— Ёнғин! Шаҳарга ўт кетди...— дея бақирган овози баралла эшитилди.

Одамлар бир-бирларини босиб-янчиб, скамейкаларни ағдариб, дарвоза томон отилдилар. Қоровуллар ҳар томонга қочиб кетган маймунларни тутишга тушдилар.

Извошчи орқасига ўгирилди-да, қамчиси билан узоққа ишора қилиб докторга деди:

— Қаранг, гвардиячилар ишчи маҳаллаларига ўт қўйишяпти. Улар дорбоз Тибулни қидириб топишмоқчи...

Шаҳар узра, тўп-тўп бўлиб турган баланд-паст қора уйлар устида пушти ранг шафақ мавжланарди.

Доктор тушган извош шаҳарнинг Юлдуз деб номланувчи энг асосий майдонига етганида тўхтаб қолди, чунки ундан нарига ўтишнинг имкони йўқ эди. Бу майдонга кираверишдаги кўча оғзида сон-саноқсиз извошлар, файтунлар, отлиқлар, пиёдалар тиқилиб кетган эди.

— Нима гап?— деб сўради доктор.

Ҳеч ким ҳеч нима деб жавоб бермади, чунки ҳамма майдонда бўлаётган воқеага маҳлиё эди. Извошчи ҳам ўриндиғидан тикка туриб, ўша томонга қарай бошлади.

Бу майдонни Юлдуз майдони деб аташларига сабаб бор эди. Унинг теварак-атрофи баландлиги, шакли бир хил уйлар билан қуршалган, тепаси ойнаванд гумбаз билан қопланган эди, шу сабабли у жудаям улкан циркка ўхшаб кетарди. Гумбазнинг қоқ ўртасида, жудаям баландда дунёда энг каттакон фонарь ёниб турарди. Бу тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада катта шар эди. Темир гардишдан белбоғи бўлган, жуда йўғон симга осилган бу шарсимон фонарь Сатурн сайё-



Инв. М
Библиотека
327669

расига ўхшаб кетарди. Унинг шуъласи шунақаям чароғон, ер юзидаги биронта ҳам шуълага сира ўхшамас эдики, одамлар бу фонарга Юлдуз деб антиқа ном қўйишган эди. Кейинчалик бутун майдонни ҳам Юлдуз деб атайдиган бўлишди.

Майдоннинг ўзида ҳам, майдон яқинидаги уйларда ҳам, кўчаларда ҳам ҳеч бир чироқ ёқишнинг ҳожати йўқ эди. Майдон теварак-атрофидаги ҳамма тор кўчаларни, ҳамма уйлардаги барча ҳужра-ю, қазноқларни ҳам мана шу Юлдуз ёритиб турарди. Бу ерда яшовчи одамларда ҳеч қандай чироғ-у, шамларга эҳтиёж йўқ эди.

Извошчи ўзидан олдинда турган извошлар, фойтунлар оша, аравакашларнинг цилиндр кийган бошлари оша (бу цилиндрлар аптекачилар пуфагига ўхшаб кетарди) қарай бошлади.

— Нималарни кўряпсиз? Нима бўляпти ўзи уёқда?— дея безовталаниб сўради доктор, извошчининг орқасидан мўраларкан. Лекин кичкинагина жуссали доктор ҳеч нима кўра олмас, бунинг устига, кўзида кўзойнаги ҳам йўқ эди-да, ахир. Ўзингиз биласиз-ку, кўзойнаксиз олисни мутлақо кўра олмасди боёқиш.

Извошчи кўрганларини унга батафсил гапириб турди.

Мана бу кўрган нарсалар:

Майдон жудаям ғала-ғовур эди. Бу улкан доира майдоннинг ҳар ер-ҳар ерида тўп-тўп одамлар уёқдан-буёққа зир югуришарди. Гўё бу доира майдон мисоли от ўйин сингари айланаётганга ўхшарди. Одамлар юқорида бўлаётган воқеани яхшироқ кўриш учун, бир жойдан иккинчи жойга гур-гур кўчишарди.

Жуда баландда чарақлаб ёниб турган баҳайбат фонарь кўзларни худди офтобдек қамаштирар эди. Одамлар бошларини баланд кўтариб, кўзлари устига кафтларини соябон қилиб осмонга қарар эдилар.

— Ана у! Ана!— деган қичқириқлар эшитиларди.

— Хўв, ана, қаранглар! Буёққа!

— Қани? Қани?

— Юқорироққа қара!

— Тибул! Тибул!

Юзлаб одамларнинг кўрсатгич бармоқлари чап томонга чўзилди. У томонда олти қаватли оддий бир уй турарди. Лекин унинг ҳамма қаватидаги деразалар

ланг очилган эди. Ҳар бир деразадан одамларнинг бошлари чиқиб турарди. Бу бошлар турлича қиёфада эди: баъзилари попукли тунги қалпоқ кийган, бошқа бирлари пушти ранг чепец[1] кийган, гажаклари керосин рангида эди; учинчилари қийиқ рўмолча ўрагандилар; шоирлар, рассомлар, актрисалардан иборат камбағал ёшлар яшайдиган юқори қаватдан қуюқ тамаки тутуни орасидан хушчақчақ, мўйловсиз башаралар, заррин сочлари ял-ял товланиб, елкаларидан қанот сингари ўсиб чиққандай кўринувчи аёлларнинг бошлари кўринарди. Одамлари худди қушларга ўхшаб ранг-баранг бошларини ланг очиқ деразалардан чиқариб турган бу уй саъваларга гиж-ғиж тўла улкан қафасга ўхшаб кетарди. Ҳамма бошлар бўйинларини қулайроқ қайириб ва жасадларини сал бўлмаса деразадан отилиб чиқиб, тўппа-тўғри тош кўчага тушиб чилпарчин бўлиш хавфи даражасида ташқарига чиқариб, ўз тепаларидаги томда юз бераётган қандайдир жуда аломат бир воқеани кўришга уринардиларки, киши кўзгу бўлмаса ўз қулоғини кўра олмаганидек, улар ҳам бу манзарани асло кўра олмасдилар. Ўз уйларида туриб, ўз томларида бўлаётган воқеани кўрмоқчи бўлган одамлар учун майдонни бошига кўтариб ғавғо қилаётган оломон ўша кўзгу вазифасини бажарди. Оломон ҳамма нарсани кўриб турар, бақириб-чақирар, қўлларини силтарди: бировлар терисига сиғмай хурсанд бўлаётган бўлса, бировлар қаттиқ ғазабланарди.

Томда кичкинагина бир одам юрарди. У томнинг қиялаб тушган еридан аста-секин, эҳтиётлик билан дадил юриб келарди. Унинг оёғи остида тунука тарақларди.

Циркда дор устида ўйнаган дорбоз сариқ ранг хитой зонтиги ёрдамида мувозанат сақлаганидек, том бошидаги бу одам ҳам қўлидаги плашини силкитиб мувозанат сақлаб борарди.

Бу одам гимнаст Тибул эди.

Халқ қичқирарди:

— Отангга раҳмат, Тибул! Балли, Тибул!

— Бўш келмайсан! Ярмаркада дорда қандай юрганингни эсла.

---

[1] Чепец — аёлларнинг бош кийими.

— Йўқ, у йиқилмайди! Мамлакатимизда унга тенг келадиган моҳир гимнаст йўқ...

— Бу иш унга чўт эмас. Дорда юришга қанчалик моҳир эканлигини ўз кўзимиз билан кўрганмиз...

— Балли, азамат Тибул!

— Қоч, ошна! Сен омон қолишинг керак! Просперони қутқаришинг керак!

Бошқа бировлар дарғазаб эди. Улар муштларини силкитишарди:

— Қочиб қутулиб бўпсан, ярамас масхарабоз!

— Лўттибоз!

— Исёнчи! Сени худди қуённи отгандай отиб ташлашади.

— Шошмай тур! Биз ҳали сени томдан тортиб тушиб, кундада бошингни чопамиз. Эртага ўнта кунда қурилиб битади!

Лекин Тибул ўзининг хатарли йўлида давом этарди.

— Қаёқдан пайдо бўлди у?— деб сўрашарди одамлар.— Қандай келиб қолдийкин бу майдонга? Томга қандай чиқиб қолдийкин?

— У гвардиячилар қўлидан қочиб келган,— деб жавоб қилишарди бошқалар.— У қочиб кетиб, кўздан ғойиб бўлган эди, кейин уни одамлар шаҳарнинг турли ерида учратишипти. У томма-том ўтиб келган бу ерга. У худди мушукдек эпчил. Ҳунари ҳозир жудаям иш берди унга. Ахир бутун мамлакатга зўр дорвоз, деб довруғи бекорга кетмаган-ку.

Майдонда гвардиячилар пайдо бўлишди. Бекорчи томошабинлар майдон ёнидаги кўчаларга тирақайлаб қоча бошлашди. Тибул том чеккасидаги тўсиқдан ошиб ўтиб, бўғотга оёқ қўйди. У плаш ташланган қўлини ёйди. Яшил плаш худди байроқдек ҳилпирай бошлади.

Халойиқ ярмарка ва якшанбалик сайл пайтидаги томошаларда уни мана шу плаш билан сариқ, қора учбурчак матодан қуроқ қилиб тикилган мана шу трико кийимда кўришга одатланиб қолган эди.

Энди бўлса жуда баландда, шиша гумбаз остида кичкинагина, хипча ва олачипор бўлиб кўринаётган Тибул худди уйнинг оппоқ деворидан ўрмалаб кетаётган сариқ арига ўхшарди. Унинг плаши ҳилпираган чоғда эса, гўё сариқ ари ялтироқ яшил қанотларини ёяётгандек туюларди.

— Мана ҳозир қулаб тушасан, масхарабоз! Ҳозир

сени отиб туширишади!— деб қичқирди холасидан мерос олган сепкилли олифта йигит.

Гвардиячилар Тибулни отиш учун қулай жой танлашди. Офицер ташвишли қиёфада уёқдан-буёққа зир югурарди. У пистолетини қўлига олиб олган. Этиги пошнасига тақилган шпор[1]лар худди конкига ўхшаш узун-узун эди.

Бутун майдон сув қуйгандек жимжит бўлиб қолди. Доктор юрагини чангаллади, шу топда унинг юраги вақирлаб қайнаб турган сувдаги тухумдек ирғишларди.

Тибул бир зумгина том лабида туриб қолди. У майдоннинг қарама-қарши томонидаги томга ўтиб олиши керак эди. Ўтиб олса, марра уники эди — унда бу Юлдуз майдонидан ишчилар маҳаллаларига қочиб кетиши мумкин.

Офицер майдоннинг қоқ ўртасидаги сариқ ва ҳаворанг гуллар очилиб турган гулпуштага туриб олди. Бу ерда доира тош коса ичидан отилиб чиқаётган фонтан ва шу фонтан суви билан лим-лим тўлган ҳовуз бор эди.

— Тўхтанглар,— деди офицер солдатларга,— мен ўзим отиб тушираман уни. Бутун полкда мерганликда менга етадигани йўқ. Қанақа отиш кераклигини мана, мендан ўрганинглар.

Майдон атрофидаги тўққизта уйдан гумбазнинг қоқ ўртасидаги Юлдузга қараб тўққизта йўғон пўлат сим тортилган эди, симлар йўғонликда денгизчиларнинг арқонидан қолишмасди.

Гўё чарақлаб шуъла сочиб турган Юлдуз — фонардан майдон узра тўққизта қора нур таралгандек туюларди.

Бу маҳал Тибул нималарни ўйлаётгани бизга маълум эмас. Балки у мана бундай қарорга келгандир: «Мен ярмаркаларда арқон устида қандай юрган бўлсам, ҳозир ҳам майдон устидан тортилган мана бу симдан юриб нариги томонга ўтаман. Мен йиқилмайман. Мана бу сим тўғри фонарга қараб тортилган, фонардан эса, майдоннинг нариги томонидаги уйга ҳам сим тортилган. Агар мен шу иккита сим устидан юриб ўтсам,

---

[1] Шпор — отлиқ аскарлар отнинг биқинига ниқташ учун этик пошнасига тақадиган темир тепки.

нариги томондаги уйнинг томига чиқиб оламан-у, қутулиб кетаман».

Бу пайт офицер пистолетини кўтариб, Тибулни мўлжалга ола бошлади. Тибул том лабидан юриб сим тортилган ерга етиб келди, девордан ажради ва сим устидан фонарь томон юра бошлади.

Оломон ҳайратга келди.

Тибул чаққонлик ва эҳтиётлик билан оёқ қўяркан, қўлларини ёйганча чайқалиб гоҳ жуда секин юрар, гоҳ бирдан чопқиллаб кетарди. Ҳар бир минутда у йиқилиб тушаётгандай бўларди. Мана, энди уй деворида унинг сояси пайдо бўлди. У фонарга яқинлашган сари сояси девор бўйлаб пастга туша бошлади ва пастга тушган сари нурсизланиб катталаша борди.

Унинг тагидаги майдон бамисоли жаҳаннамдек чуқурликда эди.

У фонарга борадиган йўлнинг ярмига етганида сукутга чўмган майдонда офицернинг овози эшитилди.

— Ҳозир отаман. У тўғри ҳовузга келиб тушади. Бир, икки, уч!

Ўқ овози гумбурлади.

Тибул йўлида кетаверди, лекин офицер, негадир шалоплаб ҳовузга ағанаб тушди.

У ўлган эди.

Гвардиячилардан бирининг қўлидаги пистолет оғзидан зангори тутун чиқаётган эди. Офицерни шу солдат отиб ташлаган эди.

— Итдан тарқаган!— деди гвардиячи.— Сен халқнинг дўстини ўлдирмоқчи эдинг. Мен бунга йўл қўймадим. Яшасин халқ!

— Яшасин халқ!— дея жўр бўлишди унга бошқа гвардиячилар ҳам.

— Яшасин Уч Бақалоқ!— деб бақириша бошлашди буларнинг душманлари.

Булар майдоннинг ҳар томонига сочилиб кетиб, сим дор устидан кетиб бораётган одамга қаратиб ўқ уза бошладилар.

Тибулнинг фонарга етишиға икки қадам қолган эди. У фонарь шуъласидан кўзини тўсишга ҳаракат қилиб, плашини силкитарди. Ўқлар унинг ёнгинасидан визиллаб ўтарди. Оломон хурсандлигидан қийқирарди.

Пақ! Пуқ!

— Тегмади!

— Урра! Тегизолмади!

Тибул, ниҳоят, фонарь атрофини ўраган гардишга ўтиб олди.

— Майли!— деб қичқиришарди гвардиячилар.— У ҳали нариги томонга ўта бошлайди... Яна сим устидан юради-ку. Ана ўшанда уни отиб туширамиз!

Шу пайт ҳеч кимнинг хаёлига келмаган бир воқеа юз берди. Фонарь ёруғида қорайиб кўрина бошлаган олачипор кийинган Тибул фонарнинг темир ҳалқасига ўтириб олди-да, қандайдир бир мурувватни буради, нимадир шарақлаб кетди-ю, шу заҳоти фонарь ўчди-қолди.

Ҳеч ким бир оғиз сўз айтишга улгурмади. Майдон энди худди ертўладагидек жудаям қоронғи ва жимжит бўлиб қолди.

Яна бир минутдан кейин эса, жуда-жуда баландда яна бир нима тақиллаб, жаранглаб кетди. Зим-зиё гумбаз остида кичкинагина, хирагина чор бурчак дарча очилди. Ҳамма шу дарча орқали осмоннинг бир бўлагини ва иккита кичкинагина юлдузчани кўрди. Кейин мана шу дарчадан қора бир нарса тирмашиб чиқди ва шиша гумбаз устидан кимнингдир шипиллаб ўтган оёқ товуши эшитилди.

Гимнаст Тибул Юлдуз майдонидан туйнук орқали қочиб кетган эди.

Отлар отишмадан ва тўсатдан қоронғи бўлиб қолганидан ҳуркиб кетишди.

Натижада доктор тушган извошнинг ағдарилиб кетишига сал қолди. Аравакаш от жиловини кескин буриб, докторни орқа кўчалардан олиб кетди.

Шундай қилиб, доктор Гаспар Арнери ғайриоддий кун ва ғайриоддий кечани ўз бошидан кечириб, ниҳоят уйига қайтиб келди. Унинг уй бекаси Ганимед хола уни остонада кутиб олди. Хола жудаям қаттиқ ҳаяжонда эди. Тўғри-да: доктор жуда узоқ вақт йўқ бўлиб кетган эди! Ганимед хола кафтларини бир-бирига уриб, оҳ-воҳ қилиб, бошини сарак-сарак қилганча дерди:

— Вой, шўрим, кўзойнагингиз қани? Синиб қолди? Вой, доктори тушмагур-е! Плашингиз қаёқда қолди бўлмаса? Йўқотиб қўйдингизми? Оҳ, оҳ!..

— Ганимед хола, мен яна иккала пошнамниям синдириб ташлаб келдим...

— Вой, ўлмасам, бу кўргулик ҳам бормиди?!

— Бугун ундан ҳам оғирроқ фалокат юз берди, Ганимед хола: қуролсоз Проспeрони асирга олдилар. Уни темирқафасга солиб қўйишганмиш.

Ганимед хола кундузги бўлган воқеалардан бехабар эди. У тўплар гумбурини эшитган, шаҳар тепасида ёнғин шуъласини кўрган эди. Қўшни хотин унга Суд майдонида юзта дурадгор исёнчиларни қатл этиш учун кундалар ясашаётганини айтган эди.

— Мен жудаям қўрқиб кетдим. Ҳамма деразаларнинг қопқаларини ёпдим-да, ҳеч қаёққа чиқмасдан сизни кутиб ўтирдим. Ҳадеганда келавермадингиз. Жудаям хавотир олдим. Тушлик овқатингиз совиб қолди, кечлик таомингиз ҳам совиди, сиздан бўлса дарак йўқ....

Тонг отиб қолганди. Доктор ётгани ҳозирлик кўра бошлади.

У ўрганган юзта илм орасида тарих фани ҳам бор эди. Унинг чарм муқовали каттакон дафтари бўлиб, доктор мана шу дафтарга юз берган муҳим воқеалар ҳақида ўз мулоҳазаларини ёзиб борарди.

— Ҳар қандай вазиятда ҳам саранжом бўлиш керак,— деди доктор бармоғини кўтариб.

Шундан кейин, доктор гарчи жуда қаттиқ чарчаган бўлса ҳам, ўша чарм муқовали дафтарини олиб, стулига ўтирди-да, ёза бошлади:

«Ҳунармандлар, кончилар, матрослар — шаҳарнинг барча қашшоқ аҳолиси Уч Бақалоқ ҳокимиятига қарши қўзғолон кўтарди. Гвардиячилар ғолиб чиқдилар. Қуролсоз Проспeро қамоққа олинди, гимнаст Тибул қочди. Ҳозиргина Юлдуз майдонида бир гвардиячи ўз офицерини отиб ўлдирди. Бу демак — яқинда ҳамма солдатлар ҳам халққа қарши жанг қилишдан ва Уч Бақалоқ ҳукуматини ҳимоя қилишдан бош тортадилар. Лекин Тибулнинг тақдири хавотирли...»

Шу ерга келганда доктор орқасидан бир ниманинг тақиллагани эшитилди. У орқасига ўгирилди. У ерда камин печь бор эди. Мана шу каминдан яшил плаш кийган баланд бўйли бир одам чиқиб келди. Бу гимнаст Тибул эди.

# ИККИНЧИ ҚИСМ

# Валиаҳд Туттининг қўғирчоғи

## IV Боб

## ШАРФУРУШ АМАКИНИНГ АЖОЙИБ САРГУЗАШТЛАРИ

Эртаси куни Суд майдонида иш қайнарди. Дурадгорлар у ерга ўнта кунда қураётган эдилар. Гвардиячилардан тузилган соқчилар дурадгорлар ишини назорат қилардилар. Дурадғорлар эса, истар-истамас ишлардилар.

— Косиблар ва кончилар учун кунда ясашни истамаймиз!— деб ғазабланишарди улар.

— Улар бизнинг оғаларимиз.

— Улар меҳнаткаш аҳлига эрк бериш учун жонларини ҳам аямадилар!

— Ўчир овозингни!— деб бақирарди соқчилар бошлиғи, унинг ҳайқириғи шунчалик даҳшатли эдики, бақирганида тикка турган тахталар йиқилиб тушарди.— Жим бўлларинг, бўлмаса ҳаммангни қамчи билан савалатаман!

Бугун эрталабдан бошлаб Суд майдониға ҳар томондан одамлар тўп-тўп бўлиб кела бошлаган эди.

Кучли шамол эсиб чанг-тўзон кўтарилди, осма вивескалар тебранар, ғижирлар, шамол одамларнинг бошидан шляпаларини учириб, иргишлаб-ирғишлаб кетаётган извошларнинг ғилдираклари остига олиб кириб кетарди.

Бир ерда шамол қутуриб аломат воқеа юз берди: бир амаки шар сотиб турувди, шамол уни шар-парлари билан осмонга учириб кетди.

— Ура! Ура!— деб қичқиришди болалар бу антиқа парвозни томоша қилишаркан. Улар хурсанд бўлганларидан чапак чалишарди: биринчидан, бу манзаранинг ўзи аломат томоша эди, иккинчидан эса, болалар шар сотувчи амакининг осмонга учиб, ноқулай аҳволга тушганидан бир қадар хурсанд эдилар. Чунки бола-

лар бу нуфакчи амакига доим ҳасад билан қарардилар. Ҳасад — ёмон нарса. Лекин илож қанча! Қизил, кўк, сариқ шарлар доим болалар кўзига жуда ҳам ажойиб бўлиб кўринарди. Бунақа шарга эга бўлиш ҳар қайси боланинг энг ширин орзуси эди. Бу амакида бўлса, бунақа шарлар жудаям кўп эди. Шар сотувчи амаки умрида ўзининг қизил, кўк, сариқ, шарларидан биронтасини ҳатто энг одобли болагаям, энг ёқимтой қизчагаям совға қилмаган эди; шундай қилса, мўъжиза содир бўларди-я! Ҳолбуки, мўъжиза бўлмайдида!

Мана энди у шу тошбағирлиги учун жазосини олди. У шарлари боғланган ипларга осилганча шаҳар тепасидан учиб борарди. Жуда баландда — мовий осмонда учиб бораётган бу шарларнинг ғужумлари бамисоли ранг-баранг бир бош сеҳрли узумга ўхшарди.

— Войдод!— деб қичқирарди шар сотувчи амаки жонидан умидини узиб, оёқларини ликиллатганча.

Унинг чипта кавушлари оёгига анча катта эди. У ерда юрган пайтида-ку, кавушларининг катталиги унча сезилмасди-я. Чунки у кавушлари оёғидан тушиб қолмасин учун худди ялқов одамдай оёғини судраб босарди.

Аммо энди осмонга кўтарилганида ердаги ҳунарини қўллай олмай қолди.

— Падарига лаънат!

Унинг оёқлари худди лой тепаётгандай ликилларди.

— Падарига лаънат!

Унинг боши узра бир тўп шар шамолда силкиниб, бир-бирига ишқаланиб, ғижирларди.

Ахийри унинг оёғидан бир пой кавуши тушиб кетди.

Пастда шар сотувчи амакига эргашиб чопиб кетаётган болалар буни кўриб:

— Қаранглар! Хитой ёнғоги! Хитой ёнғоғи!— деб қичқиришарди. Дарҳақиқат, учиб тушиб келаётган кавуш хитой ёнғоғига ўхшаб кетарди.

Худди шу маҳал кўчадан рақс ўқитувчиси ўтиб кетаётган эди. У жуда ҳам нафосатли бўлиб кўринарди. Унинг бўйи узун, думалоқ боши муштумдаккина, оёқлари эса, чиллакдек ингичка эди — шунга кўра у ё скрипкага, ё чигирткага ўхшаб кетарди. Найнинг мунг-

ли садосига ва рақс тушувчиларнинг мулойим гапларига мосланган назокатли қулоқларига болаларнинг қувноқ бақириқ-чақириқлари қаттиқ ботди.

— Бақирманглар!— деди у аччиғланиб.— Ёмон бўлади бунақа бақирган! Одам деган ўз хурсандчилигини нафис ва хушоҳанг сўзлар билан ифода қилмоғи лозим... Хўш, масалан...

У виқор билан гердайиб туриб, гап бошламоқчи бўлган эди, лекин мисол келтиришга улгиролмади. Ҳамма рақс ўқитувчилари сингари у ҳам асосан пастга, оёғи остига қарашни одат қилган эди! Аттанг! У тепада нима бўлаётганидан бехабар эди.

Худди шу маҳал шар сотувчининг кавуши учиб келиб унинг бошига тушди. Ўқитувчининг боши кичкина эди, шунинг учун каттакон чипта кавуш унинг бошига лоппа-лойиқ шляпадек кийилиб қолди.

Бу ҳолдан энди назокатли рақс ўқитувчиси ҳам ялқов ҳўкизлар қўшилган араванинг эгасидек бақириб юборди.

Кавуш юзининг ярмини беркитган эди.

Болалар қоринларини чангаллаганча қотиб-қотиб кула бошладилар:

— Ҳа-ҳа-ҳа! Ҳа-ҳа-ҳа!

Рақс муаллими Бир-икк-учс
Доим ўзига берар ғалат тус.
Каламушга ҳам кетади ўхшаб,
Эҳ, унинг бурни узун эди заб.
Бурни уни кўп хижолат қипти
Ва чипта кавуш ўсиб чиқипти.

Девор бошига ўтириб олган болалар шундай қўшиқ тўқишган эди, лекин улар пайт келиши билан деворнинг нариги томонига сакраб тушиб жуфтакни ростлашга шай бўлиб ўтирардилар.

— Оҳ!— деб инграрди рақс ўқитувчиси.— Оҳ, мен қандай изтироб чекяпман! Баски, бошимга кавуш тушиши ёзилган экан, мана бу жирканч, дағал чипта кавуш ўрнига ҳеч бўлмаса, балларда кийиладиган жажжи туфлича тушмайдими!

Бу воқеа нима билан тугади денг — рақс ўқитувчисини қамоққа олишди.

— Азизим,— дейишди унга,— қиёфангиз одамларда даҳшат уйғотмоқда. Сиз жамоатчилик тинчини буз-

япсиз. Бундай иш қилиш сира мумкин эмас, ҳозирги ҳаяжонли дамларда эса, мутлақо тўғри келмайди.

Рақс ўқитувчиси оёғи куйган товуқдай безовталанарди.

— Бу қандай иғво!— деб нола қиларди у.— Қандай туҳмат! Мен вальслар ва табассумлар оламида яшайдиган одамман, ахир мен скрипка сарпардасига ўхшаган бир зот бўлсам-у, жамоатчилик тинчини бузишим мумкинми?.. О!..

Шундан кейин рақс ўқитувчисининг ҳоли нима кечгани бизга маълум эмас. Қолаверса, бунинг қизиғи ҳам йўқ. Осмонда учиб юрган шар сотувчи амакининг аҳволи нима кечганини билиш бизга муҳимроқдир.

У чиройли момақаймоқ гулидек учиб борарди.

— Бу қандай бемаънилик!— деб фарёд соларди шарфуруш.— Учишни хоҳламайман. Чунки учишни мутлақо билмайман...

У қанча дод-фарёд қилса ҳам, бари бир, бефойда эди. Шамол яна кучая бошлади. Шарлар ғужи тобора баландга кўтариларди. Шамол уни шаҳар ташқарисига Уч Бақалоқ Қасри томон учириб борарди.

Баъзи-баъзида шар сотувчи амаки пастга қараб қўярди. Шунда у черепицалари худди исқирт тирноқларга ўхшаб кетувчи томларни, маҳаллаларни, ингичка зангори лентани эслатувчи анҳорни, жимитдай-жимитдай келадиган одамларни айқаш-уйқаш бўлиб кетган ям-яшил боғларни кўрарди. Шаҳар худди игна учига қўндирилгандай шарчининг оёғи остида ҳар томонга айланарди.

Аҳвол борган сари ёмонлаша бошлади. «Яна бир оздан кейин Уч Бақалоқ паркига бориб тушадиганга ўхшайман!» — деб капалаги учиб кетди шар сотувчининг.

Ленин бир зумдан кейин, ўша парк устидан оҳиста салобат билан чиройли учиб ўтиб кетди. Энди у тобора пасайиб борарди. Чунки шамол бу пайт пасая бошлаган эди.

«Ҳадемай ерга қўнсам керак. Мени тутиб олишади, роса боплаб пўстагимни қоқишади, кейин турмага ташлашади ё бўлмаса, пачакилашиб ўтирамизми, деб шу заҳоти ойболта билан калламни чопиб ташлашади».

Шар сотувчини ҳеч ким кўрмади. Фақат дарахт шохига қўниб ўтирган бир гала қушлар унинг шарпа-

сидан чўчиб кетиб, «гур» этиб ҳар томонга учиб кетишди. Ғуж бўлиб учиб бораётган ранг-баранг шарлардан ерга худди булутлардан тушгандек нозик соя тушарди. Бу камалакранг нафис соя шағал тўкилган йўлкадан, гулпушта устидан, ғоз минган бола ҳайкали ва постда туриб ухлаб қолган гвардиячи соқчи устидан лип этиб ўтиб кетди. Худди мана шу пайтда мудроқ гвардиячининг юзида мўъжизали ўзгаришлар юз берди. Аввалига унинг бурни ўликникидек кўкарди, кейин масхарабозникидек яшил тусга кирди ва ниҳоят пиянистаникидек қизарди.

Машъум дақиқа етиб келаётган эди: шарлар қасрнинг очиқ деразалари томон учиб борар эди. Шар сотувчининг шу деразалардан биронтасига худди пардек учиб киришига шубҳаси қолмаган эди.

Худди шундай бўлди ҳам.

Шар сотувчи амаки деразадан ичкарига учиб кирди. У Қаср ошхонасининг деразаси экан. Бу ширапазлик хонаси экан.

Бугун Уч Бақалоқ Қасрида кечаги исённинг муваффақиятли бостирилиши муносабати билан тантанали нонушта зиёфат берилиши мўлжалланган эди. Бу нонушта тугагач Учала Бақалоқ ҳам, Давлат кенгашининг ҳамма аъзолари ҳам, мулозимлару ҳурматли меҳмонлар ҳам Суд майдонига боришлари керак эди.

Дўстларим, Қасрнинг ширапазлик хонасига кириш ҳамма учун ҳам жуда қизиқарли. Негаки, Бақалоқлар ширинлик таомлар мазасига яхши тушунишарди. Бунинг устига яна ҳозир фавқулодда ҳодиса рўй бераётган эди. Тантанали нонушта! Сарой ошпазлари билан қандолатпазлари бугун қандай антиқа таомлар ҳозирлашганини ўзингиз тасаввур қилишингиз мумкин.

Шар сотувчи амаки ширапазлик хонасига учиб кирди-ю, бир вақтнинг ўзида ҳам даҳшат, ҳам ҳайратдан ҳанг-манг бўлиб қолди. Бепарво уй бекаси дераза олдига қўйган тортга учиб келган ари эҳтимол, худди шундай даҳшат ва ҳайратга тушса керак.

Шар сотувчи амаки бу хона ичида атиги бир минутгина учиб юрди; у ҳеч нимани яхшилаб кўриб улгурмади ҳам. Аввалига у ўзини қандайдир ажиб қушлар маконига тушиб қолгандай ҳис қилди, унинг назарида гўё жанубий ўлкалардан келтирилган ранг-баранг қимматбаҳо қушлар чуғурлаша, сайраша, чақчақлашаёт-

гандай эди. Яна бир зумдан кейин эса, унга бу ер қушлар қафаси эмас, эзилиб шираси оқиб ётган тропик ўлка меваларига лиқ тўла мева дўкони бўлиб туюлди. Унинг димогига хушбўй, кишини сархуш қилгундек ширин нарсаларнинг ҳиди кирди; дим ва иссиқ ҳаводан унинг нафаси қайтиб кетди.

Шу заҳотиёқ ҳамма нарса: антиқа қушлар қафаси ҳам, мева дўкони ҳам бир-бирига қоришиб омихта бўлиб кетди.

Шар сотувчи амаки бирдан «тап» этиб билқиллаб турган иссиққина бир нарсага ўтириб қолди. Лекин шарларни қўлидан қўйиб юбормади — шар боғланган ипларни маҳкам ушлаб олган эди. Энди шарлар унинг боши узра қимир этмай туриб қолдилар.

Шарфуруш кўзларини чирт юмиб олди-да ўлса ҳам очмасликка қарор қилди.

«Энди ҳаммасига тушундим,— деб кўнглидан ўтказди у,— бу ер қуш қафаси ҳам, мева дўкони ҳам эмас экан. Бу қандолатхона. Мен бўлсам каттакон тортга ботиб ўтирибман!»

Аслида ҳам худди шундай эди.

У шоколад, апельсин, анор, крем, цукат[1], қанд упаси ва мурабболар салтанатида, ранг-баранг хушбўй ширинликларнинг султонидек тахтда ўтирарди. Тахт эса торт эди.

У ҳамон кўзини чирт юмиб ўтирарди. У қаттиқ ғалва кўтарилишини, тўс-тўполон бўлишини кутар ва ҳалитдан ҳар қандай азобга ҳам рози бўлиб қўйган эди. Лекин мутлақо кутилмаган воқеа юз берди.

— Торт расво бўлди,— деди кичкина қандолатпаз жиддий ва маъюс оҳангда.

Кейин орага сукут чўкди. Фақат кастрюлда қайнаётган шоколад бетидаги пуфакчаларнинг пўкиллаб ёрилгани эшитиларди.

— Энди нима бўлади?— деб пичирлади ўзича кўзларини чирт юмиб ўтирган шарфуруш, қўрққанидан унинг нафаси оғзига тиқилиб қолган эди.

Унинг юраги хумчадаги чақа-тангалардай ирғишларди.

Бош қандолатпаз ҳам жиддий оҳангда:

— Ҳеч нима қилмайди!— деди.— Меҳмонлар тор-

---

[1] Ц у к а т — шакарланган мева.

тилган овқатни еб бўлишди. Яна йигирма минутдан кейин тортни ҳам олиб кирсак бўлади. Ранг-баранг шарлар ва осмондан тушган манави муттаҳамнинг овсар башараси бу байрам торти учун ажойиб безак бўлади.

Қандолатпаз шу гапни айтиб бўлиб:

— Кремни олиб келинглар!— деб бақирди.

Шу заҳотиёқ крем ҳозир бўлди.

Бу қандай нарса эди?

Учта қандолатпаз ва йигирма нафар шогирд бола енг шимаришиб шарфуруш амаки устига ташланишди; улар Уч Бақалоқдан энг бақалоғининг мақтовига сазовор бўладиган даражада ғайрат ва шижоат билан ишлай бошладилар.

Бир зумда шарфурушнинг ҳаммаёғини ўраб олишди. Бечора ҳалиям чирт юмган кўзларини очмасдан ўтирарди, у ҳеч нима кўрмас эди-ю, аммо бўлаётган иш ниҳоятда мудҳиш эканлигини сезаётган эди. Унинг ҳаммаёгига крем чаплаб ташлашди. Қорнига дасторгул сурати солинган чойнакка ўхшаб кетувчи ялпоқ башарасигина кремга кўмилмай очиқ қолган эди. Қолган ҳаммаёғи пушти ранг тусда чиройли бўлиб товланувчи оқ крем билан чаплаб ташланган эди. Чипта кавушини йўқотгандай, ўз қиёфасини ҳам буткул йўқотган бу шарфурушни ҳозир ҳар нимага ўхшатса ҳам бўлаверади.

Агар уни шоир кўрса, қанотлари оппоқ оққушга, кирчи хотин кўрса, оламжаҳон совун кўпигига, шўх бола эса, қорбобога ўхшатган бўларди.

Торт тепасида шарлар ғуж бўлиб турарди. Безаклар ниҳоят даражада антиқа эди, лекин бунинг ҳаммаси бир йўла жуда қизиқ манзара касб этганди.

— Ҳа,— деб қўйди бош қандолатпаз, худди ўзи ижод этган суратдан завқланаётган рассомдек.

Кейин унинг овози боягидек яна даргазаб янгради:

— Цукатларни олиб келинглар!

Ҳар хил шаклдаги алвон-алвон цукатлар пайдо бўлди: улар сал аччиқроқ, ванилли, нордон, учбурчак, юлдуз, гул шаклида эдилар.

Ошпаз болалар жонларини жабборга бериб ишлардилар. Бош қандолатпаз уч марта чапак чалиб улгурмасидан, бутун торт ва крем уюмининг ҳаммаёғи цукатлар билан қопланиб бўлди.

— Тайёр бўлди,— деди бош қандолатпаз.— Энди уни печга тиқиб, сал-пал қизартириб олсак айни муддао бўлади.

«Печга!— дея ҳайратга келди шарфуруш ичида.— Нима? Қанақа печга? Мени печга тиқишмоқчими?»

Лекин шу маҳал бу ерга хизматкорлардан бири югуриб кирди.

— Торт! Тортни беринглар!— деб бақирди у.— Дарҳол тортни олиб чиқинглар! Меҳмонлар ширинликни кутиб қолишди.

— Тайёр!— деб жавоб қилди бош қандолатпаз.

«Худога шукур-е», деди ичида шарфуруш. Шундан кейин, у кўзини хиёлгина сузиб очди.

У ботиб ўтирган баҳайбат тортни ливрея[1] кийган олтита хизматкор кўтариб олиб чиқа бошлади. Шар сотувчи бу хонадан узоқлашаркан, шогирд болаларнинг устидан хохолаб кулиша бошлаганини эшитди.

Кенг зинадан уни юқори қаватга кўтариб олиб қишди. Меҳмонлар ўтирган зал унинг кўзига шу ерда намоён бўлди. Шар сотувчи яна бир зумгина кўзларини юмиб олди. Зал одамлар билан гавжум эди, ҳамманинг вақти чоғ. Ғовур-ғувур овозлар, қаҳқаҳа, қарсакбозликлар эшитиларди. Кўринишидан, тантанали нонушта жуда яхши уюштирилган эди.

Шарфурушни, ёки аниқроқ қилиб айтганда, тортни залга олиб кириб, стол устига қўйдилар.

Шунда шарфуруш кўзини очди.

Унинг кўзи биринчи навбатда Уч Бақалоққа тушди.

Улар шунақанги семиз эдиларки, буни кўрган шарфурушнинг оғзи ланг очилиб қолди.

«Дарҳол оғзимни юмиб олишим керак,— деган фикр унинг миясига келди шу чоқ,— ҳозирги аҳволимда яхшиси, ўзимнинг тирик эканлигимни сездирмаганим маъқул».

Лекин — афсус, унинг оғзи ҳеч юмилмас эди. Бу ҳол икки минут давом этди. Кейин шарфурушнинг ажабланиши бир оз камайди ва ахийри ўзини зўрлаб

---

[1] Ливрея — буржуа мамлакатларида хизматкорлар кийдиган уқа тақилган махсус кийим.

огзини юмиб олди. Лекин оғзи юмилган заҳоти бирдан кўзлари ялт этиб очилиб кетди. У зўр қийинчилик билан навбатма-навбат гоҳ оғзини, гоҳ кўзини юмиб, ниҳоят ўзининг синчковлигига буткул чек қўйди.

Бақалоқлар залнинг тўрида бошқалардан баландроқ ерда ўтиришарди.

Улар ҳаммадан кўп овқат ейишарди. Бир маҳал улардан биттаси ҳатто сочиқни ҳам ямлаб ея бошлади.

— Сиз сочиқни еяпсиз...

— Наҳотки?! Берилиб кетибман...

У сочиқни ташлаб, шу оннинг ўзида Учинчи Бақалоқнинг қулоғини чайнашга киришди. Нега десангиз, унинг қулоғи чучварага жудаям ўхшаб кетарди.

Ҳамма қотиб-қотиб кула бошлади.

— Ҳазилни қўяйлик,— деди Иккинчи Бақалоқ, қўлидаги вилкани юқори кўтариб.— Олдимизда жиддий масала турипти. Торт олиб келишди.

— Ура!

Ҳаммага жон кирди.

«Буёғи қандоқ бўларкин?— деган савол қийнарди шарфурушни.— Нима бўларкин? Улар мени еб юборишади!»

Шу пайт соат иккига занг урди.

— Яна бир соатдан кейин Суд майдонида қатл бошланади,— деди Биринчи Бақалоқ.

— Биринчи навбатда қуролсоз Просперони қатл қилишса керак, албатта?— деб сўради ҳурматли меҳмонлардан бири.

— Уни бугун қатл қилмайдилар,— деб жавоб қилди Давлат канцлери.

— Нега? Нега? Нима учун?

— Биз ҳозирча уни ўлдирмаймиз. Биз ундан исёнчиларнинг режаларини, энг асосий фитначиларнинг номларини билиб олмоқчимиз.

— Ҳозир қаерда у?

Бу ерга тўпланган бутун жамоани Просперо ҳақидаги гап қизиқтириб қўйган эди, одамлар ҳатто торт келганини ҳам унутиб қўйишди.

— У бояги-бояги темирқафасда ўтирипти. Қафас шу ерда, қасрда, валиаҳд Туттининг ҳайвонотхонасига қўйилган.

— Буёққа чақиринг уни...

— Буёққа олиб чиқинг уни!— деб қичқира бошлашди меҳмонлар.

— Дарҳақиқат,— деди Биринчи Бақалоқ.— Майли, меҳмонларимиз ўша ваҳший ҳайвонни ўз кўзлари билан яқиндан кўрсинлар. Ҳаммаларингизни ҳайвонотхонага таклиф қилган бўлар эдим-у, лекин у ерда ҳайвонларнинг бўкириши, чийиллашларидан қулоқларингиз кар бўлади, ундан кейин, у ер сассиқ. Айтмоқчиманки, қадаҳлар жаранги-ю, ширин мевалар ҳидидан анча бадбўйроқ у ер.

— Албатта! Албатта! Ҳайвонотхонага тушмаганимиз маъқул.

— Яхшиси, Проспероини шу ерга олиб келишсин. Биз торт еб ўтириб, ўша махлуқни томоша қиламиз.

«Оббо, яна торт!— чўчиб кетди шарфуруш.— Албатта ейиш керак эканми шу тортни... Мечкайлар!»

— Проспероини буёққа олиб келинг,— деди Биринчи Бақалоқ.

Давлат канцлери залдан чиқди. Икки томонда қатор тизилишиб турган хизматкорлар орқага тисарилишиб, унга таъзим қилишди. Натижада йўлак деворлари икки ҳисса пасайиб кетди. Мечкайлар жим бўлиб қолишди.

— У жудаям қўрқинчли,— деди Иккинчи Бақалоқ.— У ҳаммадан кучли. У ҳатто шердан ҳам кучлироқ. Унинг нафратли кўзлари ўт бўлиб ёнади. Унга тикилиб қарашга ҳеч кимнинг юраги дов бермайди.

— Унинг калласи жудаям ваҳимали,— деди Давлат кенгашининг секретари.— Нақ хумдай келади. Устун равоқига ўхшайди. Сочи малларанг. Кўрган одам унинг боши аланга олиб ёняпти деб ўйлаши мумкин.

Энди, қуролсоз Просперо ҳақида гап очилганидан кейин мечкайларнинг кўнгли бир хил бўлиб кетди. Улар овқат ейишдан тўхташди, ҳазил-ҳузулга, шанғиллаб гапиришга барҳам беришди, қоринларини ичига тортиб олишди, баъзиларининг ҳатто ранги ўчиб кетди. Кўпчилик меҳмонлар энди Проспероини кўриш истагини билдирганларидан афсусланаётган эдилар.

Учала Бақалоқ жиддий тус олди, ҳатто хиёлгина озгандай ҳам бўлди.

Бирдан ҳамма сукутга толди. Ҳаммаёқ сув қуйгандек жимжит бўлиб қолди. Бақалоқларнинг ҳар бири,

гўё иккинчисининг орқасига бекинмоқчи бўлаётгандай ғимирлай бошлади.

Залга қуролсоз Просперони олиб кирдилар.

Олдинда Давлат канцлери келарди. Маҳбуснинг икки ёнида эса, қилич ялангочлаб гвардиячилар кирди, улар залга киришганда ҳам қора клеёнкадан тикилган шляпаларини ечмадилар. Занжир шарақлади. Қуролсознинг қўлларига кишан солинган эди. Уни столга яқин олиб келишди. У Бақалоқлардан бир неча қадам нарида тўхтади.

Қуролсоз Просперо бошини пастга эгиб турарди. Унинг ранги ўчган эди. Унинг пешонасида, чаккаларида ва патила-патила бўлиб кетган малла сочлари остида қон қотиб қолган эди.

Мана, у бошини кўтариб Бақалоқларга тикилган эди, шу ерга яқин столларда ўтирган ҳамма одамларнинг кайфи учиб кетди.

— Нега олиб келдингиз уни бу ерга?— деб чийиллади меҳмонлардан бири. Бу — мамлакатда энг бадавлат тегирмончи эди.— Мен ундан қўрқаман!

Шу гапни айтиб туриб, тегирмончи ҳушидан кетиб, олдида турган киселга тумшуғи билан тушди. Баъзи меҳмонлар эшик томонга қоча бошладилар. Энди торт ҳеч кимнинг кўнглига сиғмай қолган эди.

— Мендан нима истайсизлар?— деб сўради қуролсоз.

Биринчи Бақалоқ юрак ютиб гап бошлади:

— Биз нусхангни бир кўрмоқчи бўлувдик,— деди у.— Ўзинг-чи, мени қўлга олганлар ким экан, деб қизиқмадингми?

— Сизларга қарашдан жирканаман.

— Ҳадемай бошингни танангдан жудо қиламиз. Ана ўшанда бизга қарамайдиган бўласан — биз бунга кафилмиз.

— Мен ўлимдан қўрқмайман. Менинг бошим битта. Лекин халқнинг юз минглаб боши бор. У бошларни ойболтангиз билан чопа олмайсиз.

— Бугун Суд майдонида қатл бўлади. У ерда жаллодлар сенинг дўстларингни гумдон қилишади.

Мечкайларнинг кўнгли бир оз таскин топди. Тегирмончи ҳушига келди ва ҳатто юзига ёпишган кисель юқини тили билан ялаб ҳам олди.

— Кўзингизни ёғ босган,— дерди Просперо.— Сиз-

лар ўз қоринларингиздан бошқа ҳеч нимани кўрмайсизлар...

— Гапини қаранг-а! — деди ранжиган оҳангда Иккинчи Бақалоқ.— Хўш, бизлар нимани кўришимиз керак экан?

— Министрларингиздан сўранг. Мамлакатда нималар бўлаётганини улар яхши билишади.

Давлат канцлери ноаниқ томоқ қириб қўйди. Министрлар ўз талинкаларини бармоқлари билан дўмбира қилиб чала бошладилар.

— Сўранг улардан,— деб гапида давом этди Просперо,— улар айтиб беришади сизга...

У гапини тугатмай тўхтади. Ҳамма қулоғини динг қилиб турарди.

— Улар сизга ҳаммасини айтиб берадилар: сиз деҳқонларнинг тер тўкиб, оғир машаққат чекиб ундирган ғаллаларини тортиб олган эдингиз, мана шу деҳқонлар ҳозир помешчикларга қарши исён кўтармоқдалар. Улар хўжайинларининг қўрғонларига ўт қўядилар, уларни мулкларидан қувиб чиқаряптилар. Кончилар кўмир қазишдан бош тортяптилар, чунки қазиб чиқарилган кўмирни сизлар тортиб оласиз. Ишчилар, сизларнинг бойлигингизни ошириш учун ишлашдан воз кечиб, машиналарни синдиряптилар. Матрослар сизларнинг юкларингизни денгизга улоқтиряптилар. Солдатлар сизларга хизмат қилишдан бош тортяптилар. Олимлар, хизматчилар, судьялар, актёрлар халқ томонига ўтяптилар. Илгари сизнинг хизматингизни қилиб, хизмати эвазига фақат сариқ чақа олган, лекин, айни пайтда, сизларни семиртирган, ҳамёнингизни қаппайтирган мана шу бахти қаро, шўрпешона, очялангоч, озиб чўп бўлган етим-есир, майиб-мажруҳ, қашшоқлар — ҳаммалари сизларга қарши, қорни катта, тошбагир бойларга қарши уруш очиб бош кўтаряптилар.

— Назаримда, анча ортиқча гапириб юборди бу жиноятчи,— деб гапга аралашди Давлат канцлери.

Лекин Просперо гапида давом этди:

— Мен халқимизга сизлардан ва сизларнинг ҳокимиятингиздан нафратланишни ўн беш йилдан бери ўргатиб келаман. О, бизлар жуда кўпдан буён куч йиғиб келамиз! Мана, энди сизларнинг кунингиз битди...

— Бас! — чийиллади Учинчи Бақалоқ.

— Уни тезроқ қафасига олиб бориб тиқиш керак,— деди Иккинчи Бақалоқ.

Биринчи Бақалоқ бўлса:

— То биз гимнаст Тибулни қўлга олмагунимизча, сен қафасда ёта турасан. Биз икковингни бирга қатл этамиз. Халқ сенларнинг жасадларингни кўради. Ана шунда унинг биз билан жанг қилиш иштиёқи узоқ вақтгача даф бўлиб кетади.

Проспero жим турарди. У яна бошини эгиб олган эди.

Бақалоқ гапида давом этди:

— Сен ким билан жанг қилмоқчи бўлаётганингни унутиб қўйибсан. Биз, Уч Бақалоқ кучли ва қудратлимиз. Ҳамма нарса бизнинг ихтиёримизда. Мен, Биринчи Бақалоқ бутун мамлакатимизда унадиган ғалланинг хўжайини бўламан. Иккинчи Бақалоққа бутун кўмир конлари қарайди, Учинчи Бақалоқ эса, ҳамма темирларни сотиб олган. Биз ҳаммадан бойроқмиз. Мамлакатдаги энг бадавлат одам ҳам биздан юз чандон камбағалроқдир. Биз ўз олтинларимизга хоҳлаган нарсаларни сотиб олишимиз мумкин.

Шундан кейин ҳамма мечкайларнинг жазаваси тутиб кетди. Бақалоқнинг гаплари уларга далда бўлган эди.

— Қафасга ташлаш керак уни! Қафасга,— деб қичқира бошлашди улар.

— Ҳайвонлар ичига!

— Қафасга!

— Ғаламис!

— Қафасга тиқиш керак!

Проспeрони олиб чиқиб кетишди.

— Энди торт еймиз,— деди Биринчи Бақалоқ.

«Ўлдим!» — деди ичида шарфуруш.

Ҳамма кўзини унга тикди. У кўзини яна юмиб олди. Мечкайлар вақтичоглик қила бошлашди.

— Ҳў-ҳў-ҳў!

— Ҳа-ҳа-ҳа! Қандай ажойиб торт-а! Тепасида шарлари ҳам бор!

— Шарлар жудаям чиройли.

— Анави нусхага қаранг!

— Антиқа нусха.

Ҳамма торт сари юрди.

— Манави тасқаранинг ичи нима экан?— деб сўради кимдир ва шарфурушнинг пешонасига оғритиб бир чертди.

— Ичи тўла конфет бўлса керак.

— Ё шампан виносидир...

— Жуда қизиқ! Жуда қизиқ!

— Келинглар, олдин мана бу бошни узамиз, кўрайлик-чи, нима бўларкин...

— Вой!

Шарфуруш оғриққа чидай олмай, аниқ қилиб: «Вой!» — деб юборди ва кўзларини катта очди.

Унинг боши ичида нима борлигини билишга қизиққанлар чўчиб кетиб, орқага ташландилар. Худди шу пайт ровондан бир боланинг баралла чинқиргани эшитилди:

— Қўғирчоқ! Менинг қўғирчоғим!

Ҳамма ўшаёққа ўгирилиб, қулоқ сола бошлади. Ҳаммадан ҳам Учала Бақалоқ билан Давлат канцлери кўпроқ безовта бўла бошлаган эди.

Чинқириқ йиғига айланди. Ровонда бир бола негадир хун бўлиб, ҳўнграб йиғларди.

— Нима гап?— деб сўради Биринчи Бақалоқ.— Ахир бу йиғлаётган валиаҳд Тутти-ку!

— Валиаҳд Тутти йиғлаяпти!— деб бир овоздан такрорлашди Иккинчи ва Учинчи Бақалоқлар.

Кейин учовларининг ҳам ранглари ўчиб кетди. Улар жудаям қўрқиб кетишган эди.

Давлат канцлери, бир нечта министр ва хизматкорлар ровонга чиқадиган йўлак сари отилдилар.

— Нима гап? Нима бўлди?— дея пичирлаша бошлашди залда ўтирганлар.

Бола локланган туфлисини ялтиллатиб залга югуриб кирди. У министрлар ва хизматкорларни туртиб, ўзига йўл очиб, сочини силкитганча бақалоқлар олдига чопқиллаб борди. У ҳўнг-ҳўнг йиғлаб бир нималар дерди, аммо гапини ҳеч ким тушунмасди.

«Бу тирранча ҳозир мени кўриб қолади!— деб хавотирлана бошлади шарфуруш.— Менинг нафас олишимгаям ҳатто бармоқларимни ҳаракат қилишигаям халақит қилаётган шу ярамас крем, албатта, бу болага ёқиб қолади ҳозир. Энди, бола йиғламасин деб, албатта товонимни қўшиб бир бўлак торт кесиб беришади унга».

Лекин бола тортга ҳатто қайрилиб ҳам қарамади. Ҳатто шарфурушнинг дум-думалоқ боши узра турган ажойиб шарлар ҳам боланинг диққатини тортмади.

У аччиқ-аччиқ йиғларди.

— Нима гап ўзи? — деб сўради Биринчи Бақалоқ.

— Нега валиаҳдимиз Тутти йиғлаяпти? — деб сўради Иккинчи Бақалоқ.

Учинчи Бақалоқ эса, тумшайиб лунжларини шиширди.

Валиаҳд Тутти ўн икки ёшда эди. У Уч Бақалоқлар Қасрида тарбияланарди. У худди кичкина шаҳзодадек яшарди. Бақалоқлар ўзлари учун ворис ўстираётган эдилар. Уларнинг болалари йўқ эди. Учта Бақалоқнинг бутун мол-давлати ҳамда мамлакатни идора қилиш, кейинчалик шу валиаҳд Туттининг қўлига ўтиши керак эди.

Валиаҳд Туттининг кўзёшларини кўрган Бақалоқлар шундай даҳшатга тушдиларки, қуролсоз Проспeронинг гаплари ҳам уларни бунчалик чўчитмаган эди.

Бола қўлларини мушт қилиб силкитар, ер депсинар эди. Унинг ғазаби ва аламининг чеки йўқ эди.

Лекин ҳеч ким бунинг сабабини билмасди.

Боланинг тарбиячилари залга киришдан ҳайиқишиб, йўғон устунлар орқасидан мўралаб турардилар. Эгниларига қора кийим, бошларига қора парик кийган бу мураббийлар пилиги тутаб қорайиб кетган лампа шишага ўхшардилар.

Ниҳоят бола бир оз ўзини босиб олиб, бўлган воқеани сўзлаб берди.

— Менинг қўгирчогим, менинг ажойиб қўгирчогим синиб қолди!.. Қўгирчоғимни бузиб ташлашди. Гвардиячилар қўғирчоғимни қиличлари билан илма-тешик қилиб ташлашди...

У яна ҳўнграб йиғлай бошлади. У кичкина муштумчалари билан қовоқларини ишқалаб, кўзёшларини юзига сурарди.

— Нима?! — деб бақириб юборишди Бақалоқлар.

— Нима?!

— Гвардиячилар?

— Қилич билан?

— Илма-тешик қилиб ташлашди?

— Валиаҳд Туттининг кўғирчогини-я?

Шунда бутун зал гўё баравар нафас олгандай паст овоз билан:

— Бундай бўлиши мумкин эмас!— деб юборди.

Давлат канцлери бошини чангаллади. Бояги энг бадавлат тегирмончи яна ҳушидан кетиб қолди, лекин шу заҳотиёқ Биринчи Бақалоқнинг даҳшатли ҳайқиригидан яна ўзига келди:

— Базм тўхтатилсин! Ҳамма ишлар кейинга қолдирилсин! Кенгаш чақирилсин! Ҳамма мансабдорлар! Ҳамма судьялар! Ҳамма министрлар! Ҳамма жаллодлар чақирилсин! Бугунги қатл маросими қолдирилсин! Саройда хиёнат!

Алғов-далғов бошланди. Бир минутдан кейин сарой элчилари тушган кареталар ҳарёққа шамолдек учиб кетди. Беш минутдан кейин эса, ҳар томондан саройга қараб судьялар, маслаҳатчилар, жаллодлар етиб кела бошладилар. Суд майдонида исёнкорларнинг қатл қилинишини кутиб турган оломон уй-уйига тарқалишга мажбур бўлди. Жарчилар тахта супага чиқишиб, халойиқ олдида жуда муҳим ҳодиса содир бўлганлиги сабабли қатл эртага қолдирилди, деб жар солдилар.

Шарфурушни торт билан бирга залдан олиб чиқиб кетишди. Мечкайларнинг кайфлари учиб бир зумда ҳушёр тортдилар.

Ҳамма валиаҳд Туттининг атрофини ўраб, унинг гапини тинглай бошлади.

— Мен паркда, майса устида ўйнаб ўтирган эдим, қўғирчогим ҳам ёнимда ўтирган эди. Биз икковимиз қуёш тутилишини хоҳлардик. Бу жудаям қизиқ бўларкан. Кеча китобда ўқиган эдим. Қуёш тутилган пайтда, куппа-кундузи осмонда юлдузлар пайдо бўларкан...

У кўзёшлари оғзига оқиб тушаётганидан гапиролмай қолди. Шунда мураббий бўлган ҳамма воқеани батафсил гапириб берди. Лекин мураббий ҳам қийналиб-қийналиб гапирди, чунки қўрққанидан вужуди дағ-дағ қалтирарди.

— Мен валиаҳд Тутти билан унинг қўғирчоғидан сал нарироқда ўтирган эдим. Мен бурнимни офтобга тоблаб ўтирардим. Нега десангиз, бурнимга ҳуснбузар чиққан эди, қуёш шуъласи ёрдамида зора шу ордонадан қутулсам деб, офтобга тутиб ўтирардим. Шу пайт бирдан гвардиячилар пайдо бўлишди. Улар ўн икки киши эди. Бир нималар ҳақида ҳаяжонланиб гаплаши-

шарди. Кейин улар бизнинг олдимизга келиб тўхташди. Қиёфалари жудаям қўрқинчли эди. Улардан бири валиаҳд Туттини кўрсатиб бундай деди. «Ана бўри боласи ўтирипти. Учта сўқим тўнғиз бўри боласини ўстиряпти». О! Бу гапларнинг маъносини мен ўша заҳотиёқ тушунган эдим.

— Ким экан ўша учта сўқим тўнғиз?— деб сўради Биринчи Бақалоқ.

Қолган иккитаси эса лавлагидек қизариб кетди. Шундан кейин Биринчи Бақалоқ ҳам қизариб кетди. Учалалари шунақа зўр пишиллашардики, ҳатто айвон томондаги ойнаванд эшик уларнинг нафасидан очилиб-ёпилиб турарди.

— Улар валиаҳд Туттини ўраб олишди,— деб гапида давом этди тарбиячи.— «Учта тўнғиз тошюрак бўри боласини тарбиялашяпти,— дейишди улар.— Валиаҳд Тутти, юрагинг қай томонингда?— деб сўрашди улар кейин,— унинг юрагини суғириб олишган. У бешафқат, тошбағир, золим бўлиб, одамларни ёмон кўрадиган бўлиб ўсиши керак... Уч Бақалоқни тўнғиз қўпғандан кейин ёвуз бўри уларнинг ўрнини эгаллайди».

— Нега сиз бундай қабиҳ гапларга дарҳол барҳам бермадингиз?— деб дағдаға қилди Давлат канцлери тарбиячининг елкасидан чангаллаб силкитаркан.— Улар халқ томонига ўтган хоинлар эканлигига наҳот фаросатингиз етмаган бўлса?

Тарбиячининг капалаги учиб кетди.

— Фаҳмлашга фаҳмладим, лекин улардан қўрқдим,— деб ғўлдиради у.— Улар жудаям дарғазаб эдилар. Менда бўлса ҳеч қандай қурол йўқ эди, ҳуснбузардан бошқа... Улар ҳужум қилишга шай бўлиб, қиличларининг бандидан ушлаб турардилар. «Қаранглар,— деди шу чоқ гвардиячилардан бири,— ана тасқара. Бу қўгирчоқ. Бўри боласи қўғирчоқ ўйнаяпти. Унга жонли болаларни кўрсатишмайди. Унга шу пружинали қўғирчоқни ўртоқ қилиб беришган». Шу гапдан кейин, иккинчи гвардиячи қичқирди: «Мен ўғлим билан хотинимни қишлоққа ташлаб келганман. Ўғилчам рогатка отиб, помешчик боғидаги нокка тегизибди. Помешчик, бой шаънига доғ туширдинг деб, боламни хипчин билан савалашни буюрибди, бу ҳам етмағандек, ўша бойнинг хизматкорлари хотинимни майдон ўртасидаги устунга боглаб сазойи қилишипти».

Гвардиячилар бақиришиб валиаҳд Тутти устига бостириб кела бошлашди. Бояги ўз ўғли ҳақида гапирган гвардиячи шамширини суғуриб олиб, уни қўғирчоқнинг кўксига санчди. Бошқалар ҳам шундай қилишди...

Гап шу ерга келганда валиаҳд Тутти яна юм-юм йиғлай бошлади.

...«Мана сенга, бўри боласи! — дейишди улар.— Ўша бўрдоқи тўнғизларингнинг ҳам додини берамиз ҳали».

— Қани ўша хоинлар?— деб бақиришди Бақалоқлар.

— Улар қўғирчоқни ташлаб паркнинг ичкарисига от чоптириб кетишди. Улар: «Яшасин қуролсоз Просперо! Яшасин гимнаст Тибул! Йўқолсин Уч Бақалоқ!» — деб қичқиришди.

— Нега соқчилар уларга қарата ўт очишмади?— деб ғазабланарди залдаги одамлар.

Шунда тарбиячи жуда даҳшатли бир воқеани баён қилди.

— Соқчилар улар орқасидан шляпа силкиб қолишди. Мен тўсиқ орқасидан туриб соқчиларнинг гвардиячилар билан қандай илиқ хайрлашганини кўрдим. Улар гвардиячиларга қарата: «Ўртоқлар! Халқ орасига бориб айтинглар, яқинда бутун қўшин халқ томонига ўтади...» — деб айтишди.

Паркда мана шундай воқеа юз берган эди.

Ваҳима бошланди. Сарой гвардиясининг энг ишончли қисмлари қаср ичига, парк дарвозалари олдига, кўприкларга ҳамда шаҳар дарвозасига борадиган йўллардаги постларга қўйилди.

Давлат кенгаши мажлисга тўпланди. Меҳмонлар жўнаб кетишди. Учала Бақалоқ сарой бош табибининг тарозусида ўзларини тортиб кўрдилар. Маълум бўлишича, улар шунча ҳаяжонланганларига қарамай зиғирча ҳам озмабдилар. Шундан кейин бош табибни қамаб қўйишни ва унга нон билан сувдан бошқа ҳеч нима бермасликни буюришди.

Валиаҳд Туттининг қўғирчогини паркка чиқишиб, майса устидан топиб келишди. Қўғирчоқ қуёш тутилишини кўролмай хазон бўлган эди. У ҳеч тузатиб бўлмайдиган даражада дабдала қилиб ташланган эди.

Валиаҳд Тутти ҳануз овуна олмас эди. У синган қў-

ғирчоқни қучоқлаб ҳўнг-ҳўнг йиғларди. Қўғирчоқ қиз бола қиёфасида эди. Унинг бўйи ҳам Туттининг бўйи билан баб-баравар эди — бу зўр маҳорат билан ясалган қимматбаҳо қўғирчоқ ташқи кўринишидан жажжигина жонли қизчадан сираям фарқ қилмасди.

Энди бўлса, қўғирчоқнинг кўйлаги дабдала бўлиб йиртилган, кўксида қиличларнинг ўрни қорайиб турарди.

Бундан бир соатгина бурун бу қўғирчоқ, ўтиришни, туришни, жилмайишни, рақс тушишни биларди. Энди бўлса, у оддий бир тасқарага, увадага айланиб қолган эди. Унинг томоғи олдида ва кўкрагида пушти ранг шоҳи кўйлаги тагидан синган пружинанинг хириллагани эшитиларди, одатда кўҳна соат занғ чалиши олдидан шунақа хириллайди.

— Қўғирчоғим ўлиб қолди,— деб зорланарди валиаҳд Тутти.— Шўрим қурсин! У ўлди!

Йўқ, кичкина Тутти бўри боласи эмас эди.

— Бу қўғирчоқни тузатиш керак бўлади,— деди Давлат канцлери Давлат кенгаши мажлисида.— Валиаҳд Тутти қаттиқ қайғурмоқда. Қандай қилиб бўлмасин, қўғирчоқни тузатмоқ лозим.

— Бошқасини сотиб олиш керак,— деб таклиф киритишди министрлар.

— Валиаҳд Тутти бошқа қўғирчоқни хоҳламайди. У фақат мана шу қўғирчоқнинг қайта тирилишини хоҳлайди.

— Ахир ким уни тузата оларди дейсиз?

— Тузатадиган одамни мен биламан,— деди халқ маорифи министри.

— Ким?

— Биз, жаноблар, шаҳримизда доктор Гаспар Арнери яшашини унутибмиз. Шу одамнинг қўлидан келмаган иш йўқ. Валиаҳд Туттининг қўғирчоғини шу одам тузатиб беради.

Ҳамма баравариға суюниб кетди:

— Қойил! Балли!

Шу пайт Давлат кенгашининг ҳамма аъзолари доктор Гаспарни эслаб бир овоздан қўшиқ айта бошлашди:

Юлдузларга қандай учмоқни,
Шум тулкини қай хил тутмоқни,
Тошни қандай эритмоқни ҳам
Билар бизнинг доктор Гаспар, ҳа!

Шу оннинг ўзидаёқ доктор Гаспар номиға буйруқ ҳозирланди.

«Жаноб доктор Гаспар Арнерига.

Уч Бақалоқ ҳукуматининг Давлат кенгаши ушбу буйруқ билан бирга валиаҳд Туттининг бузилган қўғирчоғини юбораркан, Сизга уни эртаги кунгача тузатиб беришни буюради. Қўғирчоқ яна аввалгидек соғлом ва тирик қиёфага кирмоғи лозим, шундай бўлган тақдирда Сизга ўзингиз истаган мукофот инъом этилгай, борди-ю, буйруғимиз бажарилмаса, Сиз оғир жазога тортилажаксиз,

Давлат кенгаши раиси
Давлат канцлери...»

Буйруқнинг шу ерига канцлер имзо чекди. Дарҳол каттакон давлат муҳрини босишди. Муҳр доира шаклида бўлиб, унинг ўртасига лиқ тўла қопнинг тасвири туширилган эди.

Сарой гвардияси капитани граф Бонавентура икки нафар гвардиячи кузатувида, доктор Гаспар Арнерини топиб, унга Давлат кенгашининг фармонини топшириш учун шаҳарга йўл олди.

Улар от миниб олишган, орқаларидан эса, карета эргашиб борарди. Каретада сарой амалдори ўтирарди. У қўғирчоқни тиззасига ўтқазиб олган. Қўғирчоқ кокиллари калта қилиб қирқилган чиройли бошини амалдорнинг елкасига ғамгин қўйган эди.

Валиаҳд Тутти йиғлашдан тўхтади. Чунки у қайта тирилган, соғлом қўғирчоқни эртага олиб келишларига ишонган эди.

Бугунги кун Қасрда шундай ҳаяжонли ўтди.

Энди гапни осмонга учган шарфуруш амакидан эшитайлик, хўш унинг саргузашти нима билан тугади экан?

Уни залдан олиб чиқиб кетишганидан хабаримиз бор.

У ўзини яна шираворхонада кўрди.

Худди мана шу пайт фалокат юз берди.

Тортни кўтариб бораётган хизматкорлардан бири ерда ётган апельсин пўчоғини босиб тойиб кетди.

— Эҳтиёт бўл!— деб қичқиришди хизматкорлар.

— Войдод!— деб бақириб юборди шарфуруш ўтирган тахтининг чайқалаётганини сезиб.

Лекин хизматкор ўзини ушлаб қололмади. У кафель ётқизилган полга гурс этиб йиқилди-да, узун оёқларини осмонга кўтариб ув тортиб йиғлай бошлади.

— Ура!— деб бақиришди хурсанд бўлган шогирд болалар.

Хизматкор кетидан шарфуруш амаки ҳам лаганпагани билан бирга қулаб тушди. У йиқиларкан, маъюс оҳангда:

— Шайтонлар!— деб сўкинди. Тўрт солинган катта лаган чил-чил бўлди. Крем худди қор бўронига ўхшаб ҳамма томонга сочилиб кетди. Хизматкор ўрнидан тура солиб шаталоқ отиб қочиб қолди.

Шогирд болалар дик-дик сакрашар, ўйинга тушишар, қийқиришарди.

Шарфуруш амаки чинни парчалари орасида малина шарбати кўлмагига ботиб дабдаласи чиққан тортдаги эрий бошлаган асл француз креми кўпигига бўялиб ерда ўтирарди.

Шар сотувчи ҳозир шираворхонада бояги учта бош қандолатпазнинг йўқлигини, бу ерда фақат шогирд болалар борлигини кўриб, бир оз кўнгли таскин топди.

«Ошпаз болалар билан тил бириктираман, улар менинг бу ердан қочишимга ёрдам беришади,— деган қарорга келди у,— шарларим мени бу даргоҳдан халос этадилар».

У шарлар боғланган арқонни ҳамон маҳкам ушлаб ўтирарди.

Шогирд болалар уни гир айланиб ўраб олишди. Шарлар улкан бойлик эканлиги, ҳеч бўлмаса бир дона шарга эга бўлиш энг ширин орзу ва бахт эканлигини шарфуруш уларнинг кўзидан кўриб турарди.

Шунинг учун у бундай деб гап очди:

— Саргузаштлар жудаям жонимга тегиб кетди. Мен кичкина бола ҳам, қаҳрамон ҳам эмасман. Мен осмонда учишни ёмон кўраман. Мен Уч Бақалоқдан қўрқаман. Ундан кейин мен байрам тортларига безак бўлишга ҳам ярамайман. Мен бу қасрда қорамни кўрсатмасликни жудаям хоҳлайман.

Шогирд болалар кулишдан тўхташди. Шарлар эса, амакининг боши узра чайқалиб, айланиб турарди. Мана шу ҳаракатдан қуёш шуъласи шарлар сиртида гоҳ заңгори, гоҳ сариқ, гоҳ қизил аланга бўлиб товланарди. Булар жуда ажойиб шарлар эди.

— Менинг қочишимга кўмаклаша оласизларми?— деб сўради шарфуруш, ипни тортиб-тортиб қўяркан.

— Кўмаклашамиз,— деди паст овоз билан шогирд болалардан бири. Кейин шундай деб қўшиб қўйди: — Агар бизга шарларингизни берсангиз.

Шарфуруш ниятига эришган эди.

— Яхши,— деди у хотиржам оҳангда,— розиман. Шарлар жуда қиммат туради. Бу шарлар ўзимга жудаям зарур-у, лекин майли, розиман. Сизлар менга ёқиб қолдинглар. Сизларнинг чеҳраларингиз қувноқ, юзингиз ёруқ, овозларингиз янгроқ.

«Жин урсин ҳаммаларингни!» — деб ичида қўшиб қўйди.

— Бош ширапаз ҳозир омборда,— деди шогирд бола.— У кечлик чойга печенье тайёрлаш учун мол тортиб оляпти. У қайтиб келгунича сизни бу ердан чиқариб юборишимиз керак.

— Жуда тўғри,— деб қўшилди шарфуруш,— пайсалга солишнинг нима кераги бор?

— Ҳозир. Мен бир сирни биламан.

Шогирд бола шу гапни айтиб бўлиб, кафель қопланган ўчоққа ўрнатилган каттакон мис кастрюль тепасига борди-да, унинг қопқогини кўтарди.

— Беринг шарларингизни,— деб талаб қилди у.

— Жинни бўпсан!— деди аччиғи чиққан шарфуруш.— Кастрюлингни бошимга ураманми? Мен бу ердан қочмоқчиман. Нима, кастрюлга тушишим керакми?

— Ҳа-да.

— Кастрюлга-я?

— Кастрюлга.

— Кейин нима бўлади?

— Кейин кўрасиз. Тушинг тезроқ кострюлга. Бу ердан қочиш учун энг қулай йўл шу.

Кастрюль шунақаям катта эдики, унга озғин шарфуруш уёқда турсин, ҳатто Уч Бақалоқнинг энг семизи ҳам бемалол сиғарди.

— Агар вақт ганимат десангиз тезроқ тушинг.

Шар сотувчи кастрюль ичига мўралади. Қараса, унинг таги йўқ экан. Ичи худди қудуққа ўхшаган қопқоронғи эди.

— Яхши,— деб хўрсиниб қўйди шарфуруш.— Кастрюль бўлса кастрюл-да. Ҳар қалай, шарлар билан ос-

монда учишдан, ё кремга чўмилишдан ёмонроқ бўлмас бу. Хўп, бўлмаса, хайр, кичкина муттаҳамлар. Озодликка чиққаним учун ҳаққингизни олинг.

У тугунни ечиб, шарларини ошпаз болаларга улашди. Шарлар ҳаммага етди: роса йигирмата шарнинг ҳаммасини болаларга биттадан ипи билан узиб берди.

Кейин у бесўнақай ҳаракат қилиб, оёғи билан кастрюль ичига тушди. Ошпаз бола кастрюлнинг қопқоғини ёпди.

— Шарлар! Шар! Шар!— хурсанд бўлиб қичқиришди ошпаз болалар.

Улар пастга тушишиб, қандолатхона деразаси тагидаги паркка, кўм-кўк майсазорга чиқдилар.

Бу ерда очиқ ҳавода шар ўйнаш жудаям завқли эди.

Шу маҳал бирдан шираворхонанинг учта деразасидан учта ширапазнинг боши кўринди.

— Бу нима?— деб бақирди уларнинг ҳар бири.— Бу қанақаси? Бу қандай тартибсизлик! Қани, ичкарига киринглар!

Шогирд болалар бу дағдағадан қўрқиб кетишганидан, қўлларидаги шарларнинг ипини қўйиб юборишди.

Бахтиёр дамлар тугаган эди.

Йигирмата шар беғубор мовий осмонга қараб тез кўтарила бошлади. Ошпаз болалар бўлса, пастда, хушбўй нўхат туплари орасида, ўтлоқда оғизларини очганча, оқ қалпоқли бошларини осмонга кўтарганча турардилар.

## V Боб

## НЕГР ВА КАРАМ БОШИ

Эсингизда бўлса, доктор Гаспар ўтказган беҳаловат тун охирида унинг уйидаги камин ичидан дорвоз ва гимнаст Тибул чиқиб келган эди.

Кейин улар икковлашиб доктор Гаспарнинг устахонасида тонг палласида нима иш билан машғул бўлишган — бу бизга маълум эмас. Қаттиқ ҳаяжонланганидан ва доктор Гаспарни узоқ вақт кута-кута безовталаниб толиққан Ганимед хола маст уйқуда бир товуқни туш кўриб ётарди.

Эртаси куни, шарфуруш амаки Уч Бақалоқ Қасрига учиб борган ва гвардиячилар валиаҳд Туттининг қўғирчоғини илма-тешик қилиб ташлашган худди ўша куни, Ганимед холанинг бошига кўп ташвишлар тушди. У қопқонга илинган сичқонни бехосдан қочириб юборди. Мана шу сичқон ўтган кечаси бир қадоқ мармеладни паққос тушириб кетган эди. Ундан олдин, жумадан шанбага ўтар кечаси бўлса, чиннигул ўтказилган стаканни ағдариб юборган эди. Стакан синган, чиннигулдан эса, негадир валерианка ҳиди кела бошлаган эди.

Сичқон мана шу ҳаяжонли тунда қопқонга илинган эди.

Ганимед хола эрталаб барвақт туриб, қопқонни кўтарди. Сичқон худди бунақа қафас ичида ўтиришга одатланиб қолгандай мутлақо бепарво ўтирарди. У айёр ўзини шунақа бепарво қилиб кўрсатаётган эди.

— Иккинчи бировларнинг мармеладини емайсан,— деди Ганимед хола қопқонни кўзга кўринадиган ерга қўйиб.

Кейин у кийиниб, бу қувончли хабарни доктор Гаспарга етказмоқ учун унинг олдига, устахонага йўл олди. Кеча эрталаб, мармелад йўқолганида доктор Гаспар унга таскин бериб, кўнглини кўтариб қўйган эди.

— Мармеладда кислота кўп, шунинг учун сичқон уни яхши кўради,— деган эди у.

Бу гап Ганимед холанинг кўнглини анча тинчитган эди.

— Сичқон менинг кислоталаримни яхши кўраркан... Қани, кўрамиз, у менинг қопқонимниям яхши кўрармикин.

Ганимед хола устахона эшиги олдига борди. У қопқонни қўлига ушлаб олган эди.

Эрта тонг палласи эди. Очиқ деразадан дарахтларнинг ям-яшил барглари чиннидай ярақлаб кўринарди. Шамол шарфуруш амакини шу куни эрталаб осмонга учириб кетган эди; аммо ҳозирча шамол тургани йўқ эди.

Устахонадан қандайдир шарпа эшитилди.

«Шўрлик!— деб ўйлади Ганимед хола.— Наҳот ҳалигача ётмаган бўлса?»

У эшикни тақиллатди.

Доктор ичкаридан бир нима деб жавоб қилди, лекин хола унинг нима деганини аниқ эшитолмади.

Эшик очилди. Остонада доктор Гаспар турар эди. Устахонадан қандайдир куйган пробканинг ҳидига ўхшаш ҳид келар эди. Бурчакда тигель[1] декчаси остидаги олов ўчай-ўчай деб липилларди.

Афтидан доктор Гаспар туннинг қолган қисмини ҳам уйқусиз ўтказиб, ўзининг одатдаги биронта иши билан машғул бўлганга ўхшайди.

— Яхши ётиб турдингизми! — деди доктор қувноқ оҳангда.

Ганимед хола қўлидаги қопқонни баланд кўтарди. Сичқон тумшуғини қимирлатиб искай бошлади.

— Сичқон тутдим!

— О! — доктор жудаям мамнун эди.— Қани, кўрсатинг-чи!

Ганимед хола пилдираб дераза олдига борди.

— Мана у!

Хола қопқонни узатди. Шу чоқ бирдан унинг кўзи негрга тушди. Дераза олдида турган «Эҳтиёт бўлинг!» деб ёзилган яшик устида чиройли бир негр ўтирарди.

Негр яланғоч эди.

Негр қизил иштон кийган.

Негр тимқора, бинафшаранг, жигарранг, ялтироқ эди.

Негр трубка чекиб ўтирарди.

Ганимед хола овозининг борича «вой», деб чинқириб юборди, шунчалик қаттиқ чинқирдики, сал бўлмаса паққос ёрилиб кетаёзди. У боққа қўйилган қўриқчидай қўлларини икки ёққа ёйиб, турган ерида чир-чир айлана бошлади. Шу пайт у бирдан ўнғайсиз бир ҳаракат қилган эди, қопқоннинг эшикчаси жаранглаб очилиб кетди ва сичқон ерга «тап» этиб тушиб, шу зумнинг ўзида қаёққадир ғойиб бўлди.

Ганимед хола шунчалик қўрқиб кетган эди.

Негр овозининг борича хохолаб куларди, у иккита каттакон қизил қалампирни эслатувчи қизил туфли кийган пайпоқсиз узун оёқларини баҳузур узатиб ўтирарди.

---

[1] Тигель декчаси — металл эритиш ё бирор металлни юксак температурада тоблаб олиш учун ўтга чидамли гилватадан қилинган қозон.

Унинг оғзидаги трубка, худди қаттиқ шамол пайтида силкинган дарахт шохи сингари тишлари орасида ликиллаб турарди. Докторнинг бўлса кўзойнаги баланд-пастга силкинаркан ялт-ялт этарди. Чунки у ҳам куларди.

Ганимед хола худди ғувиллаб эсиб келган кучли шамолдек хонадан отилиб чиқиб кетди.

— Сичқон!— деб чийилларди у.— Сичқон! Мармелад! Негр!

Доктор Гаспар унинг орқасидан югурди.

— Ганимед хола,— деб уни юпата бошлади,— сиз бекорга ҳаяжонланяпсиз. Мен ўзимнинг янги тажрибам ҳақида сизни огоҳлантириб қўйишни унутган эканман. Лекин менинг доимо бирон бир тажриба билан машғул эканлигимни ўзингиз яхши биласиз-ку. Ахир мен олим одамман, турли фанлар докториман, ҳар хил асбоблар устасиман. Турли-туман тажрибалар ўтказиб тураман. Бинобарин, менинг устахонамда ҳатто негрни, ҳатто филни ҳам учратишингиз мумкин. Ганимед хола... Ганимед хола... Негр — бошқа, қуймоқ — бошқа... Биз нонушта кутяпмиз. Менинг негрим қуймоқни жудаям яхши кўради...

— Сичқон кислотани яхши кўради,— деб пичирлади даҳшат аралаш Ганимед хола,— негр бўлса қуймоқни яхши кўради...

— Ҳа, балли. Ҳозир қуймоқни ўйлайлик, сичқонни кечаси тутамиз. Кечаси у албатта илинади, Ганимед хола... Энди у сичқоннинг эркинликда қиладиган иши қолмади. Тўғри-да, мармеладни еб қуритиб бўлган бўлса...

Ганимед хола йиглаб туриб қуймоқ пиширакан, унга туз ўрнига ҳам кўзёш тўкарди. Кўзёшлари шунақанги аччиқ эдики, қалампирдан асло қолишмасди.

Негр бўлса:

— Яхши, серқалампир бўпти. Жудаям мазали қуймоқ!— деб мақтаб, қуймоқни тушира бошлади.

Ганимед хола валерианка ичар, лекин ундан энди негадир чиннигул ҳиди келарди. Балки, кўзёши аралашганлигидан шундай бўлгандир.

Кейин Ганимед хола деразадан қараб, доктор Гаспарнинг кўчанинг нариги бетига ўтиб кетганини кўрди. Унинг ҳамма нарсаси бут эди: бўйнига янги шарф ўраган, янги ҳасса ушлаган, оёғига гарчи эски бўлса-

ям яп-янгидай яракқлаган, иккала пойининг пошнаси ҳам бут-бутун туфли кийган эди.

Лекин у ёлғиз эмасди: ёнида бояги негр кетиб борар эди.

Ганимед хола кўзларини чирт юмди-ю, «гурс» этиб ерга ўтириб қолди. Аниқроғи ерга эмас, мушук устига ўтирди. Қўрқиб кетган мушук миёвлаб юборди. Жонпони чиқиб кетган Ганимед хола мушукни урди: биринчидан, оёқ остида ўралашгани учун, иккинчидан, ўз вақтида сичқонни тутиб олмагани учун.

Лекин сичқон бу маҳал доктор Гаспарнинг устахонасидан Ганимед холанинг шкафига ўтиб, мағиз солинган кулчаларни кемираркан, мармелад ҳақида ширин хаёлларга борарди. Буни қарангки, сичқон кислотани яхши кўраркан, негрлардан ҳам қўрқмас экан.

Доктор Гаспар Арнери Соя кўчасида турарди. Агар сиз бу кўчадан чапга бурилсангиз Бева Лизавета деб юритилувчи тор кўчага чиқасиз, у ердан ўтиб яна, бир кўчага кирасиз-да (бу кўча ўзининг яшин уриб кетган дарахти билан таниқли), уни кесиб ўтасиз, яна беш минутча йўл юрганингиздан кейин Ўн тўртинчи бозорга чиқасиз.

Доктор Гаспар билан негр шу бозор томон йўл олишди. Шамол энди кўтарила бошлаган эди. Яшин тегиб, чўлтоқ супургита ўхшаб қолган эман дарахти худди арғимчоқ сингари ғижирларди. Афиша ёпиштирувчи бир киши, шамолнинг зўридан, елим суртилган афишани деворга ёпиштиришга қийналарди. Шамол афишани деворга эмас, афишачининг юзига ёпиштирарди. Узоқдан қараган одамга у юзини оқ сочиқ билан артаётганга ўхшарди.

Мана, ахийри у афишани «тап» этиб деворга ёпиштиришга муваффақ бўлди.

Доктор Гаспар афишани ўқиди:

*«Гражданлар! Гражданлар! Гражданлар!*

*Бугун Уч Бақалоқ ҳукумати халқ учун катта тўй-томоша уюштиради. Ҳаммангиз Ўн тўртинчи бозорга шошилинг! Шошилинг! У ерда томошалар, кўнгил очар ўйинлар, спектакллар бўлади! Шошилинг!»*

— Мана,— деди доктор Гаспар,— ҳаммаси тушунарли. Бугун Суд майдонида исёнчиларни қатл этишади. Уч Бақалоқнинг жаллодлари боёнлар ва мечкайлар ҳокимиятига қарши исён кўтарганларнинг бошла-

рини ойболта билан чопишади. Учта Бақалоқ халқнинг кўзини шамғалат қилишмоқчи. Улар халойиқнинг Суд майдонига тўпланишидан, кундаларни синдиришидан, жаллодларни ўлдириб, ўлимга ҳукм этилган ўз оғаларини озод қилишидан қўрқадилар. Улар шунинг учун ўйин-кулги, томошалар уюштиришяпти. Улар халқ эътиборини бугунги қатлдан четга тортишмоқчи.

Доктор Гаспар билан унинг қорабадан ҳамроҳи бозор майдонига етиб келишди. Томошахоналар атрофида халқ уймалашарди. Лекин доктор Гаспар бу ерга тўпланганлар орасида биронта ҳам олифтани, олтин балиқ ва узум рангида кийим кийган биронта ҳам хонимни, зар уқали тахти равонда ўтирган биронта ҳам аслзода қарияни, ёнига каттакон чарм ҳамён осган биронта ҳам савдогарни кўрмади.

Бу ерга шаҳарнинг чекка маҳаллаларида яшовчи камбағал аҳоли: косиблар, мастеровойлар, қора нон сотувчилар, кунбай ишлайдиган чўрилар, кампирлар, гадолар, ҳаммоллар, майиб-мажруҳлар тўпланган эди. Уларнинг эгнидаги бўзранг эски, увада кийимларга онда-сонда фақат ё яшил қайтарма енглар, ё кирқ ямоқ плаш, ё бўлмаса ранг-баранг ленталар ҳусн бериб турарди.

Шамол кампирларнинг наматсимон оппоқ сочларини ҳурпайтирар, кўзларини ачитар, гадолар эгнидаги кулранг рўдаполарни юлқирди.

Ҳамманинг чеҳраси маъюс, ҳамма қандайдир нохуш бир хабарни кутаётгандай эди.

— Суд майдонида исёнчиларни қатл этишади,— дейишарди одамлар.— У ерда ўртоқларимизнинг бошлари чопилади, бу ерда бўлса, масхарабозлар қийшанглаб бизга ўйин кўрсатишмоқчи, чунки, Уч Бақалоқ уларга кўп олтин берган.

— Юринглар, Суд майдонига борамиз!— деган қийқириқлар эшитилди.

— Бизда қурол йўқ. Бизда пистолетлар ҳам, қиличлар ҳам йўқ. Суд майдонини эса, гвардиячилар уч қават ҳалқа билан ўраб олишган.

— Солдатлар ҳозирча бойлар томонида хизмат қилишяпти. Улар бизга ўқ отишди. Майли! Бугун эмас-эртага улар ҳам биз томонга ўтиб, ўз бошлиқларига қарши бош кўтарадилар.

— Ҳалитдан улар биз томога ўтишяпти: бугун кечаси Юлдуз майдонида бир гвардиячи ўз офицерини отиб ташлади. Шу иши билан у гимнаст Тибулни ўлимдан асраб қолди.

— Тибул қаердайкин ҳозир? Қочиб қутулганмикин?

— Бу маълум эмас. Гвардиячилар кечаси билан то тонг палласигача ишчилар маҳаллаларига ўт қўйишди. Улар Тибулни шу йўл билан топмоқчи бўлишди.

Доктор Гаспар билан негр томошахоналарга яқин боришди. Томоша ҳали бошланмаган эди. Ажи-бужи расмлар солинган парда ортидан, тўсиқлар орқасидан гўнгир-ғўнғир овозлар, чилдирмаларнинг тарақлагани, найларнинг ноласи эшитилар, бир нималар чийиллар, шитирлар, ириллардн. У ерда актёрлар спектаклга ҳозирлик кўраётган эдилар.

Парда бир оз очилиб, аллақандай башара мўралади. Бу пистолетдан отишда энг моҳир мерган ҳисобланувчи испан эди. Унинг мўйлови диккайиб турар, битта кўзи нақ соққадек гир-гир айланарди.

— А,— деди у негрни кўриб,— сен ҳам қатнашасанми томошага? Сенга қанча ҳақ тўлашди?

Негр индамади.

— Мен ўнта олтин танга олдим,— деб мақтанди испан. У негрни актёр деб ўйлаган эди.— Кел, буёққа,— деди у сирли оҳангда пичирлаб.

Негр парда олдига чиқди. Испан унга бутун сирни айтиб берди. Маълум бўлишича, Уч Бақалоқ юзта актер ёллашибди, улар бугун бозорларда томоша кўрсатиб, ўз ўйинлари билан боёнлар ва мечкайлар ҳукуматини ҳар жиҳатдан мақташлари ва айни пайтда, исёнчиларни, қуролсоз Проспероии ва гимнаст Тибулни қоралашлари керак экан.

— Бақалоқлар фокусчилар, ҳайвон ўргатувчилар, масхарабозлар, юмуқ оғиз билан гапирувчилар, ўйинчилардан бутун-бутун труппалар ташкил қилишди... Ҳаммага пул беришди.

— Наҳот ҳамма актёрлар ҳам Уч Бақалоқни мақташга рози бўлган бўлишса?— деб сўради доктор Гаспар.

Испан бармоғини лабига қўйиб:

— Тсс!— деб пичирлади.— Бу тўғрида ошкора гапириб бўлмайди. Кўпчилик бош тортди. Аммо бош тортганларнинг ҳаммасини қамоққа олишди.

Неғр аччиги чиқиб тупурди.

Шу маҳал музика чалинди. Баъзи томошахоналарда ўйин бошланди. Оломон жонланди.

— Гражданлар!— деб қичқирарди тахтасупа устида турган масхарабоз, унинг овози жўжахўрозникига ўхшаб чийиллаб чиқарди.— Гражданлар! Рухсат этинг сизларни...

У ғовур-ғувурнинг босилишини кутиб гапдан тўхтади. Унинг юзидан ун тўкиларди.

— Гражданлар, рухсат этинг, сизларни бугунги шодиёна билан табриклашга: бугун бизнинг қимматли, хушбичим дўмбоққина Учта Бақалоғимизнинг содиқ жаллодлари ярамас исёнчиларнинг бошларини чопиб ташлайдилар...

У гапини тугата олмади. Бир мастеравой ўзи еб турган қора нондан бир тишлам синдириб олиб, уни масхарабозга қарата отди. Нон масхарабознинг оғзига пробкадай кириб қолди.

— М-м-м-м-м-м...

Масхарабоз қанча минғилласа ҳам, ҳеч нима қила олмади. Яхши пишмаган, хом хамир унинг оғзига қопқоқ бўлиб қолган эди. Масхарабоз нуқул қўлларини силкир, афтини бужмайтирар эди.

— Яхши! Бопладинг!— деб қичқиришди оломон орасидан.

Масхарабоз тўсиқ орқасига қочиб кириб кетди.

— Аблаҳ! У Уч Бақалоққа пулга сотилган! Шунинг учун ҳам халқимизнинг содиқ ҳимоячиларини ёмонлаяпти!

Музика баралла гумбурлай бошлади. Унга яна бир неча оркестр жўр бўлди: тўққизта сурнай, учта мис карнай, учта дўмбира ва тиш оғриғини қўзғайдиган битта скрипка.

Томошахоналарнинг хўжайинлари шу музика билан оломоннинг шовқинини босмоқчи бўлган эдилар.

— Актёрларимиз бунақа нон тишламларидан қўрқиб, қочишмаса гўрга эди,— дерди улардан бири.— Майли, ўзимизни гўё ҳеч нимани сезмагандай тутамиз.

— Марҳамат! Марҳамат! Спектаклни бошлаймиз...

Бошқа бир томошахона «Троя оти» деб аталарди.

Парда олдига директор чиқиб келди. Унинг бошида яшил мовутдан тикилган чўққиси жуда баланд шляпа, кўкрагига доира шаклидаги мис тугмалар қадал-

ган, икки юзига жуда тиришқоқлик билан қизил суртилган эди.

— Чим пўлинглар!— деди у гўё немисча гапираётгандай талаффузда.— Чим! Пизнинг томошамиз сиснинг эътиборингизга арсийди.

Одамлар бир қадар тинчишиб қулоқ сола бошлашди.

— Пугунги пайрам муносапати пилан пиз паҳлавон Лапитупни таклиф этганмиз.

— Ти-ти-ту!— деб такрорлади карнай.

Тартарак тариллаб, гўё қарсак базмини ифода этгандай бўлди.

— Паҳлавон Лапитуп ўз кучи пилан сисларга мўъчисалар намойиш қилади.

Оркестр гумбурлади. Парда очилди. Саҳнага паҳлавон Лапитуп чиқди.

Чиндан ҳам пушти ранг трико кийган бу баҳайбат йигит жуда кучлидек кўринарди.

У бошини худди буқа сингари қайираркан, нуқул пишилларди. Унинг мушаклари териси остида уёқдан-буёққа юрарди, шунинг учун билаклари қуён ютган бўғма илонга ўхшаб кетарди.

Хизматкорлар қадоқтошларни кўтариб чиқиб, саҳнага ташлашди. Саҳна тахталари қадоқтошларнинг залворидан тешилиб кета ёзди. Чанг ва қипиқлар кўтарилиб, ҳаммаёқни қоплади. Бутун бозор аҳлининг фикрини тортди.

Полвон ўз санъатини кўрсата бошлади. У ҳар қайси қўлига биттадан қадоқтош олиб, уларни худди коптокдек осмонга отиб яна илиб олди, кейин яна иккита қадоқтошни кучининг борича бир-бирига урди... Тошлардан учқун чақнади.

— Мана!— деди у.— Уч Бақалоқ қуролсоз Просперо билан гимнаст Тибулнинг бошларини бир-бирига мана шундай уриб мажақлаб ташлашади.

Бу полвон ҳам Уч Бақалоқнинг олтинига сотилган эди.

— Ҳа-ҳа-ҳа!— деб қаҳ-қаҳ урди у ўз ҳазилидан хурсанд бўлиб кетиб.

Ҳеч ким унга нон отишга журъат эта олмаслигини биларди. Унинг қанчалик кучли эканлиги ҳаммага яққол кўриниб турарди.

Шу пайт орага чўккан бир зумлик сукут вақтида

бирдан негрнинг овози баралла эшитилди. Халойиқнинг боши у томонга ўгирилди.

— Нима деяпсан ўзи?— деб сўради негр оёғини саҳна пиллапоясига қўяркан.

— Айтяпманки, қуролсоз Просперо билан гимнаст Тибулнинг бошини Уч Бақалоқ бир-бирига худди мана шундай жиқ-жиқ уриб, қатиғини чиқариб юборади.

— Ўчир овозингни!

Негр паст овоз билан, хотиржам оҳангда, аммо дарғазаб гапирди.

— Сен ўзинг кимсан, қораялоқ?— деди аччиғи чиққан полвон.

У тошни ташлаб, қўлларини белига қўйди.

Негр саҳнага кўтарилди.

— Сен жуда кучлисан, лекин қанчалик кучли бўлсанг, шунчалик аблаҳ ҳамсан. Яхшиси менга айт, ўзинг кимсан? Халқни мазах қилишга ким ҳуқуқ берди сенга? Мен сени танийман. Сен босқончининг ўғлисан. Отанг ҳалигача заводда ишлайди. Синглингнинг оти Эли. У кир ювади. У бойларнинг кийимини ювади. Эҳтимол уни кеча гвардиячилар отиб ташлагандир. Сен бўлсанг хоинсан!

Полвон ҳанг-манг бўлиб орқасига тисарилди. Негр чинданам рост гапираётган эди. Полвон ҳеч нимага тушуна олмай гаранг эди.

— Қани, жўнаб қол бу ердан!— деб бақирди негр.

Полвон ҳушини йиғиб олди. Унинг юзига қон қуйилди. У муштларини тугди.

— Сен менга буйруқ бера олмайсан!— деди у гапиришга қийналиб.— Мен сени танимайман. Сен шайтонсан.

— Туёғингни шиқиллат! Учгача санайман. Бир!

Оломон жим бўлиб қолди. Негр Лапитупнинг елкасидан келар ва ундан уч ҳисса хипча эди, лекин агар улар муштлашишадиган бўлса, негр енгиб чиқишига ҳеч ким шубҳа қилмасди, чунки унинг қиёфаси шунчалик қатъий, жиддий ва хотиржам эди.

— Икки!

Полвон бўйнини қисди.

— Жин урсин!— деб тўнғиллади у.

— Уч!

Полвон ғойиб бўлди. Кўпчилик одамлар ҳозир даҳ-

шатли мушт тушишини кутиб кўзларини чирт юмиб олишганди, лекин кўзларини очишганида саҳнада полвон йўқ эди.

У ғизиллаганча саҳна орқасига ўтиб кетган эди.

— Халқ Уч Бақалоқни худди мана шундай қилиб думини тугади!— шўх оҳангда деди негр қўлларини кўтариб.

Оломон шодликдан қийқирарди. Одамлар чапак чалишар ва қалпоқларини осмонга отишарди.

— Яшасин халқ!

— Браво! Браво!

Фақат доктор Гаспар норози қиёфада бош чайқар эди. Унинг нимадан норози эканлиги маълум эмасди.

— Ким ўзи бу? Ким экан? Ким экан бу негр?— деб бир-бирларидан қизиқсиниб сўрашди томошабинлар.

— Буям актёр эканми?

— Уни ҳеч кўрмаган эдик илгари.

— Кимсан?

— Нега бизни ҳимоя қилдинг?

— Рухсат этинглар! Рухсат этинглар!

Қандайдир бир жулдурвоқи оломон орасини ёриб олдинга чиқди. Бу кеча кечқурун гул сотувчи қизлар ва извошчилар билан гаплашган гадонинг ўзи эди. Доктор Гаспар уни таниди:

— Рухсат этинглар!— деди гадо ҳаяжонланиб.— Ахир бизларни лақиллатишяпти-ку, наҳот кўрмаяпкан бўлсангизлар? Бу негр ҳам полвон Лапитупга ўхшаган бир актёр. Уруғи бир. Бу ҳам Уч Бақалоқдан пул олган.

Негр муштларини тугди.

Оломоннинг шодлиги нафратга айланди.

— Тўғри! Бир аблаҳ иккинчи аблаҳни ҳайдаб чиқарди.

— У ўртоғининг пўстагини қоқишимиздан қўрқиб, мана шунақа найранг кўрсатди.

— Йўқол!

— Ярамас!

— Сотқин!

— Доктор Гаспар бир нима демоқчи, оломоннинг ғазабини босмоқчи бўлди-ю, лекин кечикди. Йигирматача одам саҳнага отилиб чиқиб, негрни ўраб олди.

— Уринглар уни!— деб чийиллади бир кампир.

Негр қўлини чўзди. У хортижам эди.

— Тўхтанглар!

Унинг овози одамларнинг қийқириқлари, шовқини ва ҳуштакларини ҳам босиб кетди. Ҳамма жим бўлиб қолди, мана шу тинчликда негрнинг хотиржам ва соддагина овози янгради:

— Мен гимнаст Тибулман.

Ҳамма бирдан нима қилишини билмай саросимага тушиб қолди.

Уни қуршаб олган халойиқ ҳалқаси бузилди.

— Аҳ! — деб енгил тортди ҳамма.

Юзлаб кишилар бирданига огизларини очганча анграйиб қолишди.

Фақат кимдир паришонлик билан сўради:

— Нега бўлмаса қорасан?

— Буни энди доктор Гаспар Арнеридан сўранглар,— шундай деб негр жилмайганча докторга ишора қилди.

— Тўғри, бу — у!

— Тибул!

— Тибул!

— Ура! Тибул омон экан! Тибул тирик экан! Тибул биз билан!

— Яшас...

Лекин бу ҳайқириқ узилиб қолди. Мутлақо кутилмаган ва кўнгилсиз бир воқеа содир бўлди. Орқа қатордагилар безовта бўла бошладилар. Одамлар ҳар томонга тарқала бошлашди.

— Жим! Жим!

— Қоч, Тибул, вақт ғаниматда!

Бозор майдонига учта отлиқ билан бир карета кириб келган эди.

Бу икки нафар гвардиячи кузатувида келаётган сарой гвардияси капитани граф Бонавентура эди. Каретада эса, сарой мансабдори валиаҳд Туттининг бузилган қўғирчогини олиб ўтирарди. Қўғирчоқ ўзининг калта кокилли чиройли бошини мансабдорнинг елкасига ғамгин қўйган эди.

Бу одамлар доктор Гаспарни қидириб юришган эди.

— Гвардиячилар! — деб кимдир дод солди.

Бир неча киши девордан ошиб жуфтакни ростлаб қолди.

Қора карета тўхтади. Отлар бошларини тинмай чайқардилар. Уларнинг афзаллари жаранглар ва ялтирар-

ди. Шамол афзалларга қадалган мовий патларни ҳилпиратарди.

Отлиқлар каретани қуршаб олишди.

Капитан Бонавентуранинг овози жудаям қўрқинчли эди. Агар скрипка тиш оғриғини қўзғатса, капитаннинг овозини эшитган одам ўзини худди тиши қоқиб олинаётгандай ҳис қиларди.

Капитан узангига оёқ тираб туриб оломондан сўради:

— Доктор Гаспар Арнерининг уйи қаерда?

У отининг жиловидан тортиб турарди. Қўлларига дағал теридан тикилган оғзи кенг қўлқоп кийган эди.

Бу савол бир кампирга қаратилган эди; кампир турган ерида гир айланди-да, қўрқа-писа, қўли билан номаълум томонни кўрсатди.

— Қаерда?— деб дағдаға билан саволини такрорлади капитан.

Бу сафар унинг овози шундай гумбурлаб кетдики, одамларнинг вужуди худди битта тиши қоқиб олингандай эмас, балки бутун бир жағи синдириб олингандай зирқираб кетди.

— Мен шу ердаман. Ким мени сўраяпти?

Одамлар орани очишди. Доктор Гаспар бамайлихотир юриб, карета олдига борди.

— Доктор Гаспар Арнери сиз бўласизми?

— Доктор Гаспар Арнери менман.

Карета эшиги очилди.

— Дарҳол каретага чиқинг. Сизни уйингизға олиб боришади, ҳамма гапни ўша ерда эшитасиз.

Борейтор[1] карета орқасидан сакраб тушиб, докторнинг чиқишига кўмаклашди. Эшик қарс этиб ёпилди.

Отлиқлар ва карета кўчани чангитиб жўнаб кетди. Бир минутдан кейин улар муюлишда кўздан ғойиб бўлишди.

Капитан Бонавентура ҳам, гвардиячилар ҳам оломон орасига яширинган гимнаст Тибулни кўрмадилар. Кўришганида ҳам, бари бир, кеча тунда қидиришган одам шу негр эканлигини била олмаган ҳам бўлардилар.

Шу билан фалокат аригандай бўлди. Лекин шу ма-

[1] Кареталарнинг орқасидаги махсус супачада тикка туриб борувчи хизматкор.

ҳал кимдир бирдан ичиқоралик билан илондек вишиллади.

Полвон Лапитуп сурп билан сирилган тўсиқ орқасидан бошини чиқариб, пичирлади:

— Хап саними... шошмай тур, ошна!— У Тибулга каттакон муштумини дўлайтирди: — Шошмай тур, мен ҳозир гвардиячиларнинг орқасидан қувиб етиб, сенинг шу ерда эканлигингни айтиб бераман!

Шундан кейин у тўсиқдан ошиб тушди. Тўсиқ унинг сўқим гавдасини кўтара олмай, худди ўрдакка ўхшаб ғағиллаб синиб тушди.

Полвон тахта тешигига кириб қолган оёғини суғуриб олиб, одамлар орасини ёриб, ҳаммани туртиб-суриб карета орқасидан югуриб кетди.

— Тўхтанглар!— деб бақирарди у чопиб бораркан, ғўладай-ғўладай келадиган яланғоч қўлларини силтаб.— Тўхтанглар! Гимнаст Тибул топилди! Гимнаст Тибул шу ерда! Уни мен қўлга туширдим!

Вазият оғирлаша бошлаган эди. Буям етмагандай, орага бояги бир кўзи соққадек чир-чир айланувчи испан суқилди; унинг камарига пистолет қистирилган, иккинчи пистолетни эса, қўлида ушлаб турарди. У тахта супага чиқиб олиб ирғишларкан, шовқин солиб бозорни бошига кўтарди.

— Гражданлар! Тибулни гвардиячиларга тутиб беришимиз керак, бўлмаса ҳолимиз ёмон бўлади. Гражданлар, Уч Бақалоқлар билан муросани ёмонлаб бўлмайди!— деб бақирарди у.

Унинг гапига томошахонанинг директори ҳам қўшилишди; полвон Лапитуп боя шу директорнинг саҳнасида шарманда бўлган эди.

— Тибул менинг спектаклимни бузди! У полвон Лапитупни саҳнадан ҳайдаб юборди! Мен Уч Бақалоқ олдида бу қораялоқ учун жавоб беришни истамайман!

Оломон Тибулни ўз ҳимоясига олди.

Полвон гвардиячиларга ета ололмади. У яна бозор майдонида пайдо бўлди. Энди у зинғиллаганча тўппатўғри Тибул томонга юғуриб келарди. Испан саҳнадан сакраб тушиб, иккинчи пистолетини ҳам камаридан суғуриб олди. Томошахона директори аллақаердан оқ қоғоз қопланган доира кўтариб чиқди: циркларда, одатда, ўргатилган итлар мана шунақа доира ичидан

сакраб ўтишарди. Директор мана шу доирани қўлида силтаганча, оқсоқланиб испан орқасидан пастга сакраб тушди.

Испан пистолетининг тепкисини кўтарди.

Тибул учун қочишдан бошқа чора қолмаган эди.

Оломон унга йўл берди. Орадан бир минут ўтар-ўтмас майдонда Тибулнинг қораси кўринмай қолди. У тахтадевордан ошиб тушди ва ўзини полизда кўрди. У девор тирқишидан мўралаган эди, полвон, испан ва директорларнинг шу полиз томонга югуриб келишаётганини кўрди. Бу жуда кулгили манзара эди. Тибул кулиб юборди. Полвон худди қутурган филга ўхшаб чопиб келар, испан орқа оёқларида туриб сакраётган каламушга ўхшар, директор бўлса, оёғига ўқ теккан қарғага ўхшаб ҳаккалаб чопарди.

— Биз сени тириклайин қўлга оламиз!— деб қичқиришарди улар.— Таслим бўл!

Испан ҳам тўппончасининг тепкисини шақиллатар, ҳам тишларини такиллатарди. Директор қўлига кўтариб олган қоғоз доирани силкитарди.

Тибул эса, бу томонда уларнинг ҳужумини кутиб шай бўлиб турарди. У турган ер хамирдай юмшоқ қора шудгор эди. Ҳаммаёқ жўяк эди. Бу ерда карам, лавлаги ўсар, қандайдир яшил новдалар печак ўтдек пояларга чирмашган, шапалоқдек-шапалоқдек барглар ёйилиб ётар эди.

Булар ҳаммаси шамолдан тебранар эди. Мовий беғубор осмондан шишадек тиниқ, нур ёғилиб турарди.

Жанг бошланди.

Учала душман девор тагига етиб келди.

— Шу ердамисан?— деб сўради полвон.

Ҳеч қандай товуш эшитилмади.

Энди испан гап бошлади:

— Таслим бўл! Менинг икки қўлимда иккита тўппонча бор. Икковиниям «Товламачи ва унинг ўғли» деб юритилувчи фирма ишлаган. Ўзим мамлакатда энг зўр мерганман, тушундингми?

Тибул тўппонча отиш санъатидан бехабар эди. Ундан кейин, унинг тўппончаси ҳам йўқ эди, лекин ҳозир унинг қўли остида, ёки аниқроқ қилиб айтиладиган бўлса, оёғи остида карам бошлари ғиж-ғиж эди. У энгашиб дум-думалоқ ва залварли бир карам бошини су-

ғуриб олди-да, девордан ошириб отди. Карам бориб тўппа-тўғри директорнинг қорнига тегди. Кейин иккинчи, учинчи карам бошлари душман устига ёғила бошлади. Карамлар худди бомбалардек портларди.

Душманлар саросимага тушиб қолишди.

Тибул тўртинчи карам бошини узгани энгашди. У карамни ушлаб кучининг борича тортса ҳам, уни суғуриб олишга кучи етмади — карам жойидан ҳеч қўзғалмасди, денг. Бу ҳам етмагандек, у карам одамга ўхшаб тилга кирди:

— Бу карам боши эмас, менинг каллам. Мен шарфурушман. Мен Уч Бақалоқ Қасридан қочиб ер ости йўлагига тушдим, кейин бу ерга келиб қолдим. Бу йўлнинг боши кастрюль ичида, охири шу ерда экан. Бу ер ости йўлаги аччигичакка ўхшаб роса чўзилиб келган экан ўзиям...

Тибул қулоқларига ишонмади: буни қарангки, карам боши ўзини одам боши деб атаётган эди!

Шунда у энгашиб, оёғи остидаги мўъжизага қаради. Шундан кейингина у кўзларига ишонишга мажбур бўлди. Дор устида юрадиган одамнинг кўзлари ҳеч қачон алдамайди.

Дарҳақиқат, Тибул кўрган нарса карам бошига мутлақо ўхшамас эди. У ўз оёғи остида шарфурушнинг товоқдек башарасини кўрди. Бу башара ҳали ҳам биқинига дасторгул расми солинган, жўмраги ингичка чойнакка ўхшарди.

Шарфурушнинг боши ердан чиқиб турар, ҳаммаёғи лой, эгат эса, унинг бўйнини худди қора ёқадек ўраб олган эди.

— Салом!— деди Тибул.

Шарфуруш унга соққадек-соққадек кўзларини тикди, кўзларида нафис осмоннинг акси кўринди.

— Мен ошпаз болаларга шарларимни бердим, улар шу шарлар эвазига мени қасрдан чиқариб юборишди. Дарвоқе, ана ўша шарлардан биттаси учиб кетяпти...

Тибул бошини кўтариб, жуда-жуда баландда кўзни қамаштиргудек мовий осмонда кичкинагина зарғалдоқранг шарнинг учиб юрганини кўрди.

Бу ошпаз болалар учириб юборган шарлардан биттаси эди.

Деворнинг нариги томонида туриб, ҳужум қилиш режасини кўзлаётган учта одам ҳам осмондаги шар-

ни кўрди. Испан ҳамма нарсани унутиб юборди. У бўйи баравар иргишлаб, соққасимон кўзини чир-чир айлантирди-да, шарни нишонга ола бошлади. Мерганлик бўлса ўзини томдан ташлайдиган одам эди у.

— Қаранглар,— деб чинқирди у,— ўн қаватли иморатдан ҳам баландда бир бемаъни шар учиб кетяпти! Ўн тилладан гаров ўйнайманки, мен уни уриб тушираман. Мендан зўр мерган йўқ бу мамлакатда.

Гарчи испан билан ғаров ўйнашни ҳеч ким хоҳламаган бўлса ҳам, бу ҳол унинг ҳафсаласини сусайтирмади. Полвон билан директорнинг аччиғи чиқди.

— Эшшак!— деб ўкирди полвон.— Эшшак! Ҳозир шарни мўлжалга оладиган пайтми? Эшшак! Биз Тибулни қўлга олишимиз керак. Ўқларингни бекорга сарфлама.

Испанга бу гаплар кор қилмади. Бу мерган учун шар жудаям қизиқарли нишон эди. Испан ўзининг ўйноқи кўзини юмиб нишонни мўлжалга ола бошлади. У шу мўлжалга олиш билан банд пайтида Тибул шарфурушни ер бағридан тортиб олди. О, бу жуда қиёмат манзара эди! Шарфурушнинг эгнига ёпишмаган нарса қолмаган эди! Кремнинг ҳам, сиропнинг ҳам қолдиғи, лой парчалари ҳам, юлдуз шаклидаги нафис цукатлар ҳам ёпишган, сачраган эди унинг ҳаммаёғига.

Тибул шар сотувчини худди шиша огзидан пробка тортиб олгандай суғуриб олган ерда эса, қоп-қора ўра пайдо бўлди. Бу ўрага тупроқ тўкилди, тўкилган тупроқнинг овози пастдан худди извошнинг брезент томига ёққан дўлга ўхшаб эшитилди.

Испан ўқ узди. Лекин шарга теккиза олмади, албатта. Эвоҳ! Ўқ ўз директорининг яшил шляпасига тегди, бу шляпа ҳам черковнинг қўнғироқхонасичалик баланд эди.

Тибул бу пайтдан фойдаланиб, полизнинг нариги бошидаги девордан ошиб қоча бошлади.

Ўқ теккан яшил шляпа директор бошидан тушиб кетиб, худди самовар карнайидек думалаб кетди. Испан жудаям қаттиқ изза бўлди: энг зўр мерган деган шаънига доғ тушган эди! Бу ҳам етмагандек, директорнинг ҳам ундан ихлоси қайтган эди.

— Вой, касофат-е!— Директорнинг хуноби чиқиб кетди ва ғазабланганидан нафаси огзига тиқилиб, қўлидаги қогоз доирани испаннинг бошига кийдирди.

Доира тариллаб йиртилди, бунинг натижасида испаннинг бўйнини аррасимон қоғоз ёқа ўради.

Биргина Лапитуп бу можарога аралашмади. Лекин ўқ овози теварак-атрофдаги итларни безовта қилиб қўйган эди. Битта ит қаердандир отилиб чиқиб, тўппа-тўғри полвон томонга ғизиллаб келаверди.

Лапитуп фақат:

— Кимнинг жони ширин бўлса қочиб қолсин!— деб бақира олди, холос.

Учовлари ҳам тирақайлаб қоча бошлашди.

Ёлгиз шарфуруш жойида қоққан қозиқдек туриб қолган эди. У девор бошига чиқиб олиб теварак-атрофга кўз ташлади. «Уч огайни ботирлар» ям-яшил қияликдан пастга ўмбалоқ ошиб тушиб кетишди. Лапитуп ит тишлаган йўғон болдирини ушлаганча бир оёқда ҳаккалаб борарди, директор дарахтга чиқиб олган ва худди бойқушга ўхшаб ҳурпайиб осилиб турарди, испан эса, қоғоз доира кийдирилган бошини ҳар томонга буриб, нуқул орқасидан қувиб келаётган итга ўқ узарди-ю, лекин отган ўқи ҳар сафар полиз қўриқчисига бориб тегарди.

Ит нишоб лабига борганда таққа тўхтади, афтидан, у ортиқ ҳужум қилишни истамаган эди. У Лапитуп болдирининг таъмини татиб кўрган ва бу ишидан батамом қаноат ҳосил қилиб, думини ликиллатар ва огзини катта очиб илжаяркан пушти ранг ялтироқ тилини осилтириб турарди.

## VI Боб

## КУТИЛМАГАН ВАЗИЯТ

— Доктор Гаспар Арнеридан сўранг,— деб жавоб қилган эди Тибул, нега негр бўлиб олдинг, деб берилган саволга.

Лекин бунинг сабабини доктор Гаспардан сўрамасдан туриб ҳам фаҳмласа бўларди. Эсингизда бўлса: Тибул жанг майдонидан ғойиб бўлган эди. Қани бир эслаб кўрайлик: гвардиячилар унинг пайига тушиб қидиришди, ишчи маҳаллаларига ўт қўйишди, Юлдуз майдонида отишма бошлашди. Тибул эса доктор Гаспарнинг уйига яширинди. Лекин бу ерда ҳам уни

истаган пайтда топиб олишлари мумкин эди. Хавф-хатар муқаррар эди. Чунки уни жудаям кўп одам кўрган ва танирди.

Дўкондор Уч Бақалоқ томонида эди, негаки у семиз ва бой. Доктор Гаспар билан қўшни бўлиб яшаб турган ҳар қандай бой одам, доктор Тибулга ўз уйидан бошпана берди, деб гвардиячиларга етказиши мумкин эди.

— Сиз ташқи қиёфангизни ўзгартиришингиз керак,— деган эди доктор Гаспар Тибул уйига кириб келган ўша кечаси.

Ана шундан кейин доктор Гаспар Тибулни шунақа қиёфага киритган эди.

— Сиз паҳлавон қоматсиз,— деган эди доктор.— Кўкрак қафасингиз жудаям кенг, яғринларингиз кенг, тишларингиз оппоқ, сочингиз жингалак, тикандек қаттиқ ва тимқора. Агар баданингиз оқ бўлмаганида, сиз Шимолий Америка негрига жудаям ўхшаб кетган бўлар эдингиз. Айни муддао. Мен сизни қоратанли бўлишингизга кўмаклашаман.

Доктор Гаспар Арнери юзта илмни ўрганган олим эди. У жуда жиддий одам эди-ю, лекин феъли оққўнгил эди. Ҳар бир ишнинг ўз вақт-соати бор, деганларидек баъзи-баъзида у кўнгил хўшлик қилишни яхши кўрарди. Лекин ҳатто шу дам олаётган чоғларида ҳам олим бўлиб қолар эди. Шунақа пайтларда у етимхоналардаги камбағал болалар учун кўчирма суратлар тайёрлар, жудаям аломат мушаклар, ўйинчоқлар ясар, жуда антиқа товуш чиқарувчи музика асбоблари ясар, янги бўёқлар кашф этарди.

— Мана,— деди у Тибулга,— мана, кўринг. Мана бу шишада рангсиз суюқлик бор. Лекин у бирон одамнинг баданига суртилса, қуруқ ҳаво таъсирида баданни қора рангга бўяйди, қора бўлганда ҳам худди негрлар баданига ўхшатиб тўқ-жигарранг ҳолга киритади. Мана бу шишадаги эссенция билан эса, ўша қора бўёқни ювиб ташлаш мумкин.

Тибул ранг-баранг учбурчак матолардан қуроқ қилиб тикилган трикосини ечди-да, куйинди ҳидини берувчи аччиқ суюқликни баданига суркай бошлади.

Бир соатдан кейин у қоп-қора негрга айланди-қўйди.

Ганимед хола тутган сичқонини кўтариб худди шу

пайтда кириб келган эди. Уёгини ўзингиз яхши биласиз.

Энди доктор Гаспарга қайтайлик. Капитан Бонавентура уни сарой мансабдорининг қора каретасига ўтқизиб олиб кетган пайтда биз у билан ажрашган эдик.

Карета шамолдек елиб борарди. Полвон Лапитуп бу карета орқасидан югуриб, унга ета олмаганидан хабарингиз бор.

Каретанинг ичи қоронги эди. Доктор аввалига, ўз ёнида ўтирган мансабдор ҳақида, тиззасига сочлари пахмайган қиз болани ўтқазиб олибди, деб ўйлади.

Мансабдор чурқ этмасди. Бола ҳам.

— Афв этасиз, сизни сиқиб қўймадимми?— деб сўради илтифотли доктор, бошидаги шляпасини хиёл кўтариб.

— Баҳузур ўтираверинг,— деб қуруққина жавоб қилди мансабдор.

Каретанинг торгина дарчасидан кўча чироқлари шуъласи лип-лип ўтарди. Яна бир минутдан кейин докторнинг кўзлари қоронғиликка кўникиб қолди. Ана шунда у мансабдорнинг узун бурнини, ярим юмуқ кўзларини ва жуда бежирим кўйлак кийган бир дилбар қизчани кўрди. Қизалоқ ниҳоятда маъюс кўринарди. Яна, унинг ранги ҳам ўчган бўлса кераг-у, лекин қоронғида буни аниқ кўриб бўлмас эди.

«Бечора қиз!— деб ўйлади доктор Гаспар.— Касалга ўхшайди».

Кейин яна мансабдорга мурожаат қилди:

— Афтидан, менинг ёрдамим керакка ўхшайди, а, сизга? Шўрлик қизчанинг тоби қочиб қопти-да?

— Ҳа, сизнинг ёрдамингиз керак,— деб жавоб қилди узун бурунли мансабдор.

«Ҳеч шубҳа йўқки, бу қизча ё Уч Бақалоқдан бирининг жияни, ё бўлмаса, валиаҳд Туттининг кичик меҳмони,— деб фараз қила бошлади доктор.— Бу қизчанинг жуда иззат-эътиборли зот эканлиги кўриниб турипти, чунки у ниҳоятда бежирим кийинган, бунинг устига, уни саройдан гвардия капитани кузатувида олиб келишяпти. Бу гумон тўгри-я, лекин валиаҳд Туттининг олдига тирик болаларни киритишмайди-ку. Унда бу фариштa қиз қандай қилиб саройга кириб қолди экан?»

Доктор ўйлайвериб боши қотди. У яна танқа бурун мансабдор билан суҳбат қуришга уринди:

— Айтинг-чи, қизалоқнинг дарди нима экан? Наҳот бўғма касал бўлса?

— Йўқ, унинг кўкраги тешилган.

— Сиз, унинг ўпкаси касал демоқчисиз, шекилли?

— Унинг кўкраги тешилган,— деб такрорлади мансабдор.

— Доктор одоб юзасидан у билан баҳслашиб ўтирмади.

— Бечора қизалоқ!— деб хўрсиниб қўйди у.

— Бу қизалоқ эмас, қўғирчоқ,— деди мансабдор.

Бу пайт карета докторнинг уйи олдида тўхтади.

Қўғирчоқ кўтарган мансабдор билан капитан Бонавентура докторнинг орқасидан унинг уйига киришди. Доктор уларни устахонасида қабул қилди.

— Агар бу қўғирчоқ бўлса, унда сизларга қандай ёрдамим тегиши мумкин?

Мансабдорнинг батафсил изоҳидан кейин ҳамма нарса ойдинлашди.

Эрталабки ҳаяжони ҳамон босилмаган Ганимед хола эшик тирқишидан мўралаб, баҳайбат капитан Бонавентурани кўриб турарди. Капитан қиличига таяниб, қайтарма қўнжли катта этик кийган оёқларини тинимсиз ликиллатарди. Этигининг шпорлари эса, думли юлдузга ўхшаб кетарди. Ганимед хола капитандан ташқари яна пушти ранг бежирим кўйлак кийган гамгин ва хаста бир қизчани кўрди — мансабдор у қизчани курсига ўтқизиб қўйган эди. Қизалоқ пахмайган сочли бошини эгиб ўтираркан, гўё пастга, тасма ўрнига олтинранг гул қадалган атлас туфли кийган жажжи оёқларига тикилаётгандек кўринарди.

Кучли эсаётган шамол ровондаги дераза қопқаларини тарақлатиб очиб-ёпарди, шу овоз туфайли Ганимед хола ичкарида бўлаётган гапни аниқ эшита олмаётган эди.

Лекин шундай бўлса ҳам у баъзи бир нарсаларни тушуниб олди.

Мансабдор доктор Гаспарга Уч Бақалоқ Давлати кенгашининг фармонини кўрсатди. Доктор фармонни ўқиб чиқиб, қаттиқ ҳаяжонлана бошлади.

— Қўғирчоқ эртага эрталабгача тузалиши шарт,— деди мансабдор ўрнидан тураркан.

Капитан Бонавентура пошнасини пошнасига уриб, шпорларини шиқиллатиб қўйди.

— Ҳа... лекин...— доктор ночор аҳволда қўлларини ейди.— Мен уриниб кўраман, аммо кафолот бериш мумкин эмас. Мен бу сеҳрли қўғирчоқнинг механизми билан таниш эмасман. Мен уни ўрганиб чиқишим, қаери шикастланганини аниқлашим, ниҳоят, шу шикастланган механизм учун янги қисмлар тайёрлашим керак. Бунинг учун менга жуда кўп вақт керак бўлади. Эҳтимол, ҳали менинг истеъдодим буни тузатишга ожизлик ҳам қилар... Балки бу яраланган қўгирчоқнинг соғлиғини тиклашга менинг қурбим етмас ҳам... М...ен қўрқаман, жаноблар... Вақт жуда қисқа... Фақат бир кеча... Мен сўз бера олмайман...

Мансабдор докторнинг сўзини бўлди. У бармоғини кўтариб шундай деди:

— Биз буни пайсалга сола олмаймиз, чунки валиаҳд Туттининг қайғуси бeқиёсдир. Қўғирчоқ эртага эрталабгача тирилиши шарт. Уч Бақалоқнинг хоҳиши шундай. Ҳеч ким уларнинг фармонини бажармасликка журъат эта олмайди. Эртага эрталаб сиз Уч Бақалоқ саройига тузалган, соғлом қўғирчоқни олиб борасиз.

— Тўғри... лекин...— деб эътироз билдира бошлади доктор.

— Ҳеч қандай «лекин-пекин» бўлиши мумкин эмас! Қўғирчоқ эртага эрталаб тузалиши шарт. Агар шу ишни бажарсангиз — катта мукофотга сазовор бўласиз, бажармасангиз — қаттиқ жазога тортиласиз.

Доктор жудаям қаттиқ ҳаяжонга тушди.

— Мен уриниб кўраман,— деб ғўлдирарди у.— Лекин, тушунинг, ахир, бу ниҳоятда масъулиятли иш...

— Албатта,— дея унинг сўзини бўлди мансабдор ва бармогини пастга туширди.— Мен фармонни сизга баён қилдим, энди сиз уни бажаришингиз лозим. Яхши қолинг!

Эшик тирқишидан мўралаб турган Ганимед хола ўзини орқага олди ва чопганча ўз хонасига кириб кетди; бу ерда, бурчакда боя қопқондан қочган бахтиёр сичқон бир нимани қитирлатиб кемириб ётарди. Қўрқинчли меҳмонлар кўчага чиқишди. Мансабдор каретага ўтирди; граф Бонавентура, шпорларини ялтиратиб ва шиқиллатиб отига минди; гвардиячилар шляпа-

ларини бостириб кийдилар. Шундан кейин ҳаммалари от чоптириб жўнаб кетдилар.

Валиаҳд Туттининг қўғирчоги докторнинг устахонасида қолди.

Доктор меҳмонларни кузатиб уйга киргач, Ганимед холани қидириб топди-да, уни асабий жеркиб деди:

— Ганимед хола! Эсингизда бўлсин. Мен донишманд одам, моҳир доктор ва ҳийлагар уста деб довруғ қозонганман, шу номимга дог туширишни истамайман. Бундан ташқари, мен ўз калламни ҳам қадрлайман. Аммо эртага эрталаб довруғимдан ҳам, калламдан ҳам ажрашим мумкин. Мен бугун тунбўйи жуда оғир бир иш билан машғул бўлишим керак. Тушундингизми? — У Уч Бақалоқ ҳукуматининг Давлат кенгаши фармонини силкиб кўрсата бошлади.— Менга ҳеч ким ҳалал бермаслиги керак. Уйда шовқин солманг. Тарелкаларни шарақлатманг. Ис-пис ҳам чиқариб ўтирманг. Товуқларни «ту-ту»лаб чақирманг. Сичқон тутманг. Ҳеч қанақа қуймоқ, рангли карам, мармеладу валериянка ҳақида гап бўлиши мумкин эмас! Тушундингизми?

Доктор Гаспар росаям хуноб эди.

Ганимед хола ўз хонасига кириб, ичидан беркитиб олди.

— Аломат нарсалар, жудаям аломат нарсалар! — деб тўнгилларди у.— Ҳеч нарсага тушунмаяпман. Аллақандай негр, аллақандай қўғирчоқ, яна қанақадир фармон... Нималар бўляпти ўзи?

Ганимед хола ўзига тасалли бериш ниятида хат ёзмоқчи бўлди. Лекин патқаламни қитирлатмасдан жудаям эҳтиёткорлик билан ёза бошлади. У докторни безовта қилишдан қўрқарди.

Орадан бир соат вақт ўтди. Ганимед хола ҳамон ёзарди. Мана, у ниҳоят, бугун эрталаб доктор Гаспарнинг устахонасида пайдо бўлиб қолган аломат негрни тасвирлашга киришди.

«...Улар икковлашиб чиқиб кетишди. Доктор сарой мансабдори ва гвардиячилар билан қайтиб келди. Улар ўзлари билан бир қўғирчоқ олиб келишди; бу қўғирчоқ тирик қизалоққа жудаям ўхшаб кетарди. Лекин бу сафар улар орасида негр йўқ эди. У қаёққа ғойиб бўлдийкин, билмайман...»

Негрнинг, яъни гимнаст Тибулнинг қаёққа кетгани масаласи айни пайтда доктор Гаспарни ҳам хавотирлантираётган эди. У қўғирчоқни кузатиш билан овора экан, Тибул ҳеч хаёлидан кетмасди. Докторнинг хуноби чиқиб ўзи билан ўзи гаплашарди:

— Бу қандай эқтиётсизлик! Мен уни ниҳоятда антиқа бўёққа бўяб, мутлақо ҳеч ким таний олмайдиган негрга айлантириб қўйиган бўлсам-у, у бугун Ўн тўртинчи бозорга бориб, ўзини одамларга танитиб ўтирса! Ахир энди уни тутиб олишлари мумкин-ку... Аҳ! Одам деган шунақаям эҳтиётсиз бўладими? Наҳот унинг темирқафасга тушгиси келган бўлса?

Доктор Гаспар жудаям қаттиқ ранжиётган эди. Бир томонда Тибулнинг эҳтиётсизлиги, бир томонда мана бу дардисар қўғирчоқ... Бунинг устига-устак, кечаги ташвишлар, Суд майдонига қурилган ўнта қатл кундаси...

— Мудҳиш замон!— деди доктор.

Бугунги қатлнинг қолдирилганидан у бехабар эди. Сарой мансабдори камгап одам эди. Шунинг учун у бугун саройда юз берган воқеалар ҳақида докторга чурқ этиб оғиз ҳам очмаган эди.

Доктор бечора қўғирчоқни кўздан кечираркан, ҳайрон бўлиб дерди:

— Бу жароҳатлар нимадан экан? Бу тиғнинг, эҳтимолки, қиличнинг изи бўлса керак. Шундай қўғирчоқни, ажиб қизалоқни илма-тешик қилиб юборишипти... Буни ким қилдийкин? Валиаҳд Туттининг қўғирчогига қилич кўтаришга кимнинг ҳадди сиғдийкин?

Буни гвардиячилар қилганини доктор ҳеч тасаввур қила олмас эди. Ҳаттоки сарой гвардиясининг Уч Бақалоққа хизмат қилишдан бош тортиб, халқ томонига ўта бошлаганини у хаёлига ҳам келтира олмасди. Буни эшитганида борми, докторнинг хурсандчиликдан боши осмонга етган бўларди!

Доктор қўғирчоқнинг бошини қўлига олди. Деразадан офтоб тушиб турарди. Офтоб қўғирчоқнинг юзини жуда яхши ёритаётган эди. Доктор қўғирчоққа тикилиб қолди.

«Тааажжуб, жудаям тааажжуб,— деб ўйлай бошлади у.— Мен илгарияам бу чеҳрани қаердадир кўргандайман... Ҳа, ҳа, албатта кўрганман! Мен буни кўрганман, танияпман, уни. Лекин қаерда? Қачон? Бу юз

жонли эди, у тирик қизчанинг юзи эди, у табассум қилар, жуда аломат бужмаярди, бу юз меҳрибон, танноз, ғамгин бўларди... Ҳа, ҳа. Бунга ҳеч шубҳа бўлиши мумкин эмас! Лекин кўзимнинг хиралиги қуриб кетсин, одамларнинг юзини эслаб ололмай қолдим-да»

У қўғирчоқнинг жингалак сочли жажжи бошини кўзига яқин олиб келди.

«Қандай ажойиб қўғирчоқ! Қандай доно одам яратдийкин уни! У оддий қўғирчоқларга ўхшамайди. Қўғирчоқларнинг одатда кўзлари кўк ва бақрайган бўлиб, одамларникига ўхшамайди, маъносиз боқади, бурни танқайган, лаби чўччайган, беўхшов оқ-сариқ жингалак сочлари худди қўйнинг юнгига ўхшайди. Қўғирчоқлар кўринишидан бахтлига ўхшайдилар, аслида эса тентак бўлишади... Лекин мана бу қўғирчоқнинг қўғирчоққа ўхшайдиган ҳеч қандай жиҳати йўқ. Онт ичаманки, бу — қўғирчоқ қиёфасига кирган қизчага ўхшайди, назаримда!»

Доктор Гаспар ўзининг бу ғайриоддий беморини мароқ билан кўздан кечирарди. Лекин қачонлардир, қаердадир шу рангпар чеҳрани, маъноли боқувчи шу қўй-кўзларни, шу калта кесилган, ҳурпайган соч толаларини кўрганман, деган фикр ҳеч ҳам унинг хаёлидан нари кетмасди. Бу қўғирчоқнинг бошини хиёл буриб туриб қараши унга айниқса танишдек туюларди: қўғирчоқ бўйнини хиёлгина ён томонга эгиб, докторга қовоғини уйиб, диққат билан, муғамбирона боқарди...

Доктор ўзини боса олмай, баланд овоз билан сўради:

— Қўғирчоқ, исминг нима?

Лекин қизча индамасди. Шунда доктор ҳушини йиғиб олди. Қўғирчоқ бузилган эди; унинг овозини чиқариш, юрагини тузатиш керак, уни яна қайтадан илжайишга, рақс тушишга ва ўз тенгқурлари бўлган — қизчаларнинг қилиқларига ўргатиш керак.

«Ёши ўн иккиларда бўлса керак».

Вақт ғанимат эди. Доктор ишга киришди. «Мен қўғирчоқни тирилтиришим керак».

Бу орада Ганимед хола мактубини ёзиб тугатди. Шундан кейин ҳам у яна икки соатгача зерикиб ўтирди. Охири сабри чидамай, синчковлиги қўзиб кетди. «Доктор Гаспар қандай шошилинч ишни бажариши керак экан? Ҳалиги қанақа қўғирчоқ экан?»

У устахона эшиги олдига оёқ учида оҳиста юриб келди-да, калит соладиган юраксимон тирқишдан мўралади. Афсус! Тешикка калит тиқилган эди. Ганимед хола ҳеч нима кўролмади, лекин шу маҳал эшик очилиб, доктор Гаспар чиқиб келди. Унинг авзойи бузуқ, хаёли паришон эди, шунинг учун у адабсизлик қилиб эшик тирқишидан мўраламоқчи бўлган Ганимед холага ҳатто танбиҳ ҳам бермади. Лекин Ганимед хола шундоқ ҳам жуда уялиб кетган эди.

— Ганимед хола,— деди доктор.— Мен кетяпман. Аниқроғи, мен жўнаб кетишим керак. Извош чақиртирсангиз.

У жим қолди, сўнг кафти билан пешонасини ишқалай бошлади.

— Мен Уч Бақалоқ Қасрига кетяпман. У ердан қайтиб келмаслигим ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Ганимед хола ҳайратга келиб орқасига тисарилди:

— Уч Бақалоқ Қасрига?

— Ҳа, Ганимед хола. Иш жуда чатоқ. Менга валиаҳд Туттининг қўғирчогини олиб келишди. Бу дунёда энг яхши қўғирчоқ ҳисобланади. Унинг механизми синган. Уч Бақалоқ Давлати кенгаши эртага эрталабгача шу қўғирчоқни тузатиб беришни буюрганди менга. Энди мени қаттиқ жазоға тортишса керак.

Ганимед хола кўзларига ғилт-ғилт ёш олди.

— Лекин мен бу бечора қўғирчоқни тузатишга ожизман. Мен унинг кўксидаги мурувватни муфассал кўздан кечириб чиқдим, унинг сирини ҳам билиб олдим, уни тузатишим ҳам мумкин эди. Лекин... арзимаган нарса! Арзимаган бир қисм деб, Ганимед хола, буйруқни бажара олмайман. Ўша антиқа мурувват ичида битта тишли ғилдиракча бор — шу дарз кетган... У ишга яроқсиз бўлиб қолган! Ўрнига янгисини ясаш керак... Менда шу ғилдиракчани ясашга лойиқ металл ҳам бор, кумушсимон маъдан... Лекин ишга киришишдан олдин у металлни энг камида икки кун тўтиё эритмасида сақлаш керак. Тушуняпсизми, икки кун... Қўгирчоқ эса, эртага эрталаб тайёр бўлиши керак.

— Ўшанинг ўрнига бошқа биронта ғилдиракни ўрнатса бўлмасмикин?— дея қўрқа-писа луқма ташлади Ганимед хола.

Доктор маъюс қўл силтади:

— Мен ҳамма чорани қўллаб кўрдим, ҳеч бўлмаяпти.

Яна беш минутдан кейин доктор Гаспарнинг уйи олдида соябонли извош тўхтади. Доктор Уч Бақалоқ Қасрига боришга қарор қилган эди.

— Мен уларга, эртага эрталабгача қўғирчоқ тайёр бўлмайди, деб айтаман. Мени не кўйга солсалар ҳам майли...

Ганимед хола фартугининг этагини тишлаганча бошини сарак-сарак қилди, у шу кўйи бошини чайқаб тураверди, фақат, бунақада ҳатто бўйним узилиб кетиши ҳам мумкин-ку, деган фикр хаёлига келиб қўрқиб кетганидан кейингина бош чайқашдан тўхтади.

Доктор Гаспар қўғирчоқни ёнига ўтқизиб саройга жўнаб кетди.

## VII Боб

## АЛОМАТ ҚЎҒИРЧОҚНИНГ ТУНГИ САРГУЗАШТИ

Доктор Гаспарнинг иккала қулоғида шамол қаттиқ ғувилларди. Шамолнинг ғувиллаши пичоқ чархлаётганда чиққан овоздан ҳам даҳшатлироқ бўлган негрларнинг рақс музикасини эслатардики, бундан қулоқ қоматга келарди.

Доктор қулоқларини пальтосининг ёқаси билан беркитиб, шамолга терс ўгирилди.

Шундан кейин шамол гўё осмондаги юлдузлар билан шуғуллана бошлади. У юлдузларни гоҳ пуфлаб ўчирар, гоҳ ғизиллатиб узоқларга суриб кетар, гоҳ учбурчак шаклидаги қора томлар орқасига яширарди. Бу ўйин ҳам кўнглига ургандан кейин шамол булутлар билан машғул бўлди. Лекин булутлар худди миноралар сингари парча-парча бўлиб кетди. Шунда булут бирдан совиди: у қаҳри келганидан совуқ қотган эди.

Доктор плашига ўраниб олишга мажбур бўлди. Плашининг бир барига қўғирчоқни ўради.

— Тезроқ ҳайданг! Тезроқ! Ўтинаман, тезроқ ҳайданг!

Бирданига ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ докторнинг юрагига ғулғула тушди-ю, извошчини шошира бошлади.

Тун жуда ваҳимали, зим-зиё, жимжит эди. Фақат бир неча деразадан чироқнинг қизғиш шуъласи кўринди, қолган деразалар қопқалари билан ёпилган эди. Одамлар мудҳиш воқеалар рўй беришини кутардилар.

Бу оқшом жуда кўп нарса ғайритабиий ва шубҳали туюларди. Шунинг учун аҳён-аҳёнда доктор, бу аломат қўғирчоқнинг кўзлари қоронғида иккита чақмоқ тошдек бирдан ярқираб кетса-я, деб ҳатто чўчиб борарди. Шунинг учун у ҳамроҳининг юзига иложи борича қарамасликка ҳаракат қиларди.

«Қандай бемаънилик!— деб ўзига ўзи таскин берарди у.— Асабларим бузилганга ўхшайди. Бугун ҳам ҳар кунги оқшомлардан бири, холос. Фақат кўчада ўткинчилар сийракроқ. Фақат шамол уларнинг сояларини жуда ғалати қилиб учиряпти, натижада дуч келган ҳар бир одам қанотсимон сирли плаш кийган ёлланма қотилга ўхшаб кетяпти. Фақат муюлишларга ўрнатилган газ фонуслар қандайдир шумшук зангори шуъла сочмоқда... Эҳ, тезроқ Уч Бақалоқ Қасриға етиб бора қолсам эди!..»

Қўрқувни даф қиладиган жуда яхши бир восита бор: уйқу. Айниқса бундай пайтда адёлга бурканиб ухлаш тавсия қилинади. Доктор шу воситадан фойдаланмоқчи бўлди. У шляпасидан адёл ўрнида фойдаланиб, уни кўзларигача бостириб кийди. Шундан кейин юзгача санай бошлади, албатта. Лекин бу восита ёрдам бермади. Сўнг у кучли таъсир кўрсатувчи бошқа бир воситани ишга солди. У ичида ҳисоблай бошлади:

— Битта фил-у, яна битта фил — иккита фил; иккита фил-у, яна битта фил — учта фил; учта фил-у, яна битта фил — тўртта фил...

У шу зайлда бир пода филни санаб чиқди. Филлар сони бир юз йигирма учтага етганда, дилдаги фил ҳақиқий филга айланди. Лекин бу филми ё пўштибадан полвон Лапитупми — доктор аниқлай олмади, демак у энди ухлаётган ва туш кўраётган бўлса керак.

Ухлаган пайтда вақт уйғоқ вақтдагидан анча тез ўтади. Хуллас, доктор уйқусида Уч Бақалоқ Қасрига етиб ҳам бориб, яна уларнинг ҳукм чиқаришига мунтазир ҳам бўлиб турарди. Бақалоқларнинг ҳар биттаси доктор қаршисида, қўғирчоқнинг қўлидан шундай ушлаб турардики, одатда маймун ўйнатувчи лўли кўк юбка кийган маймуннинг қўлидан шундай ушларди.

Улар докторнинг ҳеч қандай изоҳини эшитишни истамас эдилар.

«Сен буйруқни бажармадинг,— дейишарди улар.— Сен қаттиқ жазога тортиласан. Сен Юлдуз майдони устидан тортилган симдан қўғирчоқ билан юриб ўтишинг керак. Лекин кўзойнагингни еч...»

Доктор шафқат сўрарди. Уни ҳаммадан ҳам қўғирчоқнинг тақдири хавотирлантираётган эди... У бундай дерди:

«Мен-ку, кўникиб қолганман, йиқилишнинг ҳавосини олганман... Агар сим дордан йиқилиб, ҳовузга тушсам, менга ҳеч нима бўлмайди. Йиқилишда менинг тажрибам бор: мен шаҳар дарвозаси яқинидаги майдонда бутун бошли минора билан бирга қулаганман... Аммо қўғирчоқ ҳоли нима кечади, шўрлик қўғирчоқ! У йиқилса тилкапора бўлиб кетади... Унга раҳмингиз келсин... Ишончим комилки, бу қўғирчоқ эмас, жонли қизалоқ, унинг ғоятда ажиб исми бор, бироқ мен исмини унутиб қўйиб, ҳеч эслай олмаяпман.

«Йўқ!— деб бақиришарди Бақалоқлар.— Йўқ! Ҳеч кимга раҳм қилмаймиз! Уч Бақалоқнинг буйруғи шу!»

Улар шунчалик қаттиқ бақиришдики, доктор ҳатто уйғониб кетди.

— Уч Бақалоқнинг буйруғи шу!— деб қичқирарди кимдир докторнинг қулоғи остида.

Энди доктор ухламаётган эди. Кимдир унинг ўнгида қичқираётган эди. Доктор шляпасини кўтариб, кўзини очди ёки аниқроқ қилиб айтганда, кўзойнагини кўтарди ва атрофга назар ташлади. У ухлаб ётганида тун пардаси қуюқлашиб, атроф қоронғилашган эди.

Извош тўхтаб турарди. Уни қора кўланкалар ўраб олган эди: докторнинг тушида шовқин кўтарганлар ҳам шулар экан. Улар қўлларидаги фонусларини силкитишарди. Фонуснинг силкинишидан ҳарёққа катак-катак соялар учарди.

— Нима гап?— деб сўради доктор.— Қаердамиз? Бу одамлар ким?

Қора кўланкалардан бири яқин келиб, қўлидаги фонусни боши баравар кўтарди ва докторнинг юзини ёритди. Фонус чайқаларди. Фонуснинг тепасидаги ҳалқадан ушлаб турган қўл дағал теридан тикилган оғзи кенг қўлқоп кийган эди.

Доктор тушунди: булар гвардиячилар эди.

— Уч Бақалоқнинг буйруги шу,— деб такрорлади кўланка.

Фонуснинг сарғиш шуъласи уни бўлак-бўлак қилиб кўрсатарди. Унинг бошидаги клеёнка шляпа қоронғида худди темирдан ясалганга ўхшаб ялтирарди.

— Саройга бир чақирим масофа қолди, бундан нарига ўтишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бу буйруқ бугун чиқди. Шаҳар нотинч. Бундан буёғига ўтиш мукмин эмас.

— Лекин мен албатта саройга боришим шарт.

Докторнинг жаҳли чиқа бошлади.

Гвардиячи қатъий оҳангда дерди:

— Мен соқчилар бошлиғи капитан Цереп бўламан. Сизни бир қадар ҳам олдинга ўтказмайман. Бур, орқага!— деб қичқирди у аравакашга, фонусини силкитганча.

Докторнинг хуноби чиқа бошлади. Шундай бўлса ҳам, ўзининғ кимлигини ва нима мақсадда саройга кетаётганини баён қилса, дарҳол ўтказиб юборишларига ҳеч шубҳа қилмас эди.

— Мен доктор Гаспар Арнери бўламан,— деди у.

Унинг бу гапини эшитиб, соқчилар хохолаб кулиб юборишди. Чор атрофда фонуслар лик-лик силкина бошлади.

— Гражданин, бундай нотинч пайтда, шундай бемаҳалда сиз билан ҳазиллашишга имконимиз йўқ,— деди соқчилар бошлиғи.

— Такрор айтаман сизга: мен доктор Гаспар Арнери бўламан.

Соқчилар бошлиғининг аччиғи чиқиб кетди. У шамширини шарақлатиб туриб, дона-дона қилиб гапирди:

— Сиз саройга кириш мақсадида ўзга одамнинг номини ўзлаштиргансиз. Доктор Гаспар Арнери ярим кечада тентираб юрмайди. Бугунги кунда-ю, сираям. Ҳозир у жуда муҳим иш билан банд: у валиаҳд Туттининг қўғирчоғини тирилтириш билан овора. Сизни бўлса ёлғончи сифатида қамоққа оламан.

— Нима?!— Докторнинг бирдан қаҳри қайнаб кетди.

«Нима?! Ҳали у менинг гапимга ишонмаяптими? Яхши. Ҳозир мен унга қўғирчоқни рўпара қиламан!»

Доктор қўгирчоқ томонга қўлини чўзди-ю, бирдан...

Қўгирчоқ жойида йўқ эди. Унинг кўзи уйқуга кетган пайтда қўғирчоқ извошдан тушиб қолган экан.

Докторни совуқ тер босди.

«Балки бу тушимдир?»— деган хаёл лип этиб ўтди кўнглидан.

Афсуски, бу ўнги эди.

— Хўш!— деб тўнғиллади, соқчилар бошлиғи тишларини ғижирлатиб ва фонус ушлаган бармоқларини ўйнатиб.— Қорангизни ўчиринг! Мен сизни қўйиб юбораман, сассиқ чол билан овора бўлишга вақтим йўқ... Йўқол!

Буйруққа итоат этишға тўғри келди. Аравакаш отни орқага бурди. Извош ғижирлади, от пишқирди, темир фонуслар охирги марта липиллади ва бечора доктор орқасига қайтди.

Бу аламга чидай олмаган доктор йиғлаб юборди. Унга шундай кўпол муомала қилишди, уни «сассиқ чол» деб аташди, энг ёмони — у валиаҳд Туттининг қўғирчоғини йўқотиб қўйган эди!

«Бундан чиқди, мен эс-ҳушимни чинакамига йўқотиб қўйибман-да».

У йиғларди. Кўзойнаги терлаб кетганидан кўзи ҳеч нимани кўрмасди. У боши билан ёстиққа бурканиб олгиси келди. Бу аснода аравакаш отни чоптириб ҳайдаб борарди. Доктор ўн минутча қайғуга ботиб ўтирди. Лекин бир оздан сўнг яна аввалгидек фикр юритиш қобилиятига эга бўлди.

«Мен ҳали қўғирчоқни топиб олишим ҳам мумкин,— деб ўйларди у.— Бу кеча кўчада одам сийрак. Бу ерларда доим ҳам шунақа одам кам бўлади. Балки шу вақт ичида бу ердан ҳеч ким ўтмагандир...»

У аравакашга отни одимлаб юритишни ва йўлни диққат билан кўздан кечиришни буюрди.

— Хўш, қалай? Ерда бирон нарса кўрдингми?— деб сўрарди у ҳар минут сайин.

— Ҳеч нима кўринмаяпти. Ҳеч нима йўқ,— деб жавоб қиларди извошчи.

Извошчи йўл-йўлакай учраган мутлақо нокерак аҳамиятсиз топилмаларни ном-баном айтиб борарди:

— Бочкача.

— Йўқ... уямас...

— Яхши бир каттакон ойна.

— Йўқ.

— Йиртиқ ботинка.

— Йўқ,— деб тобора паст овоз билан жавоб қайтарарди доктор.

Извошчи астойдил тиришқоқлик билан йўлни кузатиб борарди. Йўлга тикилавериб кўзлари толиб кетди. У қоронғида шундай яхши кўрар эдики, уни извошчи эмас, океан пароходининг капитани деса бўларди.

— Қўғирчоқ-чи, қўғирчоқ кўзингизга ташланмаяптими? Пушти ранг кўйлакли қўғирчоқ!

— Қўғирчоқ йўқ,— дерди извошчи дўриллаган маъюс овоз билан.

— Бундан чиқди, уни кимдир топиб олган, ортиқ қидиришдан маъни йўқ... Мана шу ерга келганда ухлаб кетган эдим... Ўшанда қўғирчоқ ёнимда эди... Оҳ!..

Докторнинг яна хўрлиги келди.

Извошчи унинг дардига шерик бўлмоқчидай, бир неча марта хўрсиниб қўйди.

— Энди нима қиламиз?

— Оҳ, ўзим ҳам ҳайронман... Ўзим ҳам ҳайронман...— деди бошини қўлларига қўйиб ўтирган доктор, бу оғир ғамдан ва извошнинг силкинишидан боши сарак-сарак қилиб силкиниб бораркан.— Мен биламан,— деди у.— Ҳа-я, эсим қурсин... ростданам... Илгарироқ эсимга келмаганини қаранг-а! Қўғирчоқ қочиб кетган... Мен ухлаб қолганимда у қочиб кетган. Тушунарли. У тирик бўлган. Мен буни бир қараşдаёқ пайқаган эдим. Лекин бари бир, бу билан менинг Уч Бақалоқ олдидаги гуноҳим камаймайди...

Шу маҳал қорни таталаётганини сеза бошлади. У бир оз жим қолди, сўнг жуда тантанали оҳангда деди:

— Мен бугун тушлик қилмаган эдим. Мени энг яқин трактирга[1] олиб боринг.

Қорнининг очгани докторга бир оз таскин берди.

Улар қоп-қоронғи кўчаларни яна анча вақтгача кезиб юришди. Ҳамма трактирларнинг хўжайинлари аллақачон эшикларини беркитиб олишган эди. Бу кеча шаҳардаги бақалоқларнинг ҳаммаси ҳам жуда ҳаяжонли дамларни бошларидан кечирардилар.

Улар дарвозаларига танба устига танба қўйиб, эшикларини ичидан шкаф-у, жовонлар билан тўсиб,

---

[1] Трактир — жўнгина ресторан.

ғов қилиб қўйгандилар. Деразаларини партўшаклар ва олачипор ёстиқлар билан тўсиб қўйгандилар. Улар уйғоқ эдилар. Бақалоқроқ ва бойроқ одамларнинг ҳаммаси бугун кечаси ҳужум бўлишини кутиб ўтирардилар. Ҳовлиларидаги қопоғон итларини ҳушёрроқ ва яна ҳам қопогонроқ бўлсин деб, эрталабдан буён боқмаган эдилар. Бу кеча бойлар, бақалоқлар учун қўрқинчли тун эди. Улар ҳали-замон халқнинг яна бош кўтариб чиқишига ишонардилар. Бир нечта гвардиячининг Уч Бақалоққа сотқинлик қилиб, валиаҳд Туттининг қўғирчогини тилка-пора қилгани ва саройдан чиқиб кетгани ҳақидаги миш-мишлар бир зумда бутун шаҳарга овоза бўлди. Бу воқеа барча боёнлар ва мечкайларни қаттиқ ҳаяжонга солиб қўйган эди.

— Падарига лаънат!— деб хуноблари чиқарди уларнинг.— Биз энди гвардиячиларга ҳам ишона олмаймиз. Кеча улар халқ қўзголонини бостиришган эди, бугун бўлса, замбаракларини бизнинғ уйларимизга тўғрилашяпти.

Доктор бирон ерда тамадди қилиб, ҳордиқ чиқара олишидан бутунлай умидини узди. Теварак-атрофда қилт этган жонзод кўринмасди.

— Наҳот уйга боришимга тўғри келса?— деди зорланиб доктор.— Ахир уйим бу ердан жуда узоқ-ку... Етиб боргунимча очимдан ўлиб қоламан.

Шу маҳал бирдан димогига қовурилаётган гўшт ҳиди кирди. Ҳа, пиёздоғнинг хушбўй ҳиди эди бу: қўй гўшти пиёз билан қовурилаётган бўлса керак. Худди шу маҳал извошчи ҳам сал нарироқда чироқ шуъласини кўриб қолди. Шуъланинг ингичка чизиғи шамолда чайқаларди.

Бу нима бўлди экан?

— Трактир бўлса яхши эди!— деди доктор руҳи тетиклашиб.

Улар яқинроқ боришди.

Лекин бу чироқ кўринган жой асло трактир эмас экан.

Бир нечта кулбалардан сал нарироқда бўм-бўш майдонда ғилдиракларга ўрнатилган бир уй турарди.

Чироқнинг ингичка шуъласи бу уйнинг зич ёпилмаган эшигидан тушаётган экан.

Извошчи извошдан тушди ва шу уйга яқинроқ борди. Доктор юз берган фалокатни ҳам унутиб қовури-

лаётган гўшт ҳидидан ҳузур қиларди. У кўзларини юмганча, бурни билан пишиллаб, ҳуштак чалиб нафас оларди.

— Биринчидан, мен кучукдан қўрқаман!— деб қичқирди извошчи қоронғи зулмат ичида.— Иккинчидан, бу ерда қандайдир зина бор экан.

Лекин ҳаммаси яхшилик билан тугади. Извошчи зина пиллапоясидан кўтарилиб, эшикни тақиллатди.

— Ким у?— деган овоз эшитилди ичкаридан.

Бояги ингичка чироқ шуъласи кенгайиб, катта квадрат ҳосил қилди. Эшик очилган эди. Остонада бир одам пайдо бўлди. Бу ҳувиллаган ва қоп-қоронғи майдонда ёлгиз шу очиқ эшикдан чарақлаб ёруғ тушиб турарди, эшикни очган одам бу ёруғлик фонида худди қора қоғоздан қирқиб ясалгандек ясси бўлиб туюлди.

Доктор ўрнига извошчи жавоб берди:

— Бу доктор Гаспар Арнери. Ўзларингиз кимсизлар? Бу аравага ўрнатилган уй кимники?

— Бу Бризак амакининг сайёр томошахонаси бўлади,— деб жавоб қилди остонада турган қора соя. У нимадандир суюниб кетди, тўлқинланиб кетиб, қўлларини силкиди,— марҳамат, жаноблар, ичкарига киринглар! Доктор Гаспар Арнери Бризак амакининг сайёр томошахонасига ташриф буюрганидан бошимиз осмонга етди.

Фалокат ариди! Тунги саргардонлик тугади! Яшасин Бризак амакининг сайёр томошахонаси!

Доктор ҳам, извошчи ҳам, унинг оти ҳам ўзларига бошпана топдилар, энди улар ҳам овқатланишлари, ҳам ҳордиқ чиқаришлари мумкин эди. Аравага ўрнатилган бу уй меҳмондўст хонадон экан. Бу уйда Бризак амакининг сайёр труппаси яшарди.

Бу номни ким эшитмаган дейсиз! Бризак амакининг сайёр томошахонасини ким билмайди! Бу томошахона байрам кунларида, ярмарка пайтларида, хуллас, йил-ўн икки ой бозор майдонларида томоша кўрсатиб келади. Бу труппада зўр-зўр моҳир артистлар бор эди-да! Улар кўрсатган томошалар росаям қизиқарли бўларди! Энг муҳими, бу томошахона артистлари сафида дорбоз Тибул ҳам ўйин кўрсатарди.

У мамлакатнинг энг яхши дорбози деган шуҳратга сазовор бўлганини биламиз. Биз унинг Юлдуз майдонида кўрсатган маҳоратига шоҳид бўлган эдик: у гвар-

диячиларнинг ўқ ёмғири остида жудаям хатарли баландликда сим устидан юриб ўтган эди.

Тибул бозор майдонида ўйин кўрсатган пайтларида ёшу қари томошабинларнинг кафтларида қанчадан-қанча қадоқлар пайдо бўларди! Унга баққоллар ҳам, тиланчи кампирлар ҳам, мактаб болалари ҳам, солдатлар ҳам — ҳамма-ҳамма астойдил чапак чалишарди. Аммо-лекин, энди баққоллару олифталар бир вақтлар Тибулдан завқланганлари учун афсуслана бошлаган эдилар: «Биз уни олқишлаб қарсак чалган эдик, у бўлса бизларга қарши жанг қиляпти!» — дердилар улар.

Бризак амакининг сайёр томошахонаси ҳувиллаб турипти: гимнаст Тибул кетиб қолган эди.

Доктор Гаспар Тибулга нима бўлгани ҳақида бу ерда лом-мим демади. У, шунингдек, валиаҳд Туттининг қўғирчоги ҳақида ҳам гап очмади.

Хўш, доктор бу сайёр томошахонанинг, яъни аравага ўрнатилган уйнинг ичида нималарни кўрди?

Уни, гардиши оч-қизил учбурчаклар билан бўялган ва заррин сим тўр билан қопланган каттакон туркча барабанга ўтқизишди. Худди вагонга ўхшатиб қурилган уй пардалар билан бир неча хоналарга бўлинган эди.

Вақт алламаҳал бўлиб қолган. Шунинг учун бу сайёр томошахона аҳли ҳозир уйқуда эди. Эшикни очиб, қора сояни эслатган одам кекса масхарабознинг ўзи эди. Унинг исми Август. Бу кеча у навбатчилик қилаётган эди. Доктор бу томошахонага яқинлашганида Август ўзи учун кечлик овқат пишираётган эди. Чинданам у қўй гўштини пиёз билан қовураётган экан.

Доктор барабан устида ўтириб бутун хонани кўздан кечира бошлади. Яшик устида керосин чироқ ёниб турарди. Деворларда оқ ва пушти рангли юпқа қоғоз тортилган гардишлар, металл бандлари ялтироқ, узун олачипор қамчилар, ҳаммаёғига зар тугмачалар қадалган, гуллар, юлдузлар, ранг-баранг латталар тикилган кийимлар осилиб турарди. Деворга ҳар турли ниқоблар илинган эди. Баъзи ниқобларнинг шохлари бор эди; баъзиларининг бурни учи қайрилган шиппакни эслатарди; баъзиларининг оғзи қулоғигача борган. Битта ниқобнинг қулоқлари жудаям катта эди. Энг

қизиғи шундаки, қулоқлар одам қулоғи эди-ю, лекин жудаям каттакон.

Бурчакда қафас ичида аллақандай кичкинагина бир ҳайвон ётарди. Бир томондаги девор тагида узун ёғоч стол турипти. Бу стол тепасида кўзгу ойналар осилган. Улар ўн дона. Ҳар қайси кўзгу олдида шам турар, шамлар столга ўз мойи билан ёпиштириб қўйилганди. Шамлар ҳозир ўчиқ. Столда қутичалар, мўйқаламлар, бўёқлар, момиқлар, париклар сочилиб ётар, пушти ранг упа ҳар турли бўёқларнинг қолдиғи қотиб ётарди.

— Бугун биз гвардиячилар таъқибидан қочдик,— деб гап бошлади масхарабоз.— Биласизми, гимнаст Тибул бизнинг актёримиз эди. Гвардиячилар бизни қўлга олмоқчи бўлишди: чунки улар, Тибулни яшириб қўйишган деб, шубҳаланишяпти биздан.

Кекса масхарабоз жуда ғамгин кўринарди.

— Лекин гимнаст Тибулнинг қаердалигини ўзимиз ҳам билмаймиз. Уни ўлдиришган ё бўлмаса, темирқафасга қамаб қўйишган бўлса керак.

Масхарабоз оғир хўрсинар ва оппоқ сочли бошини сарак-сарак қиларди. Қафасда ётган ҳайвон мушукникига ўхшаган кўзларини докторга тикиб ётарди.

— Афсуски, сиз уйимизга жуда кеч ташриф буюрдингиз,— дерди масхарабоз.— Биз сизни жудаям яхши кўрамиз. Сиз бизга тасалли бериб, кўнглимизни юпатсангиз бўларди. Биламиз, сиз ғарибларнинг, камбағал халқнинг дўстисиз. Мен сизга бир воқеани эслатмоқчиман. Бир кун биз Буқа Жигари бозорида томоша кўрсатаётган эдик. Бу ўтган йили баҳор палласида бўлган эди. Менинг қизалоғим қўшиқ айтаётган эди...

— Ҳа, ҳа...— деб хотирлай бошлади доктор. Бирдан у бутун вужуди билан аломат бир тарзда ҳаяжонлана бошлади.

— Эсингиздами? Ўшанда сиз ҳам бозорда эдингиз. Сиз ҳам спектаклимизни томоша қилаётган эдингиз. Менинг қизалоғим, қорни катта бойнинг ошқозонига тушгандан кўра, куйиб кетишни афзал кўрган сомса ҳақида қўшиқ айтган эди...

— Ҳа, ҳа... эсимда... Хўш!

— Бир аслзода кампир бу қўшиқни эшитиб қаттиқ ранжиди. У ўзининг бурундор хизматчиларига қизалоғимнинг қулогини бураб қўйишни буюрди.

— Ҳа, эсимда. Мен ўртага тушган эдим. Хизматкорларни ҳайдаб юборган эдим. Хоним мени таниб, кейин уялиб кетган эди. Тўғрими?

— Ҳа. Кейин сиз жўнаб кетдингиз, ўшанда қизалоғим, агар аслзода кампирнинг хизматкорлари қулоғимни бурашганида борми, ортиқ бу дунёда яшай олмаган бўлар эдим, девди... Уни сиз ўлимдан қутқариб қолдингиз. Қизалоғим бу яхшилигингизни ҳеч қачон унутмайди!

— Ҳозир қаерда ўша қизалоғингиз! — деб сўради доктор, у жудаям қаттиқ ҳаяжонлана бошлаган эди.

Шунда кекса масхарабоз мато парда олдига бориб қизини чақирди. У жуда аломат исмни айтди, у гўё очилиши қийин бўлган доира шаклидаги кичкинагина ёғоч қутичани очгандай, иккитагина товуш чиқарди:

— Суок!

Орадан бир неча секунд ўтди. Кейин парда кўтарилиб, пахмоқ сочли бошини хиёлгина эгиб бир қизча мўралади. У қўйкўзларини докторга диққат билан тикиб, хиёл пастдан юқорига мугамбирона боқиб турарди.

Доктор бошини кўтариб қаради-ю, ҳанг-манг бўлиб қолди: бу валиаҳд Туттининг қўғирчоги эди!

# УЧИНЧИ ҚИСМ

# Суок

## VIII Боб

## КИЧИК АРТИСТКАНИНГ БИР ОҒИР РОЛИ

Ҳа, бу ўша эди!

Лекин, жин ургур қаёқдан пайдо бўлиб қолди бу ерда? Нима бало, мўъжизами? Ие, нимаси мўъжиза бўларкан? Доктор Гаспар мўъжизанинг йўқ нарса эканлигини яхши биларди. Бу — шунчаки кўзбўямачилик, деган қарорга келди у ниҳоят. Қўғирчоқ аслида тирик бўлган — у доктор извошда бехосдан ухлаб қолганида, қулоқсиз қизларга ўхшаб, қочиб кетган.

— Одобданмас бунақа қилиш! Сиз хушомадгўйлик қилиб қанча жилмайманг, бари бир, бу билан айбингизни юмшатолмайсиз,— деди доктор жиддий оҳангда.— Кўрдингизми, тақдир сиздан ўч олди. Мана мен сизни, бари бир топиб олдим, топганимдаям, мутлақо хаёлимга келмаган жойдан топиб олдим.

Бу гапдан қўғирчоқ ҳанг-манг бўлиб, бақрайиб қолди. Кейин, кичкина қуён боласига ўхшаб кўзларини пирпирата бошлади ва худди меров одамдек масхарабоз Август томонга қаради. Август хўрсиниб қўйди.

— Сиз кимсиз ўзи, очиқ гапиринг!

Доктор имкони борича баджаҳлроқ овоз чиқарди. Лекин қўғирчоқ шунақаям истараси иссиқ эдики, ундан сираям аччиғланиб бўлмас эди.

— Ана кўрдингизми,— деди қўгирчоқ,— сиз мени эсингиздан чиқариб қўйибсиз. Мен Суокман.

— Су-ок...— дея такрорлади доктор.— Ахир сиз валиаҳд Туттининг қўғирчогисиз-ку!

— Қанақа қўғирчоқ яна! Мен оддий бир қиз боламан...

— Нима?.. Сиз кўзбўямачилик қиляпсиз!

Қўгирчоқ пардадевор орқасидан чиқди. Чироқ уни

энди бошдан-оёқ ёритиб турарди. У сочлари ҳурпайган бошини елкалари ичига олиб, жилмайиб турарди. Унинг сочи майда қушчаларнинг кулранг патлари рангида эди.

Қафас ичида ётган туклари ҳурпайган бояги ҳайвон қўғирчоққа жудаям диққат билан тикиларди.

Доктор Гаспар тамомила эсанкираб қолган эди. Яна бир оз вақтдан кейин китобхон барча сирни билиб олади. Лекин ҳозир биз китобхонни жудаям муҳим бир вазият ҳақида огоҳлантириб қўймоқчимизки, бу вазият доктор Гаспар Арнерининг синчков назаридан четда қолган эди. Киши қаттиқ ҳаяжонланган пайтларида, агар катталар таъбири билан айтсак, шундоққина тумшуғи остидаги нарсаниям пайқамас экан.

Мана сизга ўша вазият: қўғирчоқнинг қиёфаси ҳозир бу ерда, сайёр театр аравасида, аввалги қиёфасидан мутлақо бошқача эди.

Унинг қўйкўзлари ҳозир шўх чақнарди. У жиддий ва сергак кўринарди, айни пайтда аввалги маъюслигидан асар ҳам қолмаган эди. Аксинча, сиз уни кўрганингизда, ўзини сипо қилиб кўрсатишга уринувчи тўполончи қиз, деб ўйлардингиз.

Энди буёғини эшитинг. Бу қўғирчоқнинг аввалги хушбичим пушти ранг шоҳи кўйлаги, заррин гуллар, тўр ҳошиялар, пистонлар билан безатилган кийим бошлари қаёққа ғойиб бўлибди — ахир ундай афсонавий кийим-бошни кийган ҳар қандай қизча малика даражасига етмаган тақдирда ҳам, ҳар ҳолда арчага безак бўлишга арзирди-ку! Лекин сиз бу қўғирчоқни ҳозир ғарибона кийинган деб фараз қилинг. Унинг эгнида ҳаворанг ёқали матросча блузка, оёғидаги анча эскирган туфлиси кулранг тусга кирган ва энди оқариши мушкул эди. У сарпойчанг эди. Мана шу одми кийимлар қўғирчоқнинг ҳуснини йўқотган бўлса керак, деб асло ўйламанг. Аксинча, бу кийими унинг ўзига жудаям ярашган эди. Шунақа жулдурвоқи қизлар бўлади: аввалига унга қайрилиб ҳам қарагинг келмайди, кейинчалик унга диққат билан яхшилаб тикилиб қараганингдан кейин эса, мана шунақа жулдурвоқи қиз ҳатто маликадан ҳам азизроқ эканлигига иқрор бўласан: айниқса, маликаларнинг қурбақага ё қурбақанинг маликага айланиб туришини билганингдан кейин.

Лекин энг муҳим гап буёқда: эсингизда бўлса, ва-

лиаҳд Туттининг қўғирчоғи кўксида даҳшатли жароҳатлар бор эди. Энди бўлса, улар ғойиб бўлибди.

Бирам соғлом, хушчақчақ бўлибдики, қўяверасиз:

Лекин доктор Гаспар бу ўзгаришларнинг биронтасини ҳам пайқамади. Эҳтимол у яна бир минутдан кейин, ҳамма гапни фаҳмлаб олган бўлармиди; афсуски, худди шу кейинги минутда кимдир эшикни тақиллатиб қолса бўладими. Ана шунда иш яна беш баттар чалкашиб кетди. Сайёр театр аравасига негр кириб келди.

Қўғирчоқ чинқириб юборди. Қафас ичидаги жонивор — мушук эмас, балки қандайдир анча мураккаб ҳайвон — пишқириб қўйди.

Негрнинг кимлигини-ку, сиз билан биз энди яхши биламиз-а. Буни доктор Гаспар ҳам биларди, чунки бу негрни унинг ўзи энг оддий Тибулдан ясаган эди. Бироқ бу сирдан бошқа ҳеч кимнинг хабари йўқ эди-да.

Улар саросимага тушиб, беш минутча эсанкираб туриб қолишди. Негр ўзини жудаям беадаб тутди. У қўғирчоқнинг икки қўлтиғи тагидан олиб, баландга кўтарди ва унинг юзидан, бурнидан тўхтовсиз ўпаверди, ҳолбуки қўгирчоқ бурун ва юзини шу қадар жадаллик билан негрдан олиб қочишга ҳаракат қилардики, уни ўпмоқчи бўлган негрни ип учига богланган олмани тишламоқчи бўлган одамга қиёс қилиш мумкин эди.

Кекса Август кўзларини чирт юмиб олди ва қўрқувдан довдираб қолиб, жиноятчининг бошини кундага қўйиб чопсаммикин ё тирик каламушни тузламай ейишга мажбур қилсаммикин, деган жумбоқни ҳал қилаётган хитой императорига ўхшаб чайқалиб ўтираверди.

Қўғирчоқнинг оёғидаги туфли учиб бориб чироққа тегди. Чироқ ағдарилиб тушди ва лип-лип қилиб сўнди. Ҳаммаёқ қоп-қоронги бўлиб қолди. Бу ерни қоплаган даҳшатнинг ниҳояси йўқ эди. Шунда ҳамма гира-шира тонг ота бошлаганини кўрди. Девор тирқишлари оқариб кўрина бошлаган эди.

— Ана, тонг ҳам отди,— деди доктор Гаспар,— мен ҳозир Уч Бақалоқ саройига валиаҳд Туттининг қўғирчоғини олиб боришим керак.

Негр эшикни итариб очди. Кўчадаги ғира-шира ёруглик ичкарини ҳам хиёл ёритди. Масхарабоз бояги

боягидай ўтирар, унинг кўзлари ҳамон юмуқ эди. Қўғирчоқ эса пардадевор орқасига яширинган эди.

Доктор Гаспар Тибулга аҳволни шоша-пиша тушунтирди. У валиаҳд Туттининг қўғирчоғи ҳақидаги ҳамма гапни, унинг аввалига қандай ғойиб бўлганини кейин эса, мана шу сайёр театр аравасида, докторнинг бахтига, яна соғ-саломат топилгани тўғрисида муфассал сўзлаб берди.

Лекин бу гапларни парда орқасида туриб эшитаётган қўғирчоқ ҳеч нимага тушунмасди.

«Бу чол негрни Тибул деб чақиряпти,— деб ҳайрон бўларди қўғирчоқ.— Ахир у қанақасига Тибул бўлсин? Қўрқинчли негр-ку. Тибул қорабадан эмас, у чиройли, оппоқ...»

Шунда у парда орқасидан бир кўзи билан мўралай бошлади. Негр қизил иштонининг чўнтагидан чўзинчоқ бир шиша олди, унинг қопқоғини очган эди, шишадан худди чумчуқникига ўхшаш чирқиллаган овоз чиқди, кейин у мана шу шишадан ўз устига қандайдир суюқлик қуя бошлади. Бир зумдан кейин мўъжиза содир бўлди. Негрнинг қораси кетиб оқарди ва чиройли йигит бўлиб қолди. Энди ҳеч қандай шубҳа қолмаган эди. Бу Тибул эди!

— Ура!— деб чинқириб юборди қўғирчоқ ва парда орқасидан отилиб чиқиб, тўғри Тибулнинг бўйнига осилиб олди.

Ҳеч нимани кўрмаган масхарабоз, қандайдир жуда даҳшатли воқеа юз берди деб ўйлаб, ўзи ўтирган еридан йиқилиб тушди-да, қимир этмай ётаверди. Тибул уни иштонидан тортиб ўрнидан турғазди.

Энди қўғирчоқ Тибулни ўз ихтиёри билан ўпа бошлаган эди.

— Вой, қандай яхши!— дерди у суюнганидан терисига сиғмай.— Қандай қилиб қоп-қора бўлиб олган эдингиз? Мен сизни танимадим.

— Суок!— деди Тибул жиддий оҳангда.

Суок шу заҳоти Тибулнинг кенг кўксидан сакраб тушди ва унинг рўпарасида худди интизомли солдатдек қаддини адил тутиб турди.

— Нима?— деб сўради Суок худди мактаб ўқувчисидек. Тибул қўлини унинг пахмоқ сочли бошига қўйди. Суок бахтиёр қўйкўзларини пастдан унга тикди.

— Доктор Гаспарнинг айтганларини эшитдингми?

— Ҳа, Уч Бақалоқ унга валиаҳд Туттининг қўғирчоғини тузатишни буюришипти. Докторнинг айтишича, ўша қўғирчоқ извошдан қочиб кетганмиш. У мени — ўша қўғирчоқ деб ўйлаяпти.

— Доктор Гаспар янглишяпти,— деди Тибул.— Доктор Гаспар, бу қўғирчоқ эмас, менинг гапимга ишонаверинг. Бу менинг кичкина дўстим, бу қизча — раққоса Суок, цирк томошаларимизда менинг содиқ дўстим.

— Тўғри! — деб суюниб кетди қўғирчоқ.— Биз ахир улар билан неча-неча марталаб сим дор устида юрганмиз.

Тибул уни ўзининг содиқ дўсти деб атаганидан қизча жудаям хурсанд бўлиб кетган эди.

— Акажон!— деб пичирлади у ва юзини Тибулнинг қўлига суйкаб эркаланди.

— Нима?— деб қайта сўради доктор.— Наҳотки бу тирик қизча бўлса, Суок деб айтдингизми?.. Ҳа! Ҳа! Гапингиз тўғри! Мен энди аниқ кўриб турибман. Эсимга тушяпти. Ахир мен бу қизчани кунлардан бир кун ўз кўзим билан кўрганман. Ҳа... Ҳа... Ахир бу қизчани калтаклашмоқчи бўлган бир кампирнинг хизматкорларидан қутқариб қолган эдим-ку!

Шу гапларни айтиб доктор ҳатто кафтини кафтига уриб қўйди.

— Ҳа-ҳа-ҳа! Ҳа-да, албатта. Валиаҳд Туттининг қўғирчоғи шунинг учун ҳам менга жуда танишдек кўринган экан. Бу энди ўта антиқа ўхшашлик ёки фан тили билан айтганда феномен[1].

Ҳамма нарса ойдинлашиб, одамларнинг кўнгли жойига тушди.

Тонг анча ёришиб қолган эди. Уй орқасида хўроз худди инграгандай қичқирди.

Шу пайт доктор яна ғамга толди.

— Ҳа, бу ҳаммаси яхшику-я. Лекин валиаҳд Туттининг қўғирчоғи қўлимда йўқ, бу, демак, қўғирчоқни йўқотиб қўйганим рост...

— Демак, сиз у қўғирчоқни топдингиз,— деди Тибул қизчани бағрига боса туриб.

— Қандай қилиб?

---

[1] Феномен. Ҳаётда жуда кам учрайдиган, фавқулодда ҳодиса.

— Шундай. Сен гапимга тушуняпсанми, Суок?

— Тушуняпкандайман,— оҳиста жавоб қилди Суок.

— Хўш?— деб сўради Тибул.

— Албатта,— деди қўғирчоқ ва жилмайиб қўйди.

Доктор ҳеч нарсага тушунмай турарди.

— Якшанба кунлари оломон олдида томоша кўрсатган пайтларимизда сенга нима деб айтардим, эсингдами? Сен олачипор кўприкча устида турардинг. Мен: *«Алле!»* — дердим, шунда сен сим дор устидан юриб, мен томон кела бошлардинг. Мен сени дорнинг ўрта белида одамлардан жудаям баландда кутиб, турардим. Мен бир тиззамни сенга тутиб, яна: *«Алле!»* — дердим, сен бўлсанг, тиззамга оёқ қўйиб чиқиб, ундан елкамга кўтарилардинг... Сен қўрқармидинг ўшанда?

— Йўқ. Сиз менга: *«Алле!»* — дердингиз, демак мен хотиржам бўлишим ва ҳеч нимадан қўрқмаслигим керак эди.

— Ана, кўрдингми,— деди Тибул,— мен энди ҳам сенга: *«Алле!»* — дейман. Сен қўғирчоқ бўласан.

— Мен қўғирчоқ бўламан?

— У қўғирчоқ бўлади?— деб сўради доктор Гаспар.

— Буни қандай тушуниш керак.

Ўйлайманки, китобхон, сиз бунга тушунган бўлсангиз керак! Сиз доктор Гаспарчалик қаттиқ ҳаяжонланмагансиз ва ҳайратланмагансиз, шунинг учун, унга нисбатан хотиржамроқсиз ва бўлаётган воқеанинг тезроқ фаҳмига етасиз.

Ўзингиз ўйлаб кўринг: доктор шунча маҳалдан бери дурустгина ухлаб олмаган эди. Лекин, унинг жисмонан бақувват эканлигига шундоқ ҳам ажабланмай иложимиз йўқ.

Хўроз иккинчи марта қичқириб улгурмасдан, ҳамма гап келишиб олинган эди. Тибул қилинадиган ишнинг батафсил планини тузиб чиқди.

— Сен, Суок, артисткасан. Ўйлайманки, ҳали ёш бўлишингга қарамай, ёмон артистка эмассан. Баҳорда бизнинг сайёр театримизда «Аҳмоқ қирол» деган пантомимо[1] қўйганимизда сен Олтин Косов ролини жуда

[1] Пантомимо — имо-ишора ва ҳаракат билан намойиш қилинадиган сўзсиз томоша.

яхши ижро этган эдинг. Кейин балет томошасида сен кўчирма суратни тасвирлаган эдинг, яна тегирмончининг чойнакка айланиб қолишини жуда усталик билан тасвирлаган эдинг. Сен ҳаммадан яхшироқ рақсга тушасан, энг яхши ашулачисан, бунинг устига фаросатинг ҳам жуда ўткир, энг муҳими — сен довюрак ва идрокли қизчасан.

Бахтиёр Суок қизариб кетди. У бу мақтовлардан ўнғайсизлана бошлади.

— Қисқаси, сен валиаҳд Туттининг қўғирчоги ролини ижро этишинг керак бўлади.

Суок суюнганидан чапак чалиб юборди ва ҳаммани: Тибулни ҳам, кекса Августни ҳам, доктор Гаспарни ҳам бир-бир ўпиб чиқди.

— Шошилма,— деб гапида давом этди Тибул,— бу ҳали ҳаммаси эмас. Ўзинг биласан: қуролсоз Просперо Уч Бақалоқ Қасрида темирқафасда ётипти. Сен уни қутқаришинг керак бўлади.

— Қафасни очаманми?

— Ҳа. Мен бир сирни биламан, бу сир Просперонинг саройдан қочиб чиқиб кетишига имкон беради.

— Сир?

— Ҳа. У ерда ер ости йўли бор.

Шунда Тибул шарфуруш амаки ҳақида бир бошдан гапириб берди.

— Бу ер ости йўли аллақандай кастрюлдан бошланар экан — сарой ошхонасидан бошланса ажаб эмас. Сен шу йўлни топасан.

— Хўп.

Ҳали офтоб чиққанича йўқ эди, лекин қушлар аллақачон уйғонишган, сайёр театрнинг очиқ эшигидан кўриниб турган майсазордаги кўкатлар ям-яшил рангга кирган эди.

Кун ёришиши билан қафас ичида ётган сирли ҳайвон оддий бир тулки бўлиб чиқди.

— Вақтни ўтказмайлик! Ҳали олис йўл босишингиз керак.

Доктор Гаспар эса:

— Энди сиз ўз кўйлакларингиз орасидан энг чиройлигини танлашингиз керак бўлади,— деди...

Суок ўзининг ҳамма кийим-бошларини кўтариб кирди. Улар жуда ҳам башанг кийимлар эди, чунки уларнинг ҳаммасини Суокнинг ўзи тиккан эди. Барча

истеъдодли артисткаларга ўхшаб, Суок ҳам ўткир дидли қиз эди.

Доктор Гаспар ранг-баранг кийимлар уюмини узоқ вақт титди.

— Ҳай, дуруст,— деди у ниҳоят,— менимча, мана бу кўйлак маъқул тушади. Майиб қилинган қўғирчоқнинг кўйлагидан сира қолишмайди. Қани, кийиб кўринг-чи!

Суок кийинди. У сайёр театрнинг қоқ ўртасида, энди бош кўтариб чиқаётган қуёш шуъласида шунақанги башанг бўлиб кўриндики, дунёда биронта ҳам қиз ҳатто ўзининг туғилган кунида ҳам бунчалик гўзал бўла олмас эди. Кўйлак пушти ранг эди. Суок бирон ҳаракат қилгудек бўлса, кўйлаги ҳилпираб, гўё олтин ёмғир ёғаётгандай бўлиб туюларди. Кўйлак ялтирар, шитирлар ва хушбўй ис таратарди.

— Мен тайёрман,— деди Суок.

Хайрлашув атиги бир минут давом этди. Циркда томоша кўрсатувчи одамлар кўзёши тўкишни ёқтирмайдилар. Чунки улар муттасил ўлим хавфи остида яшайдилар. Ундан ташқари, Суокнинг эгнидаги кўйлакни ғижимлаб қўймаслик учун ҳам унчалик маҳкам қучоқлашиб хайрлашиб бўлмас эди.

— Тезроқ эсон-омон қайтиб кел!— деди кекса Август ва оғир хўрсиниб қўйди.

— Мен бўлсам ишчи маҳаллаларига бораман. Биз ўз кучларимизни сарҳисоб қилишимиз керак. Мени ишчилар кутишяпти. Улар менинг тирик ва озодликда эканлигимни эшитишди.

Тибул шу гапни айтиб бўлиб, плашига ўранди, айвони кенг шляпасини бостириб кийди, кўзига қора кўзойнак тақди ва бурни устига каттакон ясама бурун қўндирди — бу бурун «Қоҳирага юриш» пантомимосида подшо образи учун ҳозирланган эди.

Бундай қиёфада уни таниб бўлмасди, албатта. Тўғри, каттакон бурун уни бадбашара қилиб қўйған эди, аммо таниб бўлмасди.

Кекса Август остонага чиқиб турди. Доктор, Тибул ва Суок сайёр театрдан тушишди.

Кун ёйилиб кетган эди.

— Тезроқ! Тезроқ!— деб шоширарди доктор.

Яна бир минутдан кейин у Суок билан бирга извошда ўтирарди.

— Сиз қўрқмайсизми?— деб сўради доктор.

Суок жавоб бериш ўрнига жилмайиб, қўйди. Доктор унинг пешонасидан ўпди.

Кўчалар ҳали бўм-бўш эди. Одамлар овози аҳён-аҳёнда қулоққа чалинарди. Лекин шу маҳал бир итнинг баралла вовуллагани эшитилиб қолди. Кейин ўша ит, худди биров унинг суягини тортиб олаётгандай, ангиллаб, ириллай бошлади.

Доктор извош дарчасидан мўралади.

Тасодифни қарангки, бу полвон Лапитупни қопиб олган ўша ит эди! Бу ҳали ҳангоманинг ҳаммаси эмас.

Доктор яна шу нарсанинг гувоҳи бўлди. Ит бир одам билан олишаётган эди. Эгнига жуда бежирим, лекин аломат кийим кийган найнов ва қилтириқ, боши муштумдеккина келадиган худди чигирткага ўхшаб кетувчи бу одам итнинг оғзидан қандайдир пушти ранг, чиройли, аммо нималиги номаълум бир нарсани юлқиб олаётган эди. Ҳар томонга пушти ранг латта парчалари сочиларди.

Ахийри одам устун чиқди. У ўлжани итнинг огзидан тортиб олди ва уни бағрига босганча, доктор Гаспар келаётган томонга ғизилаб югуриб кетди.

У одам извош билан тўқнашган чоғда, докторнинг орқасидан мўралаб турган Суокнинг кўзи даҳшатли бир нарсага тушди. Аломат одам югураётгани йўқ эди, балки худди балет ўйинчиси сингари оёқ учлари ерга тегар-тегмас назокат билан сакраб-сакраб борарди. Эгнидаги яшил фракнинг этаги худди шамол тегирмон қанотлари сингари орқасидан елпиниб борарди. Унинг қўлида эса... кўкраги жароҳатдан илма-тешик бўлиб кетган қизча бор эди.

— Ие, менман-ку!— деб чинқириб юборди Суок.

У извошнинг бир бурчагига суқилиб олиб, юзини духоба ёстиқча билан беркитиб олди.

Югуриб кетаётган одам Суокнинг чинқирган овозини эшитиб, извош томонга ўгрилди, ана шундагина доктор бу одамнинг рақс муаллими Бир-икк-учс эканлигини таниди.

## IX Боб

# ИШТАҲАСИ ЯХШИ ҚЎҒИРЧОҚ

Валиаҳд Тутти шийпонда турарди. География ўқитувчиси эса, дурбин орқали тикиларди. Валиаҳд Тутти компас олиб келишларини талаб қиларди. Лекин бунинг ҳеч ҳожати йўқ эди.

Валиаҳд Тутти қўғирчоқни олиб келишларини кутаётган эди.

У қаттиқ ҳаяжонланганидан бугун кечаси билан маст уйқуда қотиб ухлаб, ширин туш кўриб чиққан эди.

Шаҳар дарвозасидан Қасрга келадиган йўл бу ердан яққол кўзга ташланиб турарди. Шаҳар узра кўтарилган қуёш шуъласи олисни кўришга халақит қиларди. Валиаҳд Тутти кафтини кўзига соябон қилиб тураркан, бурни қичиб афтини бужмайтирар ва акса уриш мумкин эмаслигидан афсусланарди.

— Ҳали ҳеч ким кўринмаяпти,— дерди география ўқитувчиси. Бу одам ўз мутахассислиги бўйича фазо, уфқ, ҳаракат қилувчи нуқталар ва ҳоказоларга ҳаммадан яхшироқ тушунарди. Шунинг учун ҳам бундай масъулиятли ишни унга топширишган эди.

— Балки кўриняпкандир?— деб тихирлик қиларди Тутти.

— Мен билан баҳслашманг. Менда дурбиндан бўлак яна билим, буюмлар ҳақида аниқ тасаввур бор. Мен ясмин бутасини кўряпман, бу ўсимликнинг оти лотин тилида жудаям чиройли, аммо эсда сақлаб қолиш қийин. Ундан нарида кўприкларни, гвардиячиларни кўряпман, улар атрофида капалаклар учиб юрибди, ундан уёғига йўл чўзилиб кетган... Афв этасиз! Афв этасиз!..

У дурбинни бурай бошлади. Валиаҳд Тутти оёқ учига турди. Унинг юраги, худди дарс тайёрламаган пайтида бўлганидек, дукиллаб, нафаси ҳалқумига тиқилди.

— Ҳа,— деди ўқитувчи.

Худди шу маҳал уч нафар отлиқ Қаср боғи томондан йўл томон юра бошлади. Бу капитан Бонавентура билан икки соқчи эди, улар йўлда кўринган извош томон от чоптириб кетишди.

— Ура! — деб валиаҳд шунақа қаттиқ чинқирдики, ҳатто олис қишлоқлардаги ғозлар эшитиб, «ға-ға» лаб юборишди.

Пастда шийпон остида гимнастика ўқитувчиси, мабодо валиаҳд қаттиқ суюнганидан шийпон тўсиғи оша пастга йиқилиб тушгудек бўлса, уни илиб олишга шай бўлиб турарди.

Шундай қилиб, доктор Гаспарнинг извоши Қаср томон учиб келарди. Уни кўриш учун энди дурбиннинг ҳам, география ўқитувчиси илмий мулоҳазаларининг ҳам кераги йўқ эди. Извошни ҳам, унга қўшилган оқ отни ҳам энди ҳамма кўриб турарди.

Бахтли дақиқа! Извош энг сўнгги кўприк олдида тўхтади. Гвардиячи соқчилар четланиб, унга йўл очдилар. Валиаҳд иккала қўлини силкиб диқ-диқ сакраркан, олтинранг соч толалари силкинарди. Мана у ниҳоят муҳим нарсани кўрди: кичкинагина бир одам чолларга ўхшаб, инқиллаб-синқиллаб извошдан тушди. Гвардиячилар шамширлари бандидан эҳтиром билан ушлаб, честь беришганча, сал нарироқда туришарди. Кичкина одам извошдан ажойиб қўғирчоқни олди, у янги узилган, ленталар билан боғланган бир даста атиргулга ўхшарди.

Бу манзара зангори тусга кираётган эрталабки осмон остида, ял-ял товланаётган ўт-ўланлар ва офтоб шуъласида ғоятда жозибали кўринарди.

Яна бир минутдан кейин қўғирчоқ Қаср ичида пайдо бўлди.

Учрашув қуйидагича юз берди.

Қўғирчоқ бировнинг ёрдамисиз ўзи юра бошлади.

О, Суок ўз ролини жуда яхши ижро этаётган эди! Мабодо у ҳақиқий қўғирчоқлар даврасига тушиб қолгандами, қўғирчоқлар уни ҳам ўз тоифасидан деб тан олган бўлардилар.

Суок хотиржам эди. Чунки у ўз ролини яхши ижро этаётганини сезарди.

«Бундан ҳам оғир ишлар бўлади,— деб ўйларди у,— масалан, ёниб турган чироқ билан жонглёрлик қилиш ёки ҳавода икки марта ўмбалоқ ошиб тушиш...»

Лекин Суок циркда унисини ҳам, бунисини ҳам жуда кўп марта бажарган эди.

Хуллас, Суок ҳозир ҳам қўрқмаётган эди. Бу ўйин унга ҳатто хушёқаётган эди. Лекин доктор Гаспар ун-

ча-мунча безовта бўлаётган эди. У Суокнинг кетидан борарди. Суок худди балеринадек оёқ учида майда-майда қадам ташлаб юрарди. Эгнидаги кўйлаги ҳилпирар, шитирларди.

Паркет пол ярақлайди. Суокнинг полга тушаётган акси худди пушти ранг булутга ўхшаб кўринади. Бу заллар паркет полнинг ярақлашидан жудаям баланд, кўзгу ойналарининг кўплигидан эса, жуда кенг бўлиб кўринардики, бу ҳашаматли жойда Суок янаям кичкина бўлиб қолган эди.

Бу манзарани кузатган одам, улкан ва сокин кўл сатҳида жажжигина гул саватчаси сузиб юрипти, деб ўйлаши мумкин эди.

Суок соқчилар ёнидан, унга маҳлиё бўлиб бақрайиб турган чарм ва темир совут кийган одамлар ёнидан, ўз умрларида биринчи марта жилмаяётган мансабдорлар ёнидан хушчақчақ табассум билан ўтиб борарди.

Улар Суокка йўл бўшатишарди, гўё у ўз ҳуқуқини қўлга олаётган бу қасрнинг ҳокимаси эди.

Шу маҳал саройга шундай сукут чўкдики, Суокнинг бамисоли гул барги ерга тушганда чиқадиган сасдек майин қадам ташлаши ҳам эшитила бошлади.

Юқоридан, жудаям кенг зинадан эса худди Суок сингари кичкинагина ва ясанган валиаҳд Тутти қўғирчоқ истиқболи сари тушиб кела бошлади.

Уларнинг бўйлари баб-баравар эди.

Суок тўхтади.

«Валиаҳд Тутти ҳали шу экан-да!» деб ўйлади у ичида. Озғингина, қўйкўз ва бир оз маъюс қиёфадаги бола сочлари пахмайган бошини хиёл эгиб Суок қаршисида турарди, у кўринишидан қайсар қизчага жудаям ўхшаб кетарди.

Суок Туттининг кимлигини биларди. Суок Уч Бақалоқнинг ҳам қанақа одамлар эканлигини биларди. Уч Бақалоқ мамлакатдаги қашшоқ ва оч-яланғоч халқнинг меҳнати билан топилган барча темир, барча кўмир, барча ғаллани тортиб олишган эди. Суок бир пайтлар ўз малайларини унга гижгижлаган аслзода кампирни ҳам унутмаган эди. Булар ҳаммасининг уруғи бир эканлигини Суок яхши биларди: Бақалоқлар, аслзода кампирлар, олифталар, бaққоллар, гвардиячилар — хуллас қуролсиз Проспeрони темирқафасга солиб қўйган ва унинг дўсти гимнаст Тибулни излаб

юрган одамларнинг ҳаммаси бир тоифадан эканлигини Суок жуда яхши биларди.

У саройга бораётганида, валиаҳд Тутти кўзимга ўша аслзода шум кампирга ўхшаб жирканч бўлиб кўринса керагу, фақат бир жиҳатдан — узун ва бигиздек ингичка қизил тили доим осилиб туриши билан — кампирдан фарқ қилса керак, деб ўйлаган эди.

Лекин Туттини кўрганида, қизча ундан асло жирканмади: аксинча, Туттини кўриб ҳатто кўнгли бирмунча ёришиб кетди.

Суок бу болага шўх қуйкўзларини тикиб турарди.

— Бу сенмисан, қўғирчоқ?— деб сўради валиаҳд Тутти қўлларини чўзиб.

«Нима қилсам экан?— деб қўрқиб кетди Суок. Қўғирчоқлар гапирмайди-ку! Вой, мени огоҳлантиришмаган экан-у!.. Гвардиячилар қиймалаб ташлаган олдинги қўғирчоқ ўзини қандай тутгани менга номаълум...»

Лекин шу чоқ доктор Гаспар гапга аралашиб, қизчани мушкул аҳволдан қутқарди.

— Валиаҳд жаноблари,— деди у тантанали оҳангда,— мен қўғирчоғингизни даволаб тузатдим. Кўриб турибсизки, уни тирилтирибгина қолмай, яна унга ғоятда ажиб ҳаёт бахш этдим. Қўғирчоқ, шубҳасиз, чиройли бўлиб кетди, ундан кейин, у янги жуда ғўзал кўйлак кийди ва ниҳоят, энг муҳими — мен қўғирчогингизни гапирадиган, қўшиқ айтадиган ва рақс тушадиган қилдим.

— Қандай яхши!— оҳистагина деди валиаҳд.

«Ўзимни кўрсатадиган пайт келди», деб ўйлади Суок.

Ана шундан кейин Бризак амакининг сайёр труппасида хизмат қилган кичкина актриса янги саҳнада биринчи марта янги роль ўйнай бошлади.

Бу саҳна Қасрдаги энг катта зал эди. Бу ерга жуда кўп томошабин тўпланган эди. Улар ҳамма ерга: зина бошларига, йўлакларга, болохоналарга тиқилиб кетишган эди. Улар доирасимон деразалардан киришар, болконларни тўлдиришар, яхшироқ кўриш ва эшитиш учун устунларга тирмашиб чиқишарди.

Офтобнинг чароғон шуъласида одамларнинг сонсаноқсиз бошлари ва ранг-баранг елкалари ял-ял товланарди.

Тиржайган, жилмайган беҳисоб чеҳра ва башаралар Суокка тикилиб туришарди.

Тарвақайлаган панжаларидан худди дарахт елимидек қизил шарбат ёки жигарранг ёғ чак-чак томаётган ошпазлар; хўроз қиёфасига кирган маймунларга ўхшаб кетувчи ранг-баранг, гулдор мундирлар кийган министрлар; тор-тор фрак кийган кичкина ва лўппигина музикачилар; сарой хонимлари ва кибор йигитлар; букир докторлар-у, бурни узун олимлар; сочлари ҳурпайган югурдак малайлар; ясан-тусанда министрлардан қолишмайдиган сарой аъёнлари...

Мана шу одамларнинг ҳаммаси ёпишиб, тирмашиб олиш мумкин бўлган ҳамма ерга худди пашшадек ёпишиб олишган эди.

Ҳамма жим эди. Ҳамма одамлар нафасларини ичларига ютиб бу жажжигина пушти ранг вужудга тикилиб турардилар, у эса, ўн икки ёшли қизчага хос салобат ва хотиржамлик билан томошабинларга кўз ташларди. У ҳеч ҳам чўчимади. Чунки бу ерга йиғилган томошабинлар, ҳар куни бозор майдонларида Суокнинг ўйинини кўрувчи томошабинларга ўхшаш талабчан эмас эдилар. О, майдондаги у томошабинлар: бекорчилар, солдатлар, актёрлар, мактаб болалари, кичкина чайқовчи болалар — улар жудаям жиддий томошабинлар эди-да! Суок ҳатто ўшалардан ҳам чўчимас эди. Улар доим:

— Суок — дунёда энг зўр актриса!..— деб айтишарди.

Шундай деб туриб, киссаларидаги энг охирги чақаларини Суок ёзиб қўйган шолчага ташлардилар. Лекин шу чақа ҳам ҳазилакам пул эмас эди — унга жигар сомса сотиб олиш мумкин эдики, бунақа сомса пайпоқ тўқувчи камбағал аёл учун ҳам нонушта, ҳам тушлик, ҳам кечки овқат ўрнига ўтарди.

Шундай қилиб, Суок ўзининг қўғирчоқлик ролини чинакамига ижро этишга киришди.

У оёқ учларини кериб, шу оёқ учларида турди, тирсагидан букилган қўлларини юзигача кўтарди ва хитой мандаринига[1] ўхшаб жимжилоқларини ўйнатганича қўшиқ айта бошлади. Айни пайтда у қўшиқ оҳан-

---

[1] Мандарин — қадимги Хитойда катта амалдор (тарж.)

гига мослаб бошини гоҳ ўнг, гоҳ чап томонга чайқарди.

Суок ноз билан мугамбирона жилмаяр, лекин ҳар доим кўзларини ҳамма қўғирчоқларникига ўхшатиб, думалоқ ва катта-катта очиб туришга ҳаракат қиларди.

У бундай деб қўшиқ айтарди:

Ғайриоддий илм-амал билан
Дошқозонга пуркаб оловлар,
Тирилтирди мени дафъатан
Докторимиз — куюнчак Гаспар.
Боққин: мана, отяпман хандон,
Туймоқдаман ҳавонинг тотин.
Менга қайта нисор бўлди жон,
Қайтди тагин қувноқ ҳаётим.
Умрим бўйи сенга интилдим
Ва йўлларда адашдим кўп бор!..
Ёдингда тут: мунис синглингнинг
Исми — Суок, унутма зинҳор!
Тағин ҳаёт қучди танимни
Ва уйқуга чўмиб карахт, лол,—
Сенинг мен-чун йиглаганингни
Тушларимда кўролдим яққол!
Қара; пир-пир учар кипригим,
Кокилларим ўйнади такрор.
Ёдингда тут: навниҳол синглинг
Исми — Суок, унутма зинҳор!

— Суок,— дея оҳиста такрорлади Тутти.

Унинг кўзларига ғилт-гилт ёш келди, шунга кўра кўзлари иккита эмас, тўрттага ўхшаб кўринарди.

Қўғирчоқ қўшиғини айтиб бўлгач, тиззаларини букиб таъзим қилди. Бутун зал ҳайратга келиб, чуқур тин олди. Ҳамма ҳаракатга келиб бошларини irғита, томоқларини тақиллата бошлашди.

Дарҳақиқат, қўшиқ оҳанги ниҳоятда латофатли эди, гарчи бундай ёш хонанда учун бу қўшиқ бир қадар мунгли бўлса ҳам, лекин қизчанинг овози худди кумуш ёки биллур кекирдакдан чиқаётгандай жуда нафис жарангларди.

Шу чоқ дирижёрнинг:

— У мисоли фариштадек куйлади,— деган овози сукутга толган залда жаранглаб эшитилди.

— Фақат қўшиғи сал аломатроқ экан,— деди қандайдир мансабдор орденларини шиқиллатиб.

Шу билан танқид ҳам тугади. Залга Бақалоқлар кириб келишди. Шунча одамнинг бир ерга тўплангани уларга хуш ёқмаслиги мумкин эди. Шунинг учун, ҳам-

ма одамлар эшиклар томон отилишиб, тарқала бошлашди. Бу тўс-тўполонда ошпаз малина шарбати юқли панжаларини қандайдир гўзал хонимнинг елкасига муҳр қилиб босиб олди. Гўзал хоним чийиллаб юборган эди, жаги ясама эканлиги маълум бўлди, чунки ўша жағи оғзидан тушиб кетган эди. Хўппасемиз гвардия капитани мана шу чиройли жағни, бесўнақай ва қўпол этигининг пошнаси билан босиб мажақлаб юборди.

«Қарс-қурс» этган овоз эшитилди ва бу шов-шув қулоғига чалинган церемониймейстер[1] орқасига ўгирилди-да, койиниб қўйди.

— Бу қандай бемаънилик! Ҳаммаёққа ёнғоқ тўкишяпти! Оёқ остида қисирлаяпти!

Жагидан жудо бўлган гўзал хоним дод солиб чинқирмоқчи бўлди ва ҳатто бунинг учун қўлларини ҳам кўтарди, лекин минг афсуски, у жаги билан бирга овозидан ҳам айрилган эди. У фақат лабларини шапиллатиб аллақандай ноаниқ гапларни ямланиб айта олди, холос.

Бир минутдан кейин залда масъул кишилардан бўлак биронта ҳам ортиқча одам қолмаган эди.

Мана шунда Суок билан доктор Гаспарни Уч Бақалоққа таништирдилар.

Бақалоқларнинг кечаги воқеалардан безовта бўлганлари ҳеч сезилмасди. Улар ҳозиргина паркда навбатчи врач кузатувида копток ўйнаб қайтган эдилар. Бу ўйин тоза ҳаводан нафас олиш мақсадида уюштирилган эди. Ҳозир улар жуда чарчашган эди. Уларнинг тер босган юзлари йилтилларди. Кўйлаклари терлаган елкаларига ёпишиб қолган эди, уларнинг елкалари эса, шамол шиширган елканларга ўхшаб кетарди. Бақалоқлардан бирининг кўз ости кўкарган бўлиб, мўматалоқ бўлган ери хунук бир гул ёки чиройли қурбақа шаклида эди. Иккинчи Бақалоқ мана шу хунук гулга қўрқа-писа қараб-қараб қўярди.

«Анавининг кўз остини копток билан кўкартирган мана шу бўлса керак», деб ўйлади Суок.

Жабрланган Бақалоқ жаҳолат билан пишилларди. Доктор Гаспар паришон ҳолда жилмайиб турар эди.

---

[1] Церемониймейстер — подшоҳларнинг саройларида ўтказиладиган ҳар хил маросимларни бошқарувчи амалдор.

Бақалоқлар чурқ этмасдан қўғирчоқни кўздан кечирдилар. Валиаҳд Туттининг хушчақчақ қиёфаси Бақалоқларнинг ҳам кайфиятини чог қилди.

— Хўш-ш, — деди улардан бири,—доктор Гаспар Арнери сиз бўласизми?

Доктор таъзим қилди.

— Хўш, қалай қўғирчоқ?— деб сўради Иккинчи Бақалоқ.

— Жудаям ажойиб!— деб юборди Тутти.

Бақалоқлар уни ҳеч қачон бунақа яхши кайфиятда кўрмаган эдилар.

— Жуда соз! Қўғирчоқнинг кўриниши чинданам яхши...

Биринчи Бақалоқ кафти билан пешонасининг терини артди, жаҳл билан томоқ қириб қўйди ва деди:

— Доктор Гаспар, сиз бизнинг фармонимизни бажардингиз. Энди шу хизматингиз эвазига мукофот талаб қилишингиз мумкин.

Орага жимлик чўкди.

Бошига малла парик кийган жиккаккина котиб докторнинг талабини ёзишга шайланиб патқалам ушлаб турарди.

Доктор ўз илтимосини баён қила бошлади:

— Кеча Суд майдонида исёнчиларни қатл этиш учун ўнта қатл кундаси ўрнатишди...

— Уларни бугун қатл этишади,— деб докторнинг сўзини бўлди Бақалоқ.

— Мен ҳам айнан шуни назарда тутяпман. Менинг илтимосим бундай: ҳамма маҳбусларнинг жонини сақлаб, уларга эрк беришингизни сўрайман. Мен қатл мутлақо бекор қилинишини ва ўша қатл кундаларини ёндириб юборилишини илтимос қиламан...

Малла парикли котиб бундай илтимосни эшитиб, капалаги учиб кетганидан, қўлидаги патқаламини тушириб юборди. Учи жуда ўткир қилиб очилган патқалам Иккинчи Бақалоқнинг оёғига санчилса бўладими. У чинқириб юборди ва бир оёғида ҳаккалаганча турган ерида чирпирак бўлиб айлана бошлади. Кўзининг ости кўкарган Биринчи Бақалоқ ичиқоралик билан хахолаб кулди; унинг учун қасос олинган эди.

— Падарига лаънат!— деб бақирди Иккинчи Бақалоқ товонига санчилган патқаламни худди найзадек суғуриб оларкан.— Бу қандай бемаънилик! Бу

ахир жиноий илтимос-ку! Бундай нарсаларни талаб қилишга ҳаққингиз йўқ!

Малла парикли котиб қочиб кетди. У қочиб кета туриб туртиб юборган гулдон унинг орқасидан думалаб бораркан, худди портлаган бомбадек чил-чил бўлиб синди. Бўлди тўполон, бўлди тўполон... Бақалоқ оёғидан суғуриб олган патқаламни қочиб кетаётган котибнинг орқасидан отди. Лекин шундай семиз одамнинг яхши найза отувчи бўлиши мумкинмиди! Патқалам бориб соқчи бўлиб турган гвардиячининг орқасига санчилди. Лекин у ўзининг садоқатли аскар эканлигини намойиш қилиш учун, қимир этмай тураверди. То бу гвардиячининг навбатчилик муддати тугамагунча патқалам унинг нозик ерига санчилганча тураверди.

— Мен ўлимга ҳукм этилган барча ишчиларнинг озод қилинишини талаб қиламан. Мен қатл кундаларини ёндириб юборишни талаб қиламан,— деб такрорлади доктор паст овоз билан, аммо қатъий оҳангда.

Бунга жавобан Бақалоқлар бутун Қасрни бошларига кўтариб бақира бошладилар. Уларнинг бақириғини эшитган одам гўё кимдир шох синдиряпти, деб ўйлаши мумкин эди.

— Йўқ! Йўқ! Йўқ! Асло! Улар албатта қатл этилади!

— Ўлинг,— деб пичирлади шу чоқ доктор қўғирчоққа.

Суок бу гапга дарров тушунди. У яна оёқ учига турди, бир ингради-да, гандираклаб кетди. Унинг кўйлаги худди қўлга илинган капалакнинг қанотларидек елпина бошлади, боши «шилқ»этиб эгилди, у ҳозир йиқилиб тушиши мумкин эди.

Валиаҳд қўғирчоқ томонга ташланди.

— Оҳ! Оҳ!— деб қичқириб юборди у.

Суок яна ҳам маъюсроқ ингради.

— Мана,— деди доктор Гаспар,— кўряпсизми? Қўғирчоқ яна қайтадан жондан маҳрум бўлиши мумкин. Унинг ичига ўрнатилган мурувват жудаям нозик. У тамомила бузилиб қолиши мумкин, агар илтимосимни бажармайдиган бўлсанглар. Башарти валиаҳд жанобларининг қўғирчоғи ҳеч нарсага яроқсиз бир парча пушти ранг увадага айланиб қолса, ул зот хурсанд бўлмасалар керак, деб ўйлайман.

Бу гапни эшитган валиаҳднинг ғазаби қўзиб кетди. У худди фил боласидек ер депсина бошлади. У кўзларини чирт юмиб олиб, бошини сарак-сарак қиларди.

— Ҳеч ҳам! Эшитяпсизларми, ҳеч ҳам хоҳламайман!— деб чинқирарди у.— Докторнинг илтимосини ҳозироқ бажаринглар! Мен қўғирчогимни ҳеч кимга бермайман! Суок! Суок!— У ҳўнграб юборди.

Албатта, Бақалоқлар рози бўлишди. Буйруқ чиқарилди. Афв умумий[1] эълон қилинди. Шундан кейин бахтиёр доктор Гаспар уйига жўнаб кетди.

«Бир кеча-кундуз бошимни кўтармай ухлайман», деб ўйларди у йўлда кета туриб.

У шаҳарга кириб келиши билан Суд майдонидаги қатл кундаларининг ёндирилаётгани ва камбағалларни қатл этиш бекор қилинганидан бойларнинг қаттиқ норози эканлиги ҳақидаги миш-миш гапларни эшитди.

Шундай қилиб, Суок Уч Бақалоқ Қасрида қолган эди.

Тутти у билан бирга боққа чиқди.

Валиаҳд гулларни пайҳон қилиб бораркан, тиканли симга қоқилиб кетди, ҳатто ҳовузга тушиб кетишига сал қолди. Лекин у бугун шу қадар бахтиёр эдики, ҳеч нимани пайқамади.

«Наҳотки у менинг тирик қиз эканлигимни тушунмаётган бўлса?— деб ажабланарди Суок.— Лекин унинг ўрнида бўлганимда ҳеч ким мени бунақа лақиллата олмасди».

Нонушта олиб келишди. Суок пирожнийни кўрди-ю, умрида фақат бир марта, ўтган йили куз пайтида бир донагина пирожний еганини эслади. Ўшаниям кекса Август, пирожний эмас, пряник деб айтган эди. Валиаҳд Туттига олиб келинган пирожнийлар жудаям қойилмақом эди. Уларни гул деб ўйлаб, бир зумда ўнта асалари учиб келди.

«Вой, энди нима қилсам экан?— деб қийналарди Суок.— Ахир қўгирчоқлар овқат емайди-ку! Лекин қўғирчоқлар ҳам ҳар хил бўлади... Вой, бирам пирожний егим келяптики!»

Ахийри Суок ортиқ тоқат қила олмади.

— Менга ҳам бир бўлак...— деди у паст овоз билан ва шу заҳоти икки юзи лоладек қизариб кетди.

---

[1] Айбдорларнинг гуноҳидан кечиш. (Тарж.)

— Жудаям яхши-да!— деб суюниб кетди валиаҳд.— Илгарилари овқат ейишни хоҳламасдинг. Илгари ёлғиз ўзим нонушта қилганимда жудаям зерикардим. Иштаҳанг очилгани қандай яхши бўлди!

Шундан кейин, Суок бир бўлак пирожнийни еб юборди. Кейин яна битта, яна битта, яна битта еди. Шу чоқ Суок бирдан, валиаҳднинг овқатланишини узоқдан кузатиб турган хизматкорнинг ўзига қараб турганини, қарагандаям даҳшатли бақрайиб турганини пайқаб қолди.

Хизматкорнинг оғзи ланг очиқ эди.

Хизматкор ҳақ эди.

Чунки у қўғирчоқларнинг овқат еганини ҳеч қачон кўрмаган эди-да.

Суок қўрқиб кетди ва қўлига олган тўртинчи пирожнийни (бу энг ширин қумоқ-қумоқ ва майизли пирожний эди) тушириб юборди. Лекин, хайриятки, бу ҳол яхшилик билан тугади. Хизматкор кўзларини ишқалаб қуйиб оғзини юмди.

— Менга шундай туюлди чоғи. Ҳаво иссиқ.

Валиаҳд тинимсиз гапирар эди. Ниҳоят у гапиришдан чарчаб жим қолди.

Куннинг бу жазирама иссиқ пайтида ҳаммаёқ сув қуйгандек жимжит эди. Кечаги кучли шамол, чамаси, жуда олис-олисларга елиб кетган бўлса керак. Энди ҳамма нарса қилт этмай қолган эди. Ҳаттоки қушлар ҳам учишмасди.

Мана шу сукунат пайтида валиаҳд билан ёнма-ён майса устида ўтирган Суок худди пахтага ўраб ташланган соатнинг бир меъёрда чиқиллашига ўхшаган ноаниқ бир товуш эшитди. Фақат соат «чиқ-чиқ» деб юрса, бу овоз «дук-дук» қилиб эшитиларди.

— Бу нима?— деб сўради Суок.

— Нимани айтяпсан?— Валиаҳд қошларини чимирди, одатда катта ёшдаги одамлар ажабланган пайтларида шунақа қош чимирадилар.

— Ана «дук-дук» қиляпти-ку... соатми? Ёнингда соатинг борми?

Яна орага жимлик чўкди, яна бу жимлик пайтида бир ниманинг дук-дук ургани эшитилди. Суок бармоғини кўтарди. Валиаҳд қулоқ сола бошлади.

— Бу соат эмас,— деди у оҳиста.— Бу менинг темир юрагим уряпти...

# X Боб

## ҲАЙВОНОТ БОҒИ

Соат иккида валиаҳд Туттини синф хонасига чақиртиришди. Дарс пайти бошланган эди. Суок хонада ёлғиз қолди.

Суокнинг тирик қизча эканлигига ҳеч бирингиз шубҳа ҳам қилганингиз йўқ эди, албатта. Ҳар ҳолда, валиаҳд Туттининг ҳозир рақс муаллими Бир-икк-учснинг уйида ётган ҳақиқий қўғирчоги ҳам ўзини шу Суокчалик эркин тутган бўлса керак-да. Афтидан, у қўғирчоқни ниҳоятда моҳир уста ясаганга ўхшайди. Тўғри, у қўғирчоқ пирожний емас эди. Лекин, валиаҳд Тутти эҳтимол ҳақдир. Балки у қўғирчоқнинг, чинданам, иштаҳаси бўлмагандир.

Шундай қилиб, Суок ёлгиз қолди.

У жуда мушкул аҳволда эди.

Улкан Қаср, кишини адаштириб қўювчи йўлаклар, ровонлар, зиналар.

Қўрқинчли гвардиячилар, ранг-баранг парик кийган нотаниш бадқовоқ одамлар, сукунат ва ҳашамат.

Суокка ҳеч ким парво қилмас эди.

У валиаҳднинг ётоқхонасида дераза олдида турарди.

«Олдин режа тузиб олишим керак,— деб аҳд қилди у.— Қуролсоз Просперо қамалган темирқафас валиаҳд Туттининг ҳайвонот боғида турипти. Демак, мен шу ҳайвонот боғига бир амаллаб киришим керак».

Сизнинг хабарингиз бор, китобхон, валиаҳдга тирик болаларни кўрсатишмасди. Уни ҳеч қачон, ҳатто ҳаммаёги ёпиқ извошда ҳам шаҳарга олиб бормас эдилар. У Қасрда яшаб, шу ерда улғаяётган эди. Унга ҳар турли фанлардан сабоқ беришар, шафқатсиз подшолар ва лашкарбошилар ҳақидаги китобларни ўқиб берардилар. Унинг хизматида бўлган одамларга эса, жилмайиш ман этилган эди. Унинг ҳамма тарбиячилари ва ўқитувчилари лаблари қаттиқ юмилган ва ёноқ суяклари кесакдек гезариб кетган, бўйи дароз, чўпдек ориқ чоллар эди. Бундан ташқари, уларнинг ҳаммалари ошқозон касалига чалинган одамлар эди. Ошқозони овқат ҳазм қилолмайдиган одамларнинг авзойи қанчалик бадбуруш бўлишини ўзингиз яхши биласиз.

Валиаҳд Тутти ҳеч қачон шўх ва янгроқ кулги эшитмаган эди. Фақат аҳён-аҳёнда унинг қулоғига битта-яримта маст қассобнинг ёки ўзига ўхшаган хўппасемиз меҳмонлари билан маишат қилаётган Бақалоқнинг хахолагани эшитилиб қоларди. Лекин буни кулги деб ҳам бўлмас эди! Бу шундай даҳшатли ўкириш эдики, уни эшитган одам хурсанд бўлиш ўрнига қўрқиб кетарди.

Бу Қасрда фақат қўғирчоқ табассум қиларди. Лекин қўгирчоқнинг табассуми Бақалоқлар учун хавфли эмас эди. Ундан кейин, қўғирчоқ гапирмасди. У бари бир валиаҳд Туттига кўп нарсалар ҳақида гапириб бера олмасди ҳам, чунки Қаср атрофидаги парк ва темир кўприкларнинг бошларида барабан кўтариб турган соқчилар Қасрдан ташқаридаги ҳаётни Туттининг кўзидан яшириб турардилар. Шунинг учун ҳам у халқ ҳақида, қашшоқлик ҳақида, оч-яланғоч болалар ҳақида, фабрикалар, конлар, қамоқлар, деҳқонлар ҳақида, бойларнинг камбағалларга зулм қилиб уларни ишлатиб, уларнинг пешона терлари билан тайёрланган ҳамма нарсани ўзларига тортиб олишлари ҳақида ҳеч нима билмас эди.

Учта Бақалоқ валиаҳдни жоҳил, тошбағир қилиб тарбияламоқчи эдилар. Уни болалар билан ўйнашдан маҳрум қилишиб, унинг учун ҳайвонот боғи ташкил қилган эдилар.

«Яхшиси у ҳайвонларни томоша қилсин,— деган қарорга келишганди.— Мана битта ўлик, жонсиз қўғирчоғи бор, энди қутурган ҳайвонлари ҳам бўлади. У йўлбарсларни хом гўшт билан боқишаётганини, бўғма илон тирик қуённи ютаётганини кўриб кўзи пишисин. Ваҳший ҳайвонларнинг овозларини эшитсин, уларнинг қон қуйилган иблисона кўзларига тикилсин. Ана шунда у ҳам бешафқат одам бўлиб ўсади».

Лекин Бақалоқлар ўйлагандай бўлиб чиқмади.

Валиаҳд Тутти қунт билан ўқир, паҳлавонлар ва подшолар ҳақидаги даҳшатли солномаларни тинглар, тарбиячиларнинг ҳуснбузар босган бурунларига нафрат билан тикиларди-ю, лекин бари бир ҳеч шафқатсиз бўлмасди.

У ваҳший ҳайвонларни кузатишдан кўра, қўғирчоғи билан ўйнашни яхши кўрарди.

Сиз, ўн икки ёшли боланинг қўғирчоқ ўйнаши уят,

деб айтишингиз мумкин, албатта. Бу ёшдаги болаларнинг аксарияти йўлбарсларга ов қилишни афзал кўрган бўларди. Лекин бунинг бир сабаби борки, у сабаб вақт-соати етганда аён бўлади сизларга.

Ҳозир Суокка қайтайлик.

У то кеч киргунгача кутмоқчи бўлди. Тўғри-да, куппа-кундуз куни ёлғиз ўзи Қаср хоналарида тентираб юрган қўғирчоқ, одамларда шубҳа туғдириши мумкин эди.

Дарс тугагандан кейин Суок билан Тутти яна учрашишди.

— Биласанми,— деди Суок,— мен доктор Гаспарникида касал бўлиб ётганимда аломат бир туш кўрувдим. Тушимда мен тирик қизга айланиб қолганмишман... Гўё цирк артисткасимишман. Мен сайёр цирк аравасида бошқа артистлар билан яшармишман. Бу арава жойдан-жойга кўчиб юриб, ярмаркаларда, бозор майдонларида тўхтармиш-да, одамларга томоша кўрсатармиш. Мен дор устида юрармишман, рақс тушармишман, энг қийин акробатлик ўйинларни бажарармишман, пантомима томошаларида ҳар турли роллар ижро этармишман...

Суокнинг бу гапларидан ҳанг-манг бўлган валиаҳд кўзларини катта-катта очиб қулоқ соларди.

— Бизлар жудаям камбагал эканмиз. Овқат еган кунларимиздан емаган кунларимиз кўпроқ бўлган экан... Бизнинг каттакон бир оқ отимиз бор экан. Унинг оти Анра экан. Мен мана шу отнинг устидаги сариқ увада атлас билан қопланган кенг эгар устида туриб олиб, чопиб кетаётганида жонглёрлик қиларканман. Кейин отимиз ўлиб қолганмиш, нимага десанг, бир ой муттасил пулимиз бўлмаганидан отимизни дурустроқ боқа олмабмиз...

— Камбагал эдинглар?— деб сўради Тутти.— Мен тушуна олмаяпман. Нега энди сизлар камбағал эдинглар?

— Бизлар камбагал одамларга томоша кўрсатар эдик. Камбағал томошабинлар бизга энг майда чақалар ташларди, баъзи пайтларда бўлса, томоша кўрсатиб бўлганимиздан кейин шляпа тутиб одамларни айланиб чиқиб, ҳеч вақосиз қуруқ қайтар эдик.

Валиаҳд Тутти бу гапларга сира ҳам тушунмас эди.

Суок эса, то кеч кириб қош қорайгунча унга ҳар тўғрида гапириб ўтираверди. У одамларнинг қашшоқона аччиқ ҳаёти ҳақида, улкан шаҳар тўғрисида, Суокни калтакламоқчи бўлган аслзода кампир ҳақида, тирик болалар ҳақида, уларни ўз итларига қоптирмоқчи бўлган бойлар ҳақида, гимнаст Тибул билан қуролсоз Просперо ҳақида, ишчилар, кончилар, денгизчиларнинг бойлар ва Бақалоқлар ҳокимиятини ағдаришмоқчи бўлаётгани ҳақида сўзлаб берди.

У ҳаммадан ҳам цирк ҳақида кўпроқ гапирди. У бора-бора ҳикояга жудаям берилиб кетиб, кўрган тушини сўзлаб бераётганини ҳам унутиб қўйди.

— Мен Бризак амакининг сайёр томошахонасида жуда кўпдан бери яшайман. Мен рақс тушишни ҳам, от устида тик туриб юришни ҳам, трапецияда чир-чир айланишни ҳам чақалоқлик пайтимдан билсам керак. О, мен шунақанги антиқа нарсаларни ўрганганманки!— У кафтини кафтига урди.— Мана, масалан, ўтган якшанба куни бизлар Гаванда томоша кўрсатдик. Мен ўрик данакларида вальсга тушдим...

— Қанақасига ўрик данакларида?

— Ҳэ, сен билмайсан-а, ростдан! Наҳот сен ўрик данагидан қилинган ҳуштакни кўрмаган бўлсанг? Бу жудаям осон. Мен ўн иккита данакни йиғиб, улардан ҳуштак ясадим. Хуллас, то тешик пайдо бўлгунча уларни тошга ишқалайвердим...

— Қизиқ экан!

— Вальсни фақат ўн иккита данак билан эмас, бошқа нарса билан ҳам чалиш мумкин. Масалан, мен калит билан ҳам ҳуштак чалишни биламан...

— Калит билан! Қандай қилиб? Кўрсат. Менда бир ажойиб калит бор...

Валиаҳд Тутти шундай дея туриб, камзулининг ёқасини ечди ва бўйнига осилган ингичка занжирни олди, шу занжирга кичкинагина оқ калит осилган эди.

— Мана!

— Нега бу калитни кўкрагингда яшириб юрибсан?— деб сўради Суок.

— Менга бу калитни канцлер берди. Бу ҳайвонат боғимдаги қафаслардан бирининг калити.

— Нима, сен ҳамма қафасларнинг калитини ўзинг билан олиб юрасанми?

— Йўқ. Лекин фақат жудаям муҳим калит деб

айтишди менга. Буни мен жудаям эҳтиёт қилишим керак экан...

Суок валиаҳдга ўз санъатини намойиш қилди. У калитнинг тешик томонини чўччайган лабига олиб бориб, жуда хушоҳанг бир қўшиқнинг куйини чалди.

Валиаҳд шунақа хурсанд бўлиб кетдики, эҳтиётлаб асраш учун ўзига топширилган калитни ҳам унутиб юборди. Калит Суокда қолди. У эса, ўйлаб-нетиб ўтирмасдан калитни тўр ҳошияли пушти ранг кўйлагининг чўнтагига солиб қўйди.

Кеч кирди.

Қўғирчоқ учун валиаҳд Туттининг оромхонаси ёнидан махсус хона ҳозирлашди.

Валиаҳд Тутти бугун кечаси уйқусида алог-чалоғ туш кўрди: кулгили бурундор ниқобларни, сап-сариқ яланғоч елкасида силлиқ қилиб тарашланган каттакон харсангтош кўтариб кетаётган одамни ва бу одамни қора қамчи билан савалаётган бақалоқ одамни, картошка еб ўтирган жулдур кийимли болани ва оқ от миниб, ўн иккита ўрик данакли ҳуштакда қандайдир ёқимсиз вальс куйини чалиб кетаётган, кийимларининг ҳаммаёғига тўр қопланган аслзода кампирни ва ҳоказоларни кўрди.

Худди шу маҳал бутунлай бошқа жойда, бу жажжигина ётоқхонадан жуда олисда, Қаср паркининг бир бурчагида антиқа бир воқеа юз бераётган эди. Йўқ, сизлар, нима гап экан, деб ҳайрон бўлманглар, айтарли ҳеч нарса бўлгани йўқ. Хуллас, бу кеча антиқа туш кўрган фақат валиаҳд Тутти эмас эди. Айтмоқчиманки, валиаҳд Туттининг ҳайвонот боғи эшигида соқчилик қилиб туриб ухлаб қолган гвардиячининг туши ҳам диққатга сазовор эди.

У тоштўнка устида панжарага суяниб ўтирганча, ширин туш кўрарди. Ялпоқ ва ялтироқ ғилофга солинган қиличи тиззалари орасида. Тўппончасининг оғзи қора шоҳи шарфи тагидан мўралаб турарди. Шу ерда, шағал тўкилган йўлкада турган катак шишали фонус нури гвардиячининг этигини ва дарахт япроғидан тушиб, унинг енгидан ўрмалаб кетаётган капалак қуртини ёритиб турарди.

Ҳаммаёқ осойиштадек туюларди.

Шундай қилиб, соқчи ухлаб ўтирар ва уйқусида жуда аломат туш кўрарди. Тушида гўё унинг олдига

валиаҳд Туттининг қўғирчоғи яқинлашгандаймиш. У, эрталаб доктор Гаспар Арнери олиб келганида қандай бўлган бўлса, ҳозир ҳам ўшанақа эмиш: ўша пушти ранг кўйлак, ўша ленталар, ўша тўр уқалар, ялтироқ пистонлар. Фақат энди тушида, у қўғирчоқ тирик қизчага айланганмиш. У ҳар томонга олазарак бўлиб, бемалол ҳаракат қилиб юраётганмиш, баъзан оёқ учида юриб, бирон шарпадан чўчиб кетган пайтида бармоғини лабига босармиш.

Фонус унинг жажжигина гавдасини бошдан-оёқ ёритаётганмиш.

Гвардиячи соқчи ҳатто уйқусираб жилмайибди ҳам.

Кейин у хўрсиниб қўйиб, панжарага суяниб яхшироқ жойлашиб ўтирипти-да, панжара жимжимасидаги темир гулга тумшуғини суқибди.

Суок бўлса соқчининг ухлаб ўтирганини кўриб, фонусни қўлига олганмиш-да, оёқ учида эҳтиётлик билан ичкарига кириб кетганмиш.

Гвардиячи хуррак отарди, аммо уйқусида бу хуррак овози унга гўё ҳайвонот боғидаги йўлбарсларнинг ўкиригидай туюлаётган эди.

Аслида эса, ҳайвонот боги жимжит эди. Ҳайвонлар ухлаб ётишарди.

Фонус озгина жойни ёритарди. Суок қоронғиликда эҳтиёткорона оҳиста юриб борарди. Унинг бахтига, тун унчалик қоронғи эмас эди. Осмондаги юлдузлар ва паркнинг ҳар ер-ҳар ерига осилган фонусларнинг дарахт шохлари орасидан тушиб турган шуъласи бу хилватгоҳни ёритиб турарди.

Қизча дарвозадан киргач, қандайдир оппоқ гуллар билан бурканган паст бўйли буталар орасидан, калта хиёбон бўйлаб юриб борди.

Кейин бирдан унинг димогига ҳайвонлар ҳиди кирди. Бу ҳам қизга таниш эди: бир вақтлар уларнинг сайёр томошахонасига учта шер ва битта Ульм доги[1]-ни ўргатган бир одам қўшилиб, томоша кўрсатиб юрган эди.

Суок бир ялангликка чиқди. Теварак-атрофда бир

---

[1] Ульм — Австриядаги шаҳарнинг номи, дог — тумшуғи пучуқ кучук.

нималар қорайиб кўринар, гўё кичкинагина уйчалар тизилишиб тургандай эди.

— Қафаслар,— деди пичирлаб Суок.

Унинг юраги дук-дук ура бошлади.

У ҳайвонлардан қўрқмас эди, чунки цирк артистлари, умуман довюрак бўлишади. У фақат ўз шарпаси ва фонусининг шуъласи билан биронта ҳайвонни уйғотиб юборишдан, кейин у ўкириб, соқчини уйғотиб қўйишдан қўрқарди.

Суок қафасларга яқин борди.

«Просперо қаерда экан?» — деб ҳаяжонланарди у. У фонусни баланд кўтариб, қафасларнинг ичига тикиларди. Ҳаммаёқ жимжит, қилт этган жонзод кўринмасди. Фонус шуъласи қафас чизиқлари орасидан бўлак-бўлак бўлиб ўтиб, ичкарида ухлаб ётган ҳайвонларнинг танасини қинғир-қийшиқ ёритарди.

Суок ҳайвонларнинг сертук, гўштдор қулоқларини, баъзан олдинга чўзилган панжаларини баъзан олачипор елкаларини кўрарди. Бургутлар қанотларини йиғиб ухлардилар, шунинг учун ҳам улар қадимги гербларга ўхшаб кетишади. Айрим қафасларнинг ичида номаълум баҳайбат махлуқларнинг қораси кўринарди.

Ингичка кумуш хивичдан тўқилган қафасда, турли баландликдаги қўноқларда тўтиқушлар қўниб ўтирардилар. Суок мана шу қафас олдида тўхтаганида, унинг назарида, қафас деворига энг яқин ўтирган тўтининг бири, узун қизил соқолли қари тўтиқуш, бир кўзини очиб, Суокка қараб қўйгандай бўлиб туюлди. Унинг кўзи пишган лимоннинг уругига ўхшарди.

Бу ҳам етмагандай у шу кўзини дарров юмиб олиб, ўзини ухлаганга солиб тураверди. Айни пайтда, у Суокнинг кўзига қизил соқоли орасидан кўз қисиб, жилмайиб қўйгандек туюлди.

«Мен ўзим тентакман», деб ўзига-ўзи таскин берди Суок. Лекин бари бир, унинг юрагига ғулғула тушган эди.

Дам ўтмай гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда алланималар шақиллар, қисирлар, чийилларди.

Сиз тунда отхонага ёки товуқхонага бир кириб кўринг: у ерда ҳукм сурган сукунатдан ҳайратга келасиз, шу билан бирга жуда ҳар хил майда-чуйда овозларни — гоҳ қанот қоқилганини, гоҳ кавшанишни, гоҳ

қўноқнинг ғижирлаганини, гоҳ уйқудаги қуш томоғидан чиққан ингичка чийилдоқ овозни эшитасиз.

«Просперо қаердайкин?— деб ўйлади Суок яна, энди у қаттиқ ҳаяжонда эди.— Борди-ю, уни бугун қатл қилиб бўлишган ва энди қафасга анави бургутни қўйиб қўйган бўлишса-я?»

Худди шу маҳал қоронғиликдан кимнингдир:

— Суок!— деган хирқироқ овози эшитилди.

Шу заҳотиёқ қизча кимнингдир ҳансираб нафас олаётганини, яна худди каттакон ҳаста кўппакнинг инграганига ўхшаб кетувчи қандайдир товушларни эшитди.

— Вой!— деб чинқириб юборди Суок.

У фонусни овоз келган томонга тутди. У ерда қизғиш чўғ ёниб турарди. Бир баҳайбат қора махлуқ худди айиққа ўхшаб, қафас панжарасидан ушлаб бошини шу панжарага қўйиб турарди.

— Просперо!— деб чақирди Суок паст овоз билан.

Кейин шу бир зумнинг ўзида миясидан бир гала хаёллар лип-лип этиб ўтди.

«Нега у бунчалик қўрқинчли? Айиққа ўхшаб, унинг ҳаммаёғини тук қоплаб кетипти. Кўзларидан қизил учқун чақнаяпти. Тирноқлари узун, қайилиб кетган. Эгнида кийими йўқ. Бу одам эмас, горилла».

Суок аламидан йиғлаб юборай деди.

— Сени кўрар кун ҳам бор экан-ку, Суок,— деди нотаниш махлуқ.— Сенинг келишингни билардим.

— Салом. Мен сизни озод қилгани келдим,— деди Суок титроқ овоз билан.

— Мен қафасдан чиқмайман. Бугун ҳаром қотаман.

Шундан кейин яна мудҳиш ингроқ эшитилди. Махлуқ йиқилди, кейин ўрнидан туриб, яна қафас панжарасига ёпишди.

— Яқинроқ кел, Суок.

Суок яқин борди. Унга бир бадбашара махлуқ тикилиб турарди. Одам башараси эмас эди бу, албатта. У кўпроқ бўрининг тумшуғига ўхшаб кетарди. Энг қўрқинчли томони шунда, эдики, бу бўрининг қулоқлари гарчи тикандек қаттиқ калта тук билан қопланган бўлса ҳам, одам қулоғига ўхшарди.

Суок кафти билан юзини беркитмоқчи бўлди. Фо-

нус унинг қўлида чайқалиб турганидан, унинг сарғиш шуъласи ҳар томонга лип-лип учарди.

— Сен мендан қўрқяпсан, Суок... Мен одамийлик қиёфамни йўқотиб қўйдим. Қўрқма! Берироқ кел... Сен бўйинг чўзилиб, бир оз озибсан. Жуда хомуш кўринасан...

У қийналиб-қийналиб гапирарди. У тобора ерга чўкиб, ниҳоят қафас ичига чўзилиб ётиб қолди. У оғзини катта очиб ва узун-узун сариқ тишларини иршайтириб, ҳансираб нафас оларди.

— Мен ҳозир ўламан. Ўлимим олдидан сени кўришимга ишонган эдим.

У ўзининг маймунникига ўхшаган юнгдор қўлини чўзди. У қоронғида бир нимани қидираётган эди. Худди мих суғуриб олинаётгандек овоз эшитилди, шундан кейин ўша мудҳиш қўл қафас панжараси орасидан ташқарига чўзилди.

Қўлда кичкинагина бир тахтача бор эди.

— Мана буни ол. Ҳаммаси шу ерга ёзилган.

Суок тахтачани қўйнига яширди.

— Просперо,— деди у оҳиста.

Жавоб бўлмади.

Суок фонусни яқинроқ олиб бориб тутди. Махлуқнинг тишлари иршайиб мангу қотиб қолган эди. Унинг нурсиз кўзлари Суок оша аллақаёқларга тикиларди.

— Просперо!— деб чинқириб юборди Суок фонусни қўлидан тушириб юбораркан.— У ўлди! Просперо ўлди! Просперо!

Фонус ўчиб қолди.

# ТЎРТИНЧИ ҚИСМ

# Қуролсоз Просперо

## XI Боб

## ШИРАПАЗХОНАНИНГ ВАЙРОН ҚИЛИНИШИ

Ҳайвонот боги дарвозаси олдида соқчилик қилиб мудраб ўтирган гвардиячи билан биз танишган эдик. Суок унинг катак шишали фонусини ўғирлаб, ҳайвонот боғига кирган ва бу ерда кўтарилган ғавғо ниҳоят ўша гвардиячини уйғотиб юборган эди.

Ҳайвонлар ириллашар, увиллашар, чийиллашарди; қуш қанотларининг патиллагани, шер ва йўлбарс думларининг тёмир панжарага худди қамчиндек «шарт-шарт» урилгани эшитиларди.

Гвардиячи чакакларини қаттиқ қисирлатиб эснади, қўлларини кенг ёйиб керишган эди, мушти бориб темир панжарага урилиб, зирқираб оғриди, шундан кейин у бутунлай уйғонди.

Уйғониб, ҳушёр тортди-ю, дик этиб ўрнидан туриб кетди. Фонуси йўқ эди. Сокин осмонда юлдузлар милтиллаб турарди. Ясминнинг хушбўй ҳиди димоққа уриларди.

— Падарига лаънат!

Гвардиячи шунақанги жаҳл билан тупурдики, тупуги ўқдек учиб бориб ясмин гулининг бандини узиб юборди.

Ҳайвонлар концерти авжга чиқаётган эди.

Гвардиячи тревога кўтарди. Бир минут ичида машъала кўтарган одамлар етиб келишди. Машъалалар шитирлаб ёнарди. Гвардиячилар сўкинишарди. Кимдир қилич ғилофига қоқилиб йиқилиб тушди ва бурни кимнингдир шпорига бориб тегиб жароҳатланди.

— Фонусимни ўғирлаб кетишди!

— Ҳайвонот богига биров кирганга ўхшайди!

— Ўғри бўлса керак!

— Исёнчилар!

Бурни лат еган гвардиячи ҳам, шпори қийшайиб кетган гвардиячи ҳам, шунингдек, қолганлар ҳам тунги зулматни қўлларидаги машъалалар билан ёритиб, ҳайвонот богига кирган номаълум душман сари йўл олдилар.

Лекин улар ҳайвонот боғида ҳеч қандай шубҳали нарсани кўрмадилар.

Йўлбарслар қип-қизил сассиқ оғизларини катта-катта очиб ўкиришарди. Шерлар қаттиқ безовта бўлишиб қафас ичида уёқдан-буёққа юриб, танда қўяр эдилар. Тўтиқушлар тўс-тўполон кўтаришган, уларнинг қафас ичида чир-чир айланишганини кўрган одам ранг-баранг от ўйинга ўхшатарди. Маймунлар арғимчоқ учишади. Айиқлар бўлса, чиройли дўрилдоқ овоз билан қўшиқ айтишарди.

Ҳайвонот боғига машъала кўтариб кирган одамлар бу ер аҳолисини яна бешбадтар ҳуркитиб безовта қилиб юборди.

Гвардиячилар ҳамма қафасларни бир-бир кўздан кечириб чиқдилар.

Ҳамма нарса жойида эди.

Улар ҳатто Суок тушириб қолдирган фонусни ҳам кўрмадилар.

Шу пайт бирдан бояги жароҳатланган гвардиячи:

— Тўхтанглар!— деб юборди ва қўлидаги машъалани баланд кўтарди.

Ҳамма тепага қаради. У ерда дарахтнинг қуюқ шохларидан бошқа ҳеч нима кўринмади. Япроқлар қилт этмасди. Тун сокин эди.

— Кўряпсизларми?— деб дағдаға билан сўради гвардиячи қўлидаги машъалани силкиб.

— Ҳа. Пушти ранг бир нима турипти...

— Кичкинагина...

— Қўниб ўтирипти...

— Аҳмоқлар! Шуниям билмайсизларми? Бу тўтиқуш. У қафасдан учиб чиқиб, шу дарахтга келиб қўнган, жин урсин!

Шовқин кўтарган ҳалиги гвардиячи соқчи хижолат бўлиб, чурқ этмай турарди.

— Уни дарахтдан олиш керак. Ҳамма ҳайвонларни бесаранжом қилган шу бўлиши керак.

— Тўғри. Қани, чиқ, Вурм. Ичимизда энг ёши сенсан.

Вурм деган гвардиячи дарахт тагига борди. У иккиланарди.

— Чиқ, уни соқолидан тутамлаб олиб туш.

Тўти қимир этмай ўтирарди. Унинг патлари, машъалалар билан ёритилган қуюқ япроқлар орасидан пушти рангда кўринарди.

Вурм шляпасини пешонасиға суриб, энсасини қашлади.

— Қўрқаман. Тўтиқушлар жуда оғритиб чўқийди.

— Аҳмоқ!

Ҳар нечук Вурм дарахтга тирмашиб чиқа бошлади. Лекин у дарахтнинг ярмига чиққанида бир зум таққа тўхтади-ю, кейин пастга сирганиб қайтиб тушди.

— Ўлсамам чиқмайман,— деди у.— Бу менинг ишим эмас. Мен тўтилар билан жанг қилишни билмайман.

Шу пайт кекса бир одамнинг жаҳлдор овози эшитилди. Бир одам шиппагини судраб босиб, гвардиячилар тўпланиб турган ерга шоша-пиша келаётган эди.

— Тегманглар унга!— деб қичқирди у.— Безовта қилманглар уни!

Бу чинқирган одам ҳайвонот боғининг бош нозири бўлиб чиқди. У зоология соҳасида катта олим ва мутахассис эди, яъни ҳайвонлар тўғрисида ҳамма нарсани мукаммал биларди.

У шовқин-сурондан уйғониб кетибди.

Нозир шу ерда, ҳайвонот боғининг ўзида яшарди. шунинг учун, қандай кийимда ухлаб ётган бўлса, ўша кийимда, ҳатто тунги қалпоғини ҳам ечмасдан, бурни учига ёпишган каттакон ялтироқ қандалани ҳам писанд қилмай югуриб келган эди.

У қаттиқ ҳаяжонда эди. Бўлмасам-чи: қандайдир солдатлар унинг ишига аралашмоқчи бўлишса, қандайдир бир галварс унинг тўтиқушини соқолидан тутамламоқчи бўлса, бу нима деган гап!

Гвардиячилар унга йўл бердилар.

Зоолог бошини кўтариб қаради. У ҳам япроқлар орасида қандайдир пушти ранг жонворни кўрди.

— Ҳа,— деди у.— Бу тўтиқуш. Бу менинг энг яхши тўтиқушим. У доим шунақа инжиқлик қилганиқилган. Ҳеч қафасда ўтира олмайди. Бу Лаура... Лаура! Лаура!— деб у чийилдоқ овоз билан тўтини

чақира бошлади.— У ширин сўзни яхши кўради. Лаура! Лаура! Лаура!

Гвардиячилар пиқиллаб кулиб юборишди. Умуман, эгнига гулдор халат, оёғига тунги шиппак кийган, осмонга қараган бошидаги тунги қалпоғининг попуги этагигача тушиб турган бу жиккаккина чол, ҳайбатли гвардиячилар қуршовида, ловиллаб ёнаётган машъалалар ёруғида ғаройиб кўринарди. Айниқса ҳайвонларнинг шовқин-сурони бу аломат манзарага ажиб бир руҳ бахш этарди.

Кейин энг кулгили ҳодиса содир бўлди. Зоолог дарахтга тирмашиб чиқа бошлади. Бу ишни у анча моҳирлик билан бажарди — чамаси, илгари ҳам дарахтга чиқиш билан кўп шуғулланган бўлса керак. Бир, икки, уч! Унинг халати этагидан қалами лозим кийган оёғи бир неча марта лип-лип этиб кўринди, ниҳоят муҳтарам қария тармаша-тармаша тўти турган шоҳга яқин, аммо хатарли саёҳатининг ниҳоясига етиб олди.

— Лаура!— яна мулойимлик билан хушомад қилиб чақирди.

Шунда бирдан унинг жонҳолатда чинқиргани бутун ҳайвонот боғи-ю, паркни тутиб кетди, чинқириги камида бир километр атрофга эшитилди.

— Шайтон!— деб чинқириб юборган эди у.

Чамаси, дарахт шохида тўтиқуш эмас, бошқа бирон махлуқ ўтирган эди.

Гвардиячилар ўзларини дарахт тагидан нари олиб қочдилар. Зоолог пастга шўнғиб туша бошлади. Лекин тасодиф, яъни калта бўлса ҳам, анча бақувват бир бутоқ, уни ўлимдан асраб қолди. Зоолог шу бутоққа халатидан илиниб осилиб қолди.

О, агар ҳозир ўзга олимлар бу муҳтарам ҳамкасбларини мана шу аянчли аҳволда кўришса борми, унинг ялтироқ боши ва ақл-заковати ҳурмати, дарров юзларини тескари бурган бўлардилар! Унинг халати жудаям беўхшов ҳолда тепага кўтарилган эди-да. Гвардиячилар тирақайлаб қоча бошладилар. Машъалаларнинг алангаси шамолда ҳилпираб борарди. Бу манзарани четдан кузатиб турган одам, олов ёлли қора отлар қоронғида югуриб кетяпти, деб ўйлаши мумкин эди.

Ҳайвонот боғида кўтарилган тўс-тўполон ниҳоят

тинди. Лекин зоолог ҳануз дарахт шохида қимир этмай осилиб турарди. Энди бу пайт қасрда ҳам алговдалғов кўтарилган эди.

Чунки сирли тўтиқушнинғ дарахт шохида пайдо бўлишидан чорак соат бурун Уч Бақалоққа шаҳардан кўнгилсиз хабарлар етиб келган эди:

«Шаҳарда тартибсизлик. Ишчилар тўппонча ва милтиқлар билан қуролланишган. Ишчилар гвардиячиларга қарата ўқ отишмоқда, улар ҳамма бақалоқларни сувга улоқтирмоқдалар».

«Гимнаст Тибул озодликда, у шаҳар чеккасида яшовчи аҳолининг ҳаммасини бир қўшин қилиб тўплаяпти».

«Кўпчилик гвардиячилар Уч Бақалоққа хизмат қилишдан воз кечишиб, ишчилар томонига ўтиб кетдилар».

«Фабрикаларнинг трубаларидан тутун чиқмай қўйди. Машиналар тўхтаган. Кончилар ер остига тушиб бойлар учун кўмир қазишдан бош тортишяпти».

«Теварак-атрофдаги деҳқонлар ер-мулк эгалари билан жанг қилмоқдалар».

Министрлар мана шунақа хабарлар олиб келишган эди Уч Бақалоққа.

Одатда, Уч Бақалоқ ҳаяжонланган пайтларида семира бошлардилар. Мана ҳозир ҳам Давлат кенгаши аъзолари кўзи олдида, бир зумда, ҳар қайси Бақалоқ чорак қадоқдан семирди.

— Мен чидолмайман!— деб зорланарди Бақалоқлардан бири.— Мен ортиқ чидай олмайман... Тоқатим тоқ бўлди... Оҳ, вой! Илгак тугма бўйнимга ботиб кетяпти...

Шу маҳал унинг ялтироқ ёқаси «тар» этиб йиртилиб кетди.

— Семириб кетяпман,— деб инграрди Иккинчи Бақалоқ.— Мени қутқаринглар!

Учинчиси бўлса, ўзининг дўмпайиб бораётган қорнига маъюс тикилиб турарди.

Шундай қилиб, бугун Давлат кенгаши олдида иккита масала турарди: биринчидан, зудлик билан семиришни тўхтатиш учун бирон восита ўйлаб топиш керак эди, иккинчидан, шаҳардаги тартибсизликни дарҳол бостириш лозим эди.

Биринчи масала юзасидан шундай қарор қабул қилдилар:

— Рақс тушиш керак!

— Рақс! Рақс! Ҳа, албатта рақс тушиш керак! Энг яхши чора шу.

— Фурсатни ўтказмай, дарҳол рақс муаллими таклиф қилинсин. У Учта Бақалоққа балет санъатидан сабоқ берсин.

— Ҳа,— ёлворувчи оҳангда деди Биринчи Бақалоқ,— лекин...

Худди мана шу пайтда ҳайвонот боғи томондан муҳтарам зоологнинг чинқирган овози эшитилди — эсингизда бўлса, у ўзининг Лаура исмли энг яхши кўрган тўтиқушини олиб тушиш учун дарахтга тирмашиб чиққан, аммо у ерда Лаура эмас шайтон ўтирганини кўриб, чинқириб юборган эди.

Ҳукуматнинг барча аъзолари паркдаги хиёбонлар орқали ҳайвонот боғи томон отилдилар.

— Уф! Уф! Уф! — деб ҳансираган овозлар эшитиларди паркдан.

Қанотларида қора ҳошияси бўлган зарғалдоқранглн энг чиройли капалакларнинг ўттиз оиласи бу тўстўполондан чўчиб паркдан учиб кетди.

Паркда сон-саноқсиз машъалалар пайдо бўлди. Энди паркни худди атрофга қатрон ҳидини таратиб ловиллаб ёнаётган бутун бир ўрмонга ўхшатса бўларди. Бу ёнаётган ўрмон дарёдек ёйилиб борарди.

Ҳайвонот боғига атиги ўн қадамча қолганда, чопиб бораётган ҳамма одамлар бирдан оёқлари шол бўлиб қолгандай, таққа тўхтаб қолишди. Лекин шу заҳотиёқ улар бир варакайига дод солишиб, чийиллашиб, бирбирини босиб янчганча, нажот истаб орқага қараб қоча бошлашди. Машъалалар ерларда ётарди, аланга бир-бирига туташиб, ҳаммаёққа ёйилди, қора тутун тўлқин-тўлқин бўлиб ҳарёққа эсиб кетди.

— О!

— А!

— Қочинглар!

Одамларнинг шовқин-сурони бутун паркни ларзага келтирарди. Саросимага тушиб ҳарёққа қочаётган одамларни машъалаларнинг алвонранг шуъласи ёритар, бу шуъла тобора кенгроқ ёйилиб борарди.

Худди шу пайт қаршидаги ҳайвонот боғининг те-

мир панжараси ичидан алпқомат бир одам хотиржам ва дадил қадам ташлаб, чиқиб кела бошлади.

Малла соч, кўзларидан ўт чақновчи, камзули дабдала бўлиб йиртилган бу одам машъалалар ёруғида гўё мудҳиш бир шарпадек кўриниб, яқинлашиб келарди. У бир қўли билан қўрқинчли бир қоплонни етаклаб келарди; қоплоннинг бўйнига ярим қулоч келадиган занжирдан бўйинбоғ солинган эди. Бу хипчадан келган малларанг ҳайвон даҳшатли бўйин боғдан қутулиш учун нуқул чиранар, сакрар, ириллар, ўзини ҳарёққа отар ва рицарларнинг тугларидаги шар расмига ўхшаб, қип-қизил узун тилини гоҳ чиқарар, гоҳ ичига тортиб оларди.

Қўрқиб қочиб кетаётганлар орасида орқага ўгирилиб қарашга юраги дов берган одамлар, бу одамнинг иккинчи қўлида ялтироқ пушти ранг кўйлак кийган бир қизча борлигини кўрган эдилар. Қизча даҳшат солиб қутураётган қоплонга қўрқа-писа қарар, заррин гулли туфли кийган оёқларини букиб, ўзини кўтариб олган одамнинг бўйнидан маҳкам қучоқлаган эди.

— Просперо!— деб дод солишарди қочиб кетаётган одамлар.

— Просперо! Бу Просперо-ку!

— Қочиб қол!

— Қўғирчоқ!

— Қўғирчоқ!

Ана шунда Просперо ўзи етаклаб келаётган ҳайвонни қўйиб юборди.

Қоплон думини ҳар томонга силкиб, қочиб кетаётган одамларни катта-катта қадам ташлаб, сакраб-сакраб қувиб кетди.

Суок қуролсознинг қўлидан сакраб тушди. Бу ғалаговурда жуда кўп тўппончалар ўтлоққа отиб юборилган эди. Суок ердан учта тўппончани олди. Иккитасини Просперога берди, биттасини ўзига олиб қолди. Тўппонча қизчанинг деярли белидан келарди. Лекин Суок бу ялтироқ қора буюмдан қандай фойдаланишни яхши биларди: у циркда тўппонча отишни ўрганиб олган эди.

— Кетдик!— деди қуролсоз.

Парк ичида нималар бўлаётгани уларни қизиқтирмасди. Улар қоплоннинг бундан кейинги саргузашти нима билан якунланишини ҳам ўйламадилар.

Энг муҳими, чиқиб кетадиган йўлни топиш ва бу тузоқдан тезроқ қутулиш керак эди.

Тибул айтган ўша нажотбахш кастрюль қаерда экан? Шарфурушни қутқарган ўша сирли кастрюль қаерда экан?

— Ошхонада! Ошхонада!— деб чинқирди Суок, тўппончани силкиганча чопқиллаб бораркан.

Улар зим-зиё қоронғида буталар орасини ёриб, мудроқ қушларни безовта қилиб чопиб борардилар. О, Суокнинг ажойиб кўйлаги бутунлай дабдала бўлган эди.

— Ширин нарсанинг ҳиди келяпти,— деб юборди бирдан Суок, у чироқ билан ёритилган қандайдир деразалар тагида тўхтаган эди.

Кейин у Проспeронинг диққатини жалб қилиш учун, циркдаги одати бўйича бармоғини эмас, бу гал қўлидаги қора тўппончани кўтарди.

Уларни таъқиб қилиб келаётган гвардиячилар бу ерга етиб келишганида Просперо билан Суок аллақачон дарахтга чиқиб олишган эди. Кейин улар дарахтнинг тарвақайлаб кетган шохидан юриб бориб, бир зумда ошхонанинг энг катта деразасига ҳатлаб ўтиб олдилар.

Кеча шарфуруш учиб кирган дераза шу эди.

Демак, бу ширапазликнинг деразаси эди.

Вақт алламаҳал бўлганига ҳам, ҳаммаёқ алғов-далғов эканлигига ҳам қарамай, бу ерда иш қайнарди. Ҳамма шакарпазлар оқ қалпоқ кийган шум шогирд болалар терлаб-пишиб ишлашарди; улар валиаҳд Туттининг қўғирчоғи сог-саломат қайтгани шарафига бериладиган эртанги зиёфат учун қандайдир махсус компот тайёрлар эдилар. Бу сафар энди торт тайёрламасликка қарор қилишган эди, чунки тағин биронта меҳмон деразадан учиб кириб, ҳам француз кремини, ҳам антиқа цукатларни расво қилиб-нетиб юрмасин, деб қўрқишган эди.

Хонанинг қоқ ўртасида каттакон тоғора турарди. Унда сув қайнарди. Сувдан кўтарилган оппоқ буг бутун хонани тутиб кетган эди. Шу буг пардасига бурканган шогирд болалар роса куйиб-пишиб ишлашар, компот учун ҳар хил ҳўл мева тўғрашарди.

Демак... Лекин шу чоқ пазандалар бутун ошхонани буркаб олган қуюқ буғ орасида қўрқинчли бир воқеа бўлаётганини билиб қолдилар.

Деразанинг нарёгида дарахт шохлари силкинди, худди бўрон олдидан бўлгандай, япроқлар шитирлай бошлади-ю, бирдан деразада икки одам: малласоч дароз киши билан бир қизча пайдо бўлди.

— Қўлларингни кўтар!— деди Просперо, унинг ҳар қўлида биттадан тўппонча бор эди.

— Жойларингдан қимирламанглар! — баралла қичқирди Суок тўппончасини ўқталиб.

Оқ фартук кийган йигирмадан ортиқ кишининг қўли шу заҳотиёқ юқорига кўтарилди.

Кейин кастрюллар ҳарёққа уча бошлади.

Ширапазликдаги барча ялтироқ шиша, мис идишлаб вайрон қилина бошланди, қайноқ, ширин, хушбўй таомлар тўкила бошлади.

Қуролсоз ўша керакли кастрюлни қидирарди. Чунки Просперонинг ҳам, уни ўлимдан қутқарган кичкина қизчанинг ҳам нажот йўли ўша кастрюлда эди.

Просперо банкаларни ағдариб ташлар, товаларни, воронка-ю, тарелка ва идишларни улоқтирарди. Ҳар томонга улоқтирилган шиша идишлар чил-чил синарди; тўкилган ун худди Саҳрои Кабирда кўтарилган иссиқ қуюндек шипга кўтариларди; мағиз ва гилослар ҳам ҳарёққа сочиларди; токчаларга қўйилган идишлардаги шакар худди шалоладек шовуллаб тўкила бошлади; сироплар тошқини салкам бир метрга кўтарилди; ҳаммаёққа сув тизиллаб отилар, мевалар думалар, минорага ўхшатиб устма-уст қўйилган мис кастрюллар қуларди. Ҳамма нарса остин-устин бўлиб кетди. Баъзида ухлаб ётганингда тушингга шунақа аломат нарсалар киради, уни туш эканлигини билсан, шунинг учун ҳам, бундай пайтда хоҳлаган нарсангни қилишинг мумкин бўлади.

— Топдим!— чинқириб юборди Суок.— Мана у!

Қидирган кастрюллари топилган эди. Мана, ўша кастрюлнинг қопқоғи! Қизча уни олиб отганди, айқаш-уйқаш бўлиб ётган нарсалар устига чирпирак бўлиб учиб бориб қизил, яшил, сариқ рангдаги қуюқ сироплар омихтасидан вужудга келган кўлмакка шалоплаб тушди.

Просперо кастрюль ичига қараган эди, унинг таги йўқ экан.

— Қочинг!— деб чинқирди Суок.— Мен орқангиздан тушаман.

Қуролсоз кастрюль ичига тушди. У кастрюль ичига тушиб кўздан ғойиб бўлиши билан, бирдан қулогига ширапазликдаги одамларнинг дод-фарёди эшитилди.

Суок кастрюлга тушишга улгиролмади. Бутун парк ва Қасрга даҳшат солиб кезиб чиққан қоплон энди бу ерда пайдо бўлган эди. Унинг баданидаги гвардиячилар отган ўқларнинг изи худди очилган гулларга ўхшаб кетарди.

Қандолатпазлару ошпазларнинг ҳаммаси бир бурчакка тиқилиб олишди. Суок қўлида тўппонча борлигини унутиб, югуриб келаётган қоплонга қарата қўлига илинган бир нокни отди.

Ҳайвон Просперо орқасидан қувиб боши билан кастрюлга шўнгиди-ю, зим-зиё ва тор йўлакдан пастга тушиб кетди. Кастрюлдан унинг фақат сариқ думи чиқиб турарди,— у қудуққа туширилган челакнинг арқонига ўхшарди. Кейин дум ҳам кўринмай қолди.

Суок қўллари билан кўзини беркитиб олди.

— Просперо! Просперо!

Қандолатпазлар эса, заҳарханда қилиб кулишди. Шу маҳал бу ерга гвардиячилар ҳам бостириб киришди. Уларнинг мундирлари йиртилган, юз-кўзлари қон, тўппончалари оғзидан тутун чиқиб турар эди. Улар қоплон билан олишган эдилар.

— Просперо ўлди энди! Қоплон уни тилка-тилка қилиб ташлайди! Шунақа экан, энди менга бари бир. Мен таслим бўламан.

Суок каттакон тўппонча ушлаган жажжигина қўлини тушириб хотиржам гапирарди.

Лекин шу маҳал гумбурлаган ўқ овози эшитилди. Ер ости йўлагидан қочиб кетаётган Просперо ўзига ҳамла қилган қоплонни отган эди.

Гвардиячилар кастрюль тепасида уймаланишарди.

Гвардиячилардан бири кастрюль ичига мўралади. Кейин қўлини тиқиб бир нимани торта бошлади. Яна иккита гвардиячи унга ёрдамга келди. Улар кучана-кучана кастрюль ичида тиқилиб қолган ўлик қоплонни думидан тортиб чиқаришди.

— У ўлган,— деди гвардиячи ҳарсиллаб нафас оларкан.

— У тирик! У тирик! Мен уни қутқардим. Мен халқ дўстини қутқардим!

Бечора кичкина Суок, кўйлаги тилка-пора бўлиб

кетган, сочига қадалган ва туфлисига қўндирилган олтинранг гуллари эзилиб кетган Суок суюнганидан терисига сигмасди.

Суюнганидан унинг икки юзи анордек қизариб кетган эди.

У ўз дўсти — гимнаст Тибул берган топшириқни бажарган эди: у қуролсоз Просперони қамоқдан озод қилди.

— Дуруст!— деди гвардиячи Суокнинг билагидан ушлаб.— Кўрамиз, ярамас қўғирчоқ, энди қўлингдан нима иш келаркин! Кўрамиз...

— Уни Уч Бақалоқ олдига олиб бориш керак...

— Улар сени ўлимга ҳукм қилишади.

— Аҳмоқ,— деди Суок хотиржам оҳангда ва бояги Просперо шакарпазликни остин-устин қилаётган пайтда кўйлагининг пушти ранг тўр ҳошиясига томган шарбатни ялай бошлади.

## XII Боб

## РАҚС МУАЛЛИМИ БИР-ИКК-УЧС

Фош бўлган қўғирчоқнинг ҳоли нима кечгани ҳозирча бизга маълум эмас. Бундан ташқари, биз бошқа ҳодисаларга, яъни: дарахтда қўниб ўтирган тўтиқуш қанақа қуш эди ва нима учун муҳтарам зоолог ундан қўрқиб кетди (эҳтимол у шўрлик ҳали ҳам ўша шохда ювилган кўйлакдек осилиб тургандир; қуролсоз Просперо қандай қилиб озодликка чиқиб қолди-ю, қоплон қаёқдан пайдо бўлди; қайси йўл билан Суок қуролсознинг қўлига чиқиб олди; одамга ўхшаб гапирган махлуқ нима эди-ю, у Суокка қандай тахтакач узатди ва нима сабабдан ўлиб қолди... деган саволларга изоҳ беришдан ҳам ҳозирча ўзимизни тийиб турамиз.

Вақти келганда ҳаммаси ойдинлашади. Сизларни ишонтириб айтаманки, бу ерда ҳеч қандай мўъжиза содир бўлгани йўқ, балки ҳаммаси, агар олимлар таъбири билан айтадиган бўлсак, мантиқнинг қатъий қонунига биноан юз берди.

Ҳозир эрталабки пайт. Айнан шу бугун эрталабга келиб табиат жуда антиқа жозиба касб этди. Ҳаттоки, ташқи қиёфаси такага жудаям ўхшаб кетувчи бир

қари қизнинг гўдаклик пайтидан муттасил оғригувчи боши бирдан огримай қўйди. Бугунги тонг шунақа хушҳаво эдики, қўяверасиз. Дарахтлар шовулламас, балки шўх болалар овозидек куйларди.

Бундай пайтда ҳамманинг ҳам рақс тушгиси келади. Шунинг учун ҳам, рақс ўқитувчиси Бир-икк-учснинг дарсхонаси одамларга лиқ тўлганига ажабланмаса ҳам бўлади.

Қорнинг оч бўлса, рақс туша олмайсан, албатта. Бошинг ғам-ташвишда бўлган пайтда ҳам рақс тушолмайсан. Лекин бугун ишчи маҳаллаларида тўпланишиб яна Уч Бақалоқ Қасрига ҳужум қилишга ҳозирланаётган одамларнинггина қорни оч ва шуларгина ғамгин эди. Ҳолбуки олифта йиғитлар, хонимлар, шунингдек, мечкай ва бойларнинг ўғил-қизлари ўзларини жуда яхши ҳис қилар эдилар. Улар гимнаст Тибулнинг камбағал, оч-яланғоч меҳнаткаш аҳлини тўплаб, улардан қўшин тузаётганидан бехабар эдилар; улар раққоса қизалоқ Суок қуролсоз Проспeрони қамоқдан озод қилинганини ҳам билмасдилар, ҳолбуки, бутун халқ фақат шу Проспeрони кутаётган эди; шаҳарда кўтарилаётган алғов-далғовлар билан бу боёнларнинг иши йўқ эди.

— Ҳеч нима бўлмайди!— дерди чиройликкина, лекин қиррабурун ойимқиз рақсбоп туфлисини кияркан.— Агар улар яна қасрга ҳужум қиладиган бўлишса, гвардиячилар уларни яна аввалги сафаргидагидек қириб ташлашарди.

— Албатта!— деб қиқирлаб куларди бир олифта йигит қарсиллатиб олма еркан, ўзини ойнага солиб, фракини кўздан кечираркан.— Ўша кончиларнинг ҳам, ўша исқирт косибларнинг ҳам ҳеч қандай милтиқ, тўппонча, қиличлари йўқ. Гвардиячиларнинг эса, ҳатто замбараклари ҳам бор.

Ўзига бино қўйган, беғам-беташвиш одамлар жуфт-жуфт бўлишиб, Бир-икк-учснинг уйи сари оқиб келардилар.

Унинг эшигига осилган тахтачага қуйидаги сўзлар ёзиб қўйилган эди:

*Рақс муаллими Бир-икк-учс. Нафақат рақс тушишдан, шунингдек нафосат, латофат, хиромон юриш, хулқ-одобдан ва ҳаётга шоирона назар ташлашдан сабоқ бераман. Ўнта рақсга олдиндан ҳақ оламан.*

Паркет поли асалрангида бўлган каттакон доирасимон залда Бир-икк-учс одамларга ўз санъатидан дарс берарди.

Унинг ўзи қора най чалар, най қандайдир мўъжиза туфайли унинг лаби олдида муаллақ турар, чунки, у оппоқ нафис қўлқоп кийган, енг учларига тўр таққан ҳошия қилинган қўлларини тинимсиз ўйнатиб турарди. У бутун гавдасини гажак қилиб қайирар, ҳар турли ҳолатда қотиб турар, кўзларини шипга тикар, музика тактига мослаб пошнаси билан депсинар ва ҳар минут сайин ўз ҳуснини томоша қилгани, лентапарининг яхши бойланганини, мой суртилган сочининг қанчалик ялтираётганини кўргани кўзгу олдига пилдираб борарди...

Жуфт-жуфт бўлишиб рақс тушаётганлар гир-гир айланишарди. Улар шу қадар кўп эди ва шунақанги терлашардики, бу ерга тўсатдан кириб қолган одам, анвои-анвои, аммо бемаза шўрва қайнаяпти, деб ўйлаши мумкин эди.

Гоҳ рақс тушаётган кавалер, гоҳ унинг хоними тиқилинчда гир-гир айланишаркан ё думи узун шолғомга, ё карам баргига, ёхуд яна қандайдир ноаниқ, рангли ва антиқа нарсага ўхшаб кетардиларки, бундай нарсалар тарелкага сузилган шўрвадан чиқиши мумкин эди.

Бир-икк-учс эса, бу шўрвада қошиқ вазифасини бажарарди. Бунинг устига, у жуда найнов, чўпдек ориқ ва қадди букчайган эди.

О, агар бу рақсларни Суок кўрганида борми, кулавериб ичаклари узиларди! Суок ҳаттоки «Аҳмоқ қирол» пантомимосида Олтин косов ролини ижро этган чоғида ҳам, ҳатто ўшандаям бу ердагидан юз карра назокатлироқ рақс тушган эди. Ҳолбуки у Косов рақсини ижро этиши лозим эди.

Рақс авжига чиққан бир пайтда дағал теридан тикилган қўлқоп кийган учта баҳайбат мушт рақс муаллими Бир-икк-учснинг эшигини гурсиллатиб ура бошлади.

Бу муштлар деҳқонларнинг сопол хумига жудаям ўхшаб кетарди.

Шўрва қайнашдан тўхтади.

Яна беш минутдан кейин эса, рақс муаллими Бир-икк-учсни Уч Бақалоқ Қасрига олиб кетишди. Уни

олиб кетгани учта отлиқ гвардиячи келган эди. Улардан бири Бир-икк-учсни ўз отининг сағрисига ўзига орқама-орқа қилиб мингаштирди — бошқача қилиб айтганда, Бир-икк-учс отга тескари миниб борарди. Иккинчи гвардиячи унинг каттакон картон коробкасини кўтариб олган эди. Кўринишидан, бу коробкага жудаям кўп нарса сиғадиганга ўхшарди.

— Ахир мен ўзим билан айрим кийимларимни, музика асбобларини, шунингдек, париклар, ноталар ва суюкли романсларимни олиб олишим керак-да,— деди Бир-икк-учс, йўлга отланаркан.— Саройда қанча вақт бўлишимни билмайман-ку. Мен назокат ва латофатга одатланганман, шунинг учунам тез-тез кийимимни алмаштириб туришни яхши кўраман.

Рақсдан сабоқ олгани келган одамлар отлар орқасидан чопиб боришаркан, рўмолчаларини силкитишиб, Бир-икк-учсга оқ йўл тилаб қичқиришарди.

Қуёш анча баландга кўтарилган эди.

Бир-икк-учс ўзини саройга чақиртирилганидан хурсанд эди: у Уч Бақалоқни яхши кўрарди, чунки уларни бошқа ҳамма боёнларнинг ўғил ва қизлари яхши кўришарди. Бой қанчалик бойроқ бўлса, у Бир-икк-учсга шунча кўпроқ хушёқарди.

«Рост-да,— дерди у,— камбағаллардан менга нима фойда? Улар рақс тушишга ўрганишмаса! Қачон қарасанг, иш билан банд бўлишади, ҳамёнларида ҳеч қачон пул юрмайди. Бадавлат савдогарлар, бой олифталару хонимлар бошқа гап! Уларнинг пуллари доим кўп, ундан кейин, улар ҳеч қачон ишлашмайди ҳам».

Кўриб турибсизларки, Бир-икк-учс, ўз кўнглида аҳмоқ одам эмас эди, лекин бизнингча ғирт аҳмоқнинг ўзи.

«Суок аҳмоқ!— деб ажабланарди у кичкина раққоса қизни эсларкан.— Нега у қашшоқлар, солдатлар, косиблар-у, жулдурвоқи болалар учун рақс тушаркин? Ахир улар жудаям кам ҳақ тўлашади-ку».

Агар тентак Бир-икк-учс, ўша кичкина раққоса қизчанинг қашшоқлар, косибларнинг, жулдурвоқи болаларнинг сардори — қуролсоз Просперони қутқариш учун энг хатарли ишга киришганини билса, яна ҳам кўпроқ ажабланса керак.

Отлиқлар шамолдек тез елиб борардилар.

Йўлда содир бўлган воқеалар жуда аломат эди.

Узоқдан тўхтовсиз «пақ-пуқ» ўқ овози эшитилиб турди. Шаҳар дарвозаси олдида бир тўда одам ҳаяжонланиб турарди. Баъзан, қўлига тўппонча ушлаган икки-уч ҳунарманд югурганча кўчани кесиб ўтарди... Шундай ажойиб кунда баққоллар учун айни савдо қиладиган пайтдай туюлса ҳам, лекин улар деразаларини «тақа-тақ» ёпишиб, гўштдор, лўппи башараларини дарчадан чиқариб, кўчага мўралаб турардилар. Турли-туман овозлар, бақириқлар у маҳалладан бу маҳаллага эшитилиб турарди:

— Просперо!

— Просперо!

— У биз билан!

— Бизлар била-ан!

Баъзида бу ердан терлаб, кўпириб кетган отда биронта гвардиячи ғизиллаб ўтарди. Баъзида бирор бақалоқ одам ҳаллослаганча тор кўчага ўзини урар, унинг атрофида эса, хўжайинларини ҳимоя қилиш учун қўлларига таёқ ушлаган малласоч малайлари пилдираб боришарди.

Битта жойда худди шунақа малайлар, хўппасемиз хўжайинларини қўриқлаш ўрнига, бирданига, бутун маҳаллани бошларига кўтариб шовқин солишганича, уни дўппослаб кетишди.

Буни кўрган Бир-икк-учс, аввалига, бир эски диваннинг чангини қоқишяпти, деб ўйлади.

Бақалоқ бойнинг малайлари уни ўттиз-қирқ марта таёқ билан уриб, биттама-битта ундан дўнг олишди, кейин бир-бирларининг елкаларидан қучоқлашиб, таёқларини силкитишганча:

— Йўқолсин Уч Бақалоқ! Биз бойларга малай бўлишни истамаймиз! Яшасин халқ!— деб қичқиришиб аллақаёққа югуриб кетишди.

Атрофдан эса:

— Просперо!

— Про-о-оспе-еро!— деган хитоблар эшитилиб турарди.

Хуллас, ҳаммаёқни қаттиқ ҳаяжон қоплаган эди. Бамисоли қиёмат қойим яқинлашаётгандек эди.

Ниҳоят, охирги ҳодиса юз берди.

Ўн гвардиячи Бир-икк-учсни олиб кетишаётганда уч отлиқ уларнинг йўлини тўсиб чиқди. Булар пиёда гвардиячилар эди.

— Тўхта!— деди улардан бири. Унинг кўк кўзлари ғазабдан чақнаб кетди.— Кимсизлар?

— Кўрмаяпсанми?!— деди орқасига Бир-икк-учсни мингаштирган гвардиячи ҳам шундай ғазаб билан.

Елдек югуриб келаётиб, таққа тўхтаб қолган отлар бетоқат бўлиб ер депсинишарди. От афзаллари зириллаб титрарди. Рақс муаллими Бир-икк-учс ҳам қўрққанидан дағ-даг титрарди. Лекин қайси бири қаттиқроқ титраётгани маълум эмас эди.

— Биз Уч Бақалоқ саройининг гвардияси солдатларимиз.

— Биз саройга шошиляпмиз. Бизни дарҳол ўтказиб юборинглар.

Шунда кўккўз гвардиячи бўйнидаги шарфи орасидан тўппонча чиқариб деди:

— Ундай бўлса, тўппонча-ю, қиличларингизни топширинг. Солдатнинг қуроли Бақалоқларга эмас, балки халққа хизмат қилиши керак.

Отлиқларни қуршаб олган ҳамма гвардиячилар ёнларидан тўппончаларини чиқардилар.

Отлиқлар ҳам қўлларига қуролларини олдилар. Бу манзарани кўрган Бир-икк-учс ҳушидан кетиб, отдан йиқилиб тушди. Унинг қанча вақт беҳуш ётганини аниқ айтиш қийин, лекин у ҳушига келганида уни кузатиб келаётган отлиқ гвардиячилар билан, уларнинг йўлини тўсган пиёда гвардиячилар ўртасидаги жанг тугаган эди. Афтидан пиёдалар ғолиб чиққанга ўхшарди. Бир-икк-учс ёнида бир гвардиячининг ўлиб ётганини кўрди. Бу — боя уни отига мингаштирган гвардиячи эди.

— Қон,— деб ғулдиради Бир-икк-учс кўзларини чирт юмиб оларкан.

Лекин яна бир зумдан кейин у бешбаттар ҳайратга тушди.

Негаки унинг картон коробкаси мажақланган эди. Коробка ичидаги нарсалар эса, сочилиб ётарди. Бир-икк-учснинг антиқа кийимлари, романслари ва париклари кўчада тупроққа қорилиб ётарди...

— Оҳ!..

Демак қизғин жанг пайтида гвардиячи ўзига ишониб топширилган коробкани қўлидан тушириб юборган-у, у тошкўчага тушиб, мажақланиб кетган.

— О! Оҳ!

Бир-икк-учс ўз буюмлари устига ташланди. У қаттиқ саросимага тушиб, жилетлари, фраклари, пайпоқлари, арзон, аммо бир қараганда чиройли кўринувчи тасмалар тақилган туфлиларини бирма-бир кўздан кечириб чиқди, яна пақ этиб ерга ўтириб олди. Ҳасратининг чеки йўқ эди. Унинг ҳамма нарсалари бутун пардоз буюмлари шу ерда қолган-у, лекин энг муҳим нарса ўғирланган эди.

Бир-икк-учс ўзининг бўғирсоққа ўхшаган муштумчаларини зангори осмонга кўтариб нола чека бошлади, бу пайт учта отлиқ эса, отларини Учта Бақалоқ Қасри томон елдек учириб борарди.

Бу отлар боя, рақс муаллими Бир-икк-учсни олиб кетаётган отлиқ гвардиячилардан жанг пайтида тортиб олинган эди. Жанг ниҳоясида гвардиячилардан бири ўлдирилиб, қолган иккитаси таслим бўлган ва халқ томонига ўтган эди, шунда ғолиб чиққан пиёда гвардиячилар пачақланган картон коробка ичида докага ўралган пушти ранг бир нимани топиб олгандилар.

Кейин ғолиблардан уч киши шу заҳотиёқ гвардиячилардан тортиб олинган отларга минишди-да, уларни ўқдай учириб кетишди.

Энг олдинда от чоптириб кетаётган кўккўз гвардиячи докага ўралган аллақандай бир пушти нарсани кўкрагига маҳкам босиб олган эди.

Йўлда учраган одамлар, чўчиб ўзларини четга олардилар. Чунки гвардиячининг шляпасида қизил нишон қадалган эди. Бу гвардиячининг халқ томонига ўтгани аломати эди.

Шунинг учун ҳам, йўлда учраган одамлар, агар улар бақалоқлар ё мечкайлар бўлишмаса, отлиқларни олқишлаб улар орқасидан қарсак чалиб қолишарди. Лекин айни пайтда, уларга диққат билан қараб, ҳайратга келиб донг қотиб қолишарди: чунки гвардиячи кўкрагига босиб бораётган докага ўралган нарсанинг бир учидан қиз боланинг оёқлари осилиб чиқиб турарди, бу оёқчаларга пушти ранг туфли кийдирилган бўлиб, унинг тасмаси ўрнига олтин гул қадалган эди...

## XIII Боб

## ҒАЛАБА

Биз ҳозиргина ғайриоддий ҳодисаларга тўла тонг палласини тасвирлаган эдик, энди яна орқага қайтамиз-да, шу тонготгунча бўлган тунги фурсат ҳақида ҳикоя қиламиз; ўзингизга маълум, ўша тунда юз берган антиқа ҳодисалар ҳам худди тонг пайтида содир бўлган воқеалар сингари жуда ғаройиб эди.

Қуролсоз Просперо Уч Бақалоқ Қасридан шу кечаси қочганди, шу кечаси Суокни жиноят устида қўлга туширишган эди.

Булардан ташқари, шу тунда учта киши фонусларини плашларининг бари билан тўсиб, валиаҳд Тутти ухлаб ётган оромхонага кириб бордилар.

Бу воқеа қуролсоз Просперо сарой ширапазлари хонасини вайрон қилганидан, гвардиячилар Суокни нажотбахш кастрюль олдида асир олишганидан бир соатча кейин рўй берди.

Оромхона қоп-қоронғи эди.

Баланд-баланд деразалардан осмондаги юлдузлар ғуж-гуж бўлиб кўринарди.

Бола хотиржам ва жимгина пишиллаб маст уйқуда ётарди.

Бу ерга келган уч киши қўлларидаги фонусларнинг шуъласини азза-базза яширишга ҳаракат қилардилар.

Уларнинг нима қилишаётгани бизга номаълум. Фақат пичирлашиб гаплашгани эшитиларди. Оромхона эшигининг ташқари томонида турган соқчи, худди ҳеч нима бўлмагандек, ҳамон бепарво қаққайиб турарди.

Афтидан бу уч кишига, валиаҳд ётоқхонасига кириб, ўз билганларича иш тутиш ҳуқуқи берилган бўлса керак.

Хабарингиз бор, валиаҳд Туттининг мураббийлари қўрқоқ одамлар эди. Қўғирчоқ билан бўлган воқеа эсингизда. Боғда гвардиячилар қўғирчоқни қиличлари билан қийма-қийма қилиб ташлашган ўша даҳшатли воқеа пайтида мураббийнинг ўзини қандай тутгани эсингизда бўлса керак. Кейин ўша мураббий бу шумхабарни Уч Бақалоққа сўзлаб бераётганида қўрқувдан қандай қалтираганини кўз олдингизга келтираётгандирсиз.

Энди навбатчи мураббий ҳам жуда қўрқиб кетди.

Фараз қилинг: уч нотаниш одам ётоқхонага кириб келганида навбатчи мураббий ўша ерда эди. У валиаҳднинг оромини қўриқлаб дераза олдида креслода ўтирар ва ухлаб қолмаслик учун, ўзининг астрономиядан олган билимини амалда татбиқ этиш учун юлдузларни кузатарди.

Бир маҳал эшик «ғийқ» этиб очилди, чироқ шуъласи лип этди-ю, кўзига учта шарпа кўринди. Мураббий шу заҳотиёқ ўзини креслонинг баланд суянчиғи панасига олди. У ҳаммадан ҳам бурнидан хавотирда эди: узун бурни кўриниб қолиб, ишкал чиқариши мумкин эди. Дарҳақиқат, жудаям узун антиқа бурнининг сояси юлдузлар бодроқдек сочилган деразага аниқ тушиб турар, шунга кўра, хонага кирган шарпаларнинг кўзига ташланиши ҳеч гап эмас эди.

Лекин қўрқоқ: «Зора улар бурнимни креслонинг ёндорига қилинган безак деб ўйлашса, ё бўлмаса, рўпарадаги бўғотнинг сояси деб ўтиб кетишса», деб ўзига-ўзи тасалли берарди.

Фонусларнинг сарғиш шуласида ғира-шира кўринаётган учта шарпа валиаҳд ётган каравот тепасига борди.

— Шу ерда,— деб пичирлади кимдир.

— Ухлаяпти,— деди иккинчиси.

— Тсс!..

— Қўрқма. Тўп отсанг ҳам уйғонмайди.

— Бўпти, бошланглар.

Бир нима тақиллаб кетди.

Мураббийнинг пешонасидан совуқ тер чиқди. Бу қўрқув натижасида у ўз бурнини янаям чўзилаётгандай ҳис қилди.

— Тайёр,— деди пичирлаб кимдир.

— Бошланглар.

Яна бир нима жингирлади, кейин қандайдир идишда бир суюқлик қулқиллади-ю, жилдираб қуйила бошлади. Кейин орага яна жимлик чўкди.

— Қаёққа қуяй?

— Қулогига.

— У юзини ёстиққа босиб ухлаб ётипти. Айни муддао. Қулоғига қуйинг...

— Лекин эҳтиёт бўлинг. Томчилаб қуйинг.

— Роса ўн томчи.

— Биринчи томчи муздек совуқ туюлади, иккинчи томчи ҳеч нима ҳис қилдирмайди, чунки биринчи томчи томган заҳоти ўз таъсирини кўрсатади. Шу биринчи томчининг ўзи ҳар қандай сезгини ўлдириб бўлади.

— Биринчи икки томчини кетма-кет томизинглар.— Акс ҳолда, бола худди баданига муз теккандек сесканиб уйғониб кетиши мумкин.

— Тсс!..Қуяяпман... Бир, икки!..

Шу маҳал мураббийнинг димоғига марваридгулнинг ўткир ҳиди «гуп» этиб урилди. Бу ҳид бутун хонани тутиб кетди.

— Уч, тўрт, беш, олти...— кимдир пичирлаб тез-тез санай бошлади.

— Бўлди.

— Энди у уч кунгача қимирламай ухлайди.

— Қўғирчоқнинг ҳоли нима кечғанини билмайдиям...

— Уйғонганида ҳаммаси тугаган бўлади.

— Бўлмаса, дод-вой солиб бутун Қасрни бошига кўтариши, йиглайвериб Уч Бақалоқнинг миясини ейиши мумкин эди. Натижада, улар қизчанинг гуноҳидан кечиб, уни озод қилишга мажбур бўлардилар...

Уч нотаниш шарпа гойиб бўлди. Кресло ўриндиғида даг-даг қалтираб ётган навбатчи мураббий ўрнидан турди. Худди заргалдоқранг гул шаклида алангаланиб ёнувчи кичкинагина чироқчани ёқди-да, каравот бошига борди.

Валиаҳд Тутти тўр ҳошияли ич кийимда устига шоҳи чойшаб ёпиниб ухлаб ётарди; у жуссаси кичкинагина бўлса ҳам, салобатли кўринарди.

Унинг пахмайган олтинранг сочли боши катта-катта ёстиқларга ботиб ётарди.

Мураббий энгашиб, чироқни боланинг бўзарган юзига яқин тутди. Унинг жажжигина қулогида бир томчи дори худди чиғаноқ ичидаги инжу донасидек йилтираб турарди. Бу томчида сариқ ва яшил шуъла товланарди. Мураббий шу томчига жимжилогини теккизган эди, шу заҳоти жажжи қулоқча ичида ҳеч нима қолмади, лекин тарбиячининг бутун қўли қақшатувчи қаттиқ совуқдан зирқираб огрий бошлади.

Бола маст уйқуда ётарди.

Яна бир неча соатдан кейин эса, биз китобхонла-

римизга ҳикоя қилиб берганимиз ўшал ажойиб тонг отди.

Шу куни эрталаб рақс муаллими Бир-икк-учснинг бошига қандай савдо тушганини биламиз, лекин шу куни эрталаб Суокка нима бўлганини билиш биз учун қизиқарлироқдир. Ахир биз уни ниқоятда мудҳиш аҳволда қолдирган эдик-да!

Аввалига қизчани зиндонга ташламоқчи бўлишди.

— Йўқ, бу жуда мушкул,— деди Давлат канцлери.— Биз зудлик билан одилона ҳукм чиқарамиз.

— Тўгри, шу қиз билан пачакилашиб ўтирамизми?— дейишди Бақалоқлар.

Лекин шуни унутмангларки, Уч Бақалоқ қоплон ҳужумидан қочишганда ўтакалари ёрилиб, жуда қаттиқ азоб чеккан эдилар. Шунинг учун улар ҳозир дам олишлари керак эди.

— Биз бир оз мизғиб олайлик. Судни эрталабга қолдирамиз,— дейишди улар.

Шундай дейишди-ю, учовлари ўз ётоқхоналарига кириб кетишди.

Давлат канцлери қўғирчоқ бўлиб олган қизчани суд. ўлимга ҳукм қилишини аниқ биларди, шунинг учун ҳам у, тағин валиаҳд Тутти йиғлайвериб ўлим ҳукмини бекор қилмасин, деб уни дори билан ухлатиб қўйиш ҳақида буйруқ берган эди.

Демак, бояги фонус кўтарган уч шарпа, канцлернинг буйруғини бажарган экан.

Валиаҳд Тутти ухлаб ётарди.

Суок эса, қоровулхонада ўтирарди. Қоровулхона — кордегардия деб аталарди. Шундай қилиб, Суок бугун эрталаб кордегардияда ўтирарди. Уни гвардиячилар қўриқлашарди. Кордегардияга кириб қолган бегона одам, бу пушти ранг кўйлак кийган жудаям хушбичим, аммо маъюс қиёфали кўҳликкина қизча, нима учун бундай ерда гвардиячилар орасида ўтирипти, деб ҳайрон бўлиб узоқ вақтгача туриб қолган бўларди. Ҳаммаёқда эгар–жабдуқлар, қурол-яроғлар, пиво кружкалари ивирсиб ётган бу шароитга қизчанинг қиёфаси асло ёпишмасди.

Гвардиячилар қарта ўйнашар, трубка чекишиб, кўкиш, сассиқ тутун қайтаришар, бўралаб сўкинишар, дам-бадам баҳона ахтариб, бир-бирлари билан муштлашишарди.

Бу гвардиячилар Уч Бақалоққа ҳали содиқ эдилар. Улар баҳайбат муштларини дўлайтириб Суокка пўписа, дўқ қилиб, ер тепинишар, афтларини хунук иржайтиришарди.

Суок буларнинг ҳаммасига парво қилмай ўтирарди. У гвардиячиларнинг юзини кўрмаслик учун, уларга терс ўгирилиб олди-да, шу куйи масхара қилгандай тилини чиқариб, бир соатча ўтирди.

Бочкача устида ўтириш унга қулай туюлди. Тўғри, бунақа ўтиришда куйлаги ғижимланарди, лекин бусиз ҳам куйлаги бутунлай расво бўлган эди: куйлаги дарахт шохларига илиниб йиртилган, машъала олови тегиб, куйган, гвардиячилар ғижмалоқ қилиб ташлашган, ҳаммаёғига қиём шираси ёпишган эди.

Суок ўзининг нима бўлишини ўйламасди. Унинг ёшидаги қизчалар ошкора хавфдан қўрқишмайди. Улар ҳатто ўзларига ўқталган тўппончадан ҳам ҳайиқишмайди, аммо қоронғи хонада ёлғиз қолишдан жудаям қўрқишади.

Суок бундай ўйларди: «Қуролсоз Просперо озодликда. Ҳозир Тибул билан иккови камбағалларни саройга бошлаб боришади. Кейин, улар мени озод қилишади».

Суок шу куйи ўй-ўйлаб ўтирганида шаҳар томондан уч гвардиячи от чоптириб саройга етиб келди — булар тўғрисида биз олдинги бобда гапирган эдик. Ўзингизга маълум, улардан бири — кўккўз гвардиячи, аллақандай сирли тугун кўтариб олган эдики, у тугундан қиз боланинг оёқчалари чиқиб турар, у оёқчаларга пушти ранг туфли кийдирилган бўлиб, туфли тасмаси ўрнига олтин гул қадалган эди.

Уч гвардиячи кўприкка яқинлашганида шляпаларига қадалган қизил нишонларини юлиб олдилар, чунки кўприкдаги постда турган соқчи Уч Бақалоқ тарафида эди.

Бу отлиқлар саройга киришлари керак эди, шунинг учун ҳам улар шляпаларига қадалган нишонни, соқчи кўрмасин, деб олиб қўйган эдилар.

Бўлмаса, уларнинг шляпасига қадалган қизил нишонларни кўриб қолган соқчи гвардиячиларга қарата ўқ отган бўларди, негаки улар халқ томонига ўтган эдилар-да.

Улар қоровулхона ёнидан шамолдек ғизиллаб ўтиб

кетишаётганда сал бўлмаса қоровул бошлиғини босиб юборай дейишди.

— Жудаям муҳим бир хабар олиб кетишяпти чоги,— деди қоровул бошлиги бошидан учиб кетган шляпасини ердан олиб, мундирининг чангини қоқаркан.

Худди шу пайт Суокнинг жанозаси ўқилган эди. Чунки кордегардияга Давлат канцлери кириб келган эди.

Гвардиячилар «дик» этиб ўринларидан туриб кетишди, худди белкуракдек келадиган қўлқоп кийгаи қўлларини ёнларига тушириб, қимир этмай қотиб туришди.

— Қизча қани?— деб сўради канцлер кўзойнагини кўтариб.

— Қани, буёққа кел!— деб қичқирди гвардиячиларнинг бошлиги қизчага.

Суок бочкачадан сирғаниб ерга тушди.

Гвардиячи унинг белидан қўпол қилиб ушлаб қўлтиқлаб кўтариб олди.

— Уч Бақалоқ буни Суд залида кутишмоқда,— деди канцлер кўзойнагини тушириб.— Қизчани кўтариб орқамдан боринглар.

Канцлер шундай деб кордегардиядан чиқди. Гвардиячи бир қўлида Суокнинг белидан осилтириб кўтариб олганча унинг орқасидан чиқди.

О, олтин гуллар! О пушти ранг ипак! Буларнинг ҳаммаси бераҳм гвардиячининг қўлида хазон бўла бошлаган эди.

Гвардиячининг даҳшатли қўлида худди чамадон сингари осилиб бориш жуда аламли ва ноқулай эди, шунинг учун ҳам Суок ўша гвардиячининг билагидан чимчилаб олди. Чимчилагандаям биракай чимчилаган экан денг, мундирнинг енги қалин бўлишига қарамай гвардиячининг қўлини ўйиб олгандай бўлди.

Шунда гвардиячи:

— Падар лаънат!— дея сўкинаркан, қизчани қўлидан тушириб юборди.

— Нима гап?— деди канцлер орқасига ўгирилиб.

Худди шу пайт ҳеч кутилмаганда кимдир канцлернинг қулоқ-чаккасига мушт туширди. Канцлер йиқилиб тушди.

Унинг кетидан зум ўтмай, бояги Суок чимчилаб олган гвардиячи ҳам қулади.

У ҳам қулоқ-чаккасидан мушт еган эди. Уни уришганда ҳам биракай уришган эди! Негаки, бундай баҳайбат ва бадқаҳр гвардиячини уриб йиқитиб ҳушидан кетказиш учун қандай кучли зарба бўлиши кераклигини ўзингиз тасаввур қилишингиз мумкин.

Суок ўзини ўнглаб олишга улгурмай, уни яна кимдир қўлига кўтариб олиб кета бошлади.

Бу ҳам дагал ва кучли қўл эди, лекин Суокни анча авайлаб кўтарган эди, Суок бу қўлда ўзини анча эркин ҳис қила бошлади; боя уни кўтариб кетаётган гвардиячи эса, энди ҳушидан кетиб ялтироқ полда узала тушиб ётарди.

— Қўрқма!— деб пичирлади қизчага кимдир.

Суд залида эса, Уч Бақалоқ уни сабрсизлик билан кутаётган эдилар. Айёр қўгирчоқни уларнинг ўзлари суд қилишмоқчи. Уларнинг атрофида мансабдорлар, маслаҳатчилар, судьялар ва котиблар ўтиришарди. Бу одамларнинг бошларидаги тўқ-қизил, оч-бинафша, оч-яшил, малла, оқ, олтинранг... париклар қуёш шуъласида ял-ял товланарди. Лекин ҳатто қуёшнинг шўх шуъласи ҳам бу париклар остидаги тумшайган башараларга ҳусн кирита олмас эди.

Учала Бақалоқ ҳали ҳам иссиқдан қийналиб ўтиришибди. Ҳаммаёқларидан дув-дув тўкилаётган терлар олдиларида турган оқ қоғозларни ҳўл қилиб юбораётганди. Котиблар минут сайин уларнинг олдидаги қогозни ўзгартириб туришарди.

— Канцлеримиз бизни кутдириб қўйди-ю,— деди Биринчи Бақалоқ худди дорга осилган одамдай бармоқларини ўйнатиб.

Мана, ниҳоят улар кутган одамлар етиб келишди.

Залга уч гвардиячи кирди. Улардан бири қизчани қўлига кўтариб олган эди. О, нақадар маъюс эди қизчанинг чеҳраси!

Кеча офтобдек товланиб, қимматли ажиб безаклари билан одамларнинг кўзини қамаштирган пушти ранг кўйлак, энди аянчли бир увадага айланган эди. Олтин гуллар сўлган, ялтироқ пистонлар тўкилиб битган, шоҳи мато ғижимланиб тўзиб кетган. Қизча ғамгин бошини гвардиячининг елкасига қўйган эди. У худди мурдадек оқариб кетган, муғамбирона боқувчи қўйкўзларида нур сўнган эди.

Ранг-баранг парик кийган мажлис аҳли бошини кўтарди.

Бақалоқлар қўлларини ишқалашарди.

Котиблар ўзларининг узун қулоқларига қистирилган узун патқаламларни қўлларига олдилар.

— Хў-ўш,— деди Биринчи Бақалоқ.— Давлат канцлерининг ўзи қаерда қолди?

Қизчани кўтариб турган гвардиячи мажлис аҳли олдига чиқиб жавоб қиларкан, унинг кўккўзлари шўх чақнаб кетди.

— Йўлда келаётганимизда жаноб Давлат канцлерининг ичбуруғ касаллари тутиб қолди.

Бу изоҳдан ҳамма қаноат ҳосил қилди.

Суд бошланди.

Гвардиячи бечора қизчани судьялар столи рўпарасида турган дағал курсига ўтқизди. Қизча бошини ерга эгиб ўтирарди.

Биринчи Бақалоқ сўроқ қила бошлади.

Лекин сўроқни давом эттиришга жуда муҳим бир сабаб тўсқинлик қилди: Суок биронта ҳам саволга жавоб беришни истамади.

— Дуруст!— деди аччиги чиққан Бақалоқ.— Дуруст! Ўзига қийин. Саволимизга жавоб беришни истамаяпти, жуда соз... Бунақа бўлса, янаям даҳшатлироқ жазо ўйлаб топамиз унга!

Суок қимир этмасди.

Уч нафар гвардиячи Суок теграсида худди тошдек қотиб турардилар.

— Гувоҳлар чақирилсин!— деб фармойиш берди Бақалоқ.

Гувоҳ фақат битта эди. Уни бошлаб киришди. Бу муҳтарам зоолог, ҳайвонот боги нозири экан. Эсингизда бўлса, у кечаси дарахт шохига илиниб қолган эди. Мана, уни ҳозиргина дарахтдан туширишиб, тўғри бу ерга олиб келишипти. Шунинг учунам, у ўша гулли халатида, қалами кўйлак-иштон ва тунги қалпоқда Суд залига кириб келган эди. Унинг орқасидан қалпоғининг попуги худди ичакдек чўзилиб келарди.

Зоолог курсида ўтирган Суокни кўриб, қўрққанидан гандираклаб кетди. Уни қўлтиғидан ушлаб қолишди.

— Бўлган воқеани гапириб беринг.

Зоолог бутун воқеани батафсил гапиришга кириш-

ди. У дарахтга чиқиб, шохлар орасида валиаҳд Туттининг қўғирчогини кўриб қолганини сўзлаб берди. Умрида ҳеч қачон тирик қўғирчоқни кўрмагани учун у қўғирчоқларнинг кечалари дарахтга чиқиб ўтиришини тасаввур ҳам қилолмаганидан жудаям қўрқиб, ҳушидан кетганини айтиб берди.

— Қандай қилиб қуролсоз Проспeрони озод қилди бу қўғирчоқ?

— Билмайман. Мен буни кўрганим ҳам, эшитганим ҳам йўқ. Мен жудаям қаттиқ ҳушимдан кетиб қолган эканман.

— Қани, ярамас қиз, жавоб берасанми ё йўқми, қандай қилиб қуролсоз Проспeро озодликка чиқиб қолди?

Суок жим эди.

— Силкитинглар уни.

— Қаттиқроқ!— деб буюришарди Бақалоқлар.

Кўккўз гвардиячи қизчанинг елкасидан ушлаб силкитди. Бунинг устига-устак, қизчанинг пешонасига оғритиб бир чертди ҳам. Суок чурқ этмасди.

Бақалоқларнинг жони чиқиб хириллай бошлашди. Ранг-баранг бошлар худди танбиҳ бераётгандек саракнсарак қила бошладилар.

— Назаримда,— деди Биринчи Бақалоқ,— биз бунақада ҳеч нимани билолмайдиганга ўхшаймиз.

Зоолог шу гапни эшитиши билан бирдан ўз пешонасига бир шапати урди.

— Эҳ, эсим қурсин, мана мен биламан қандай йўл тутиш кераклигини!

Бутун мажлис аҳли қулоғини динг қилди.

— Ҳайвонот боғида тўтиқушлар солинган бир қафас бор. У қафасда тўтиқушларнинг дунёда сийрак учрайдиган турлари яшайди. Тўтиқушлар инсон нутқини эслаб қолиб, кейин уни мутлақо бекаму кўст такрорлашлари мумкинки, бу нарса сизларга маълум бўлса керак, албатта. Кўпчилик тўтиқушлар жуда ажойиб эшитиш қобилиятига ва ажойиб хотирага эга бўлишади... Ўйлайманки, улар тунда ҳайвонот боғида мана бу қизча билан қуролсоз Проспeро ўртасида бўлган гапни ипидан-игнасигача эслаб қолган бўлишлари керак... Шунга кўра, мен Суд залига ўша ажойиб тўтиқушларимдан биронтасини гувоҳ сифатида чақиртиришни таклиф қиламан.

Ҳамма бу таклифни маъқуллаб, ғовур-гувур кўтарди.

Зоолог ҳайвонот богига бориб, бир зумда қайтиб келди. Унинг кўрсаткич бармоғида узун қизил соқолли каттакон бир қари тўтиқуш қўниб ўтирарди.

Бир эслаб кўринг: Суок тунда ҳайвонот богида тентираб юрганида — эсингизга тушгандир! Қафасдаги тўтиқушлардан бири қизчага шубҳали бўлиб кўринган эди. Эсингизда бўлса, ўша тўтиқуш Суокка худди ухлаётгандай бўлиб, юмуқ кўз билан қараган, кейин узун қизил соқолига тумшугини тиқиб жилмайиб қўйган эди.

Ҳозир ҳам айнан ўша қизил соқол тўтиқуш, ўз қафасида кумуш қўноқда қандай қўниб ўтирган бўлса, зоологнинг бармогида ҳам шундай бамайлихотир ўтирарди.

Энди у бечора Суокнинг айбларини фош қилиши мумкинлигидан хурсанд бўлиб, ошқора жилмаярди.

Зоолог тўтига немис тилида гапира бошлади. Унга қизчани кўрсатишди.

Шунда қуш қанотларини патиллатиб:

— Суок! Суок!— деб чинқирди.

Унинг овози ошиқмошиғи занглаб қолган эски эшикнинг шамолда очилиб-ёпилишига ўхшарди.

Одамлар жим эди.

Зоологнинг оғзи қулоғида эди.

Тўтиқуш эса, чақимчилик қилишда давом этарди. У кечаси ниманики эшитган бўлса, ҳаммасини бекаму кўст гапириб берди. Шунинг учун, агар қуролсоз Проспeронинг қандай озод қилингани сизни қизиқтираётган бўлса, тўтиқушнинг чинқириқларига диққат билан қулоқ солинг.

О! Бу чинданам тўтиларнинг энг ноёб тури эди. Унинг чиройли қизил соқолининг ўзи ҳар қандай генералнинг ҳавасини келтириши мумкин эди. Лекин ҳозир биз бу ҳақда гапирмаймиз. Тўти одамлар овозига ниҳоятда зўр моҳирлик билан тақлид қилардики, биз буни қуйида исбот тариқасида келтирмоқчимиз.

— Кимсан?— деб шанғиллади тўти эркакча овоз билан.

Шу чоғнинг ўзида қиз боланинг овозига тақлид қилиб чийиллаб жавоб берди ўзи:

— Мен Суокман.

— Суок!

— Мени Тибул юборди. Мен қўғирчоқ эмасман. Мен жонли қизчаман. Мен сизни озод қилгани келдим. Менинг ҳайвонот богига қандай кирганимни кўрмадингизми?

— Йўқ. Кўзим кетган бўлса керак. Бугун биринчи марта ухлаб кетибман.

— Мен бу ерда сизни қидириб юрибман. Мен анави ерда бир баҳайбат махлуқни кўрдим, у одамга ўхшаб гапирди. Мен уни сиз деб ўйлабман. Ўша махлуқ ўлди.

— У — Туб. Демак ўлди дегин?

— Ўлди. Мен қўрқиб кетиб чинқириб юбордим. Овозимни эшитиб гвардиячилар югуриб келишди, мен улардан қочиб дарахтга чиқиб беркиниб олдим. Яхшиям тирик экансиз, кўриб хурсанд бўлдим. Мен сизни қутқаргани келдим.

— Қафасимни очиб бўлмайди, у қулфланган.

— Менда ўша қулфнинг калити бор.

Тўтиқуш шу охирги жумлани чийиллаб гапирганида ҳамма дарғазаб бўлиб кетди.

— Вой, ярамас қиз-е!— деб бақиришди Бақалоқлар.— Энди ҳамма нарса ойдинлашди. Демак, у валиаҳд Туттидан калитни ўғирлаб, қуролсозни қафасдан озод қилган. Қуролсоз бўлса, оёқ-қўлидаги кишанларни парчалаб, қоплон ётган қафасни бузган, кейин ҳайвонот богидан бемалол чиқиб олиш учун, қоплонни етаклаб олган.

— Ҳа!

— Тўғри!

— Шундай қилган!

Суок бўлса ҳамон жим эди.

Тўти тасдиқ маъносида соқолини селкиллатди ва қанотларини уч марта қоқди.

Суд мажлиси тугади. Ҳукм чиқарилди:

«Сохта қўғирчоқ валиаҳд Туттини алдаган. У Уч Бақалоқларнинг ашаддий душмани бўлмиш энг йирик жиноятчи — қуролсоз Просперони қафасдан озод қилган. Шу қиз туфайли энг яхши қоплон нобуд бўлди. Шу айбларига кўра фирибгар қиз ўлимга ҳукм қилинади. У ҳайвонлар олдига ташланади».

Буни қарангки, ҳатто шу даҳшатли ҳукм ўқилгандаям Суок қимир этмади!

Бутун мажлис аҳли гурра кўтарилиб ҳайвонот боғи

томон йўл олди. Бу ерда қафаслардаги ҳайвонлар оломонни ўкиришиб чийиллашиб, наъра солишиб қарши олишди. Ҳаммадан кўпроқ зоолог ҳаяжонланарди: ахир у ҳайвонот боғининг назоратчиси эди-да!

Учта Бақалоқ, маслаҳатчилар, мансабдорлар ва бошқа сарой аёнлари атрофи панжара билан ўралган минбардан жой олишди.

О, бугун қуёш нақадар майин нур сочарди! О, осмон ниҳоятда беғубор эди! Тўтиқушларнинг қанотлари ярақлар, маймунлар ўз қафасларида уёқдан буёққа зир югуришар, оч-яшил тусли фил рақс тушарди!

Бечора Суок! У қайрилиб ҳам қарамасди буларга. Эҳтимол у, худди сакрашга шайланаётгандай бўлиб, тиззаларини букканча уёқдан-буёққа танда қўяётган йўлбарсларнинг ифлос қафасларидан қўрқув тўла кўзларини уза олмаётгандир. Йўлбарслар ариларга ўхшашарди — ҳар ҳолда, улар ҳам ариларга ўхшаб сариқ рангда бўлиб, йўл-йўл жигарранг чизиқлари бор эди.

Улар одамларга қовоқларини уйиб, ўқрайиб қарардилар. Аҳён-аҳёнда эснаб, қип-қизил оғизларини унсиз очардилар, огизларидан сасиган хом гўштнинг қўланса ҳиди келарди.

Бечора Суок!

Алвидо цирк, алвидо бозор майдонлари, алвидо Август амаки, алвидо қафасдаги тулки, алвидо азиз, паҳлавон, ботир Тибул!

Кўккўз гвардиячи қизчани ҳайвонот боғининг қоқ ўртасига олиб чиқиб, ялтироқ иссиқ графит тўкилган ерга ётқизиб қўйди.

— Шошманглар,— деди бирдан маслаҳатчилардан бири.— Валиаҳд Туттига нима деб жавоб қиламиз? Ахир агар у ўз қўғирчоғининг йўлбарс панжасида нобуд бўлганини билса, йиғлайвериб ўлиб қолади-ку.

— Тсс!— деб пичирлади ёнида ўтирган одам.— Тсс! Валиаҳд Туттини дори бериб ухлатиб қўйишган... У энди уч кунгача уйғонмайди, ким билсин, ундан ҳам кўпроқ вақтгача уйғонмас...

Ҳамманинг нигоҳи қафаслар оралиғидаги доира майдончада ётган аянчли пушти ранг нарсага қаратилган эди.

Шу пайт бу даврага узун қамчисини шарақлатиб, тўппончасини офтоб шуъласида ярақлатиб ҳайвонларни ўргатувчи киши чиқди. Музикачилар марш чала

бошладилар. Суок охирги марта оломон олдида шу йўсинда пайдо бўлган эди.

— Алле!— деб қичқирди ҳайвонларни ўргатувчи.

Қафаснинг темир эшиги шарақлаб очилди. Йўлбарслар қафасларидан салобат билан унсиз югуриб чиқишди.

Бақалоқлар хохолаб кула бошладилар. Маслаҳатчилар уларга жўр бўлиб парикларини селкиллатиб ҳиринглашди. Қамчи шарақлади.

Учта йўлбарс Суокнинг тепасига югуриб келишди.

Суок ҳаракатсиз қўйкўзларини осмонга тикканча қимир этмай ётарди. Бутун оломон ўрнидан туриб кетди. Ҳамма, йўлбарслар халқнинг кичик дўстини қандай хомталаш қилишини кўрган заҳоти қувончдан чинқириб юборишга шай бўлиб турарди.

Бироқ... Суокнинг тепасига келган йўлбарслардан бири дўнгпешона бошини эгиб, қизчани ҳидлаб кўрди, иккинчиси мушукникига ўхшаган панжаси билан туртиб кўрди, учинчи йўлбарс эса, ерда ётган қизчага қиё ҳам боқмай унинг ёнидан югуриб ўтиб кетди ва минбар қаршисига бориб, орқа оёқларига турди-да, Бақалоқларга қараб ириллай бошлади.

Ана шундагина ҳамма бу ерда ётган тирик қиз эмас, балки қўғирчоқ, қўғирчоқ бўлганда ҳам, дабдала бўлиб увадаси чиққан, ҳеч нимага яроқсиз бўлиб қолган қўғирчоқ эканлигини пайқади.

Бўлди ҳангома, бўлди ҳангома! Зоолог изза бўлганидан тилининг ярмини ғарчча тишлаб узиб олди. Ҳайвонларни ўргатувчи киши йўлбарсларни қайтадан қафасларига ҳайдаб киритди ва ўлик қўғирчоқни нафрат билан бир тепиб, эгнидаги заррин богичлар билан безатилган махсус кўк костюмини ечгани кириб кетди.

Оломон беш минутгача гунг бўлиб сукутга толди.

Кейин бу сукунатни мутлақо кутилмаган бир ҳодиса бузди: ҳайвонот боғи тепасида, мовий осмонда бомба портлади.

Барча томошабинлар минбарларнинг ёғоч полига мук тушиб ётиб олдилар. Ҳамма ҳайвонлар орқа оёқларига турдилар. Кетма-кет иккинчи бомба ҳам портлади. Осмонни доирасимон оппоқ тутун қоплади.

— Бу нима? Нима гап ўзи? Нима бўлди?— дея бақира бошлашди одамлар.

— Халқ ҳужумга ўтипти!

— Халқда замбараклар бор экан!

— Гвардиячилар хиёнат қилишди!

— О! А!! О!!!

Парк шовқин-сурон, бақириқ-чақириқ, ўқ овозларига тўлиб кетди. Исёнчилар паркка бостириб киришган эди — бу яққол кўриниб турарди!

Халойиқ ҳайвонот боғидан қоча бошлади. Министрлар қиличларини яланғочладилар.

Бақалоқлар ҳаммаёқни бошларига кўтариб бақира бошладилар.

Улар паркда қуйидаги воқеанинг шоҳиди бўлдилар:

Ҳамма томондан одамлар бостириб келишарди. Одамларнинг сон-саноғи йўқ... Ялангбошлар, қонаған пешоналар, йиртилган камзуллар, бахтиёр чеҳралар... Бу келаётганлар — бугун ғалаба қозонган халқ эди. Гвардиячилар халқ билан аралашиб кетишганди. Уларнинг шляпаларида қизил нишонлар ярақларди. Ишчилар ҳам қуролланган эдилар. Эгнига жигарранг камзул, оёғига ёгоч кавушлар кийган камбагаллар бутун бир қўшин бўлиб ёприлиб келишарди. Уларнинг бўрондек ёприлиб келишидан дарахтлар эгилар, буталар шитирларди:

— Биз енгдик!— деб қичқирарди халқ.

Уч Бақалоқ нажот йўли йўқлигини сезишди.

— Йўқ!— деб чийиллади улардан бири.— Ёлғон! Гвардиячилар, уларга қарата ўт очинглар!

Лекин гвардиячилар камбағал халқ билан бир сафда турардилар. Шунда бутун оломоннинг шов-шувини босиб, кучли бир наъра эшитилди. Бу қуролсоз Проспeронинг овози эди:

— Таслим бўлинглар! Халқ ғалаба қозонди. Энди бойлар ва мечкайлар салтанати қулатилди. Бутун шаҳар халқ қўлига ўтди. Ҳамма Бақалоқлар асирга олинди.

Бақалоқларни денгиздек тўлқинланаётган ранг-баранг либосли одамлар худди қалин бир девордек қуршаб олишди.

Одамлар қизил байроқларни ҳилпиратишар, таёқлар, қиличлар ва муштларини ҳавода силкитишарди. Мана шу чоқ қўшиқ бошланиб кетди.

Бошига боғланган латтадан қон сирқиб турган Ти-

бул ўзининг ўша яшил плашида Просперо билан ёнма-ён турарди.

— Бу туш бўлиши керак!— деб қичқирди Бақалоқлардан бири, кўзларини қўллари билан беркитаркан.

Тибул билан Просперо қўшиқ айта бошлашди. Минглаб одамлар уларга жўр бўлишди. Қўшиқ бутун улкан парк бўйлаб, каналлар, кўприклар оша янграрди. Шаҳар дарвозаси томондан Қасрга бостириб келаётган халқ қўшиқни эшитиб, у ҳам жўр бўла бошлади. Қўшиқ худди денгиз тўлқинлари сингари довон ошиб, катта йўл бўйлаб, дарвоза орқали шаҳарга оқиб кирар, бу ерда ишчилар ва камбағаллар бош кўтарган кўчалар бўйлаб янграрди. Бу қўшиқни энди бутун шаҳар куйларди. Бу ўз золимлари устидан ғалаба қозонган халқнинг қўшиғи эди.

Бу қўшиқдан нафақат Қасрда қўлга тушган Уч Бақалоқ ва уларнинг министрлари қўрқиб кетиб, ғужанак бўлишар, жунжикишар ва аянчли бир подага айланишар эди, шунингдек шаҳардаги барча олифталар, хўппасемиз баққоллар, мечкайлар, савдогарлар, аслзода хонимлар-у, боши кал генераллар ҳам гўё замбарак ва милтиқлардан отилган ўқлардан қўрқишгандай саросимага тушишиб, чор атрофга тирақайлаб қочишарди.

Улар яширингани пана жой ахтаришар, қулоқларини беркитишар, бошларини кашта гулли қимматбаҳо ёстиқлар остига яширишарди.

Бунинг оқибати шу билан тугадики, бойлар гала-гала бўлишиб, гаван сари қоча бошлашди. Бутун бойликлари халқ қўлига ўтган бу мамлакатдан тезроқ бош олиб кетиш мақсадида апил-тапил кемаларга чиқа бошладилар, улар энди бу ерда ўз амалларидан, ақчаларидан жудо бўлишган, энди аввалгидай ишламай ялло қилиб яшашдан маҳрум бўлишган эди. Лекин лиманга боришганида, ҳаммалари матрослар қўлига тушишди. Бойлар қамоққа олинди. Улар энди:

— Бизга тегманглар! Биз энди сизларга ҳеч ҳам зулм қилмаймиз...— дея кечирим сўрай бошлашди.

Лекин халқ бари бир уларга ишонмади, чунки бойлар ҳамма вақт ҳам камбағал ва ишчиларни алдаб келган эдилар.

Қуёш шаҳар тепасида қиёмга келган эди. Беғубор осмон мовий рангда. Бу манзарани кўрган одам, халқ

улкан ажойиб байрамни намойиш қиляпти, деб ўйлаши мумкин эди.

Ҳамма нарса: арсеналлар,[1] казармалар, саройлар, ғалла омборлари, магазинлар халқ қўлига ўтган эди. Ҳамма ерда шляпаларига қизил нишон қадалган гвардиячи соқчилар туришарди.

Чорраҳаларда:

*Камбағаллар қўли билан бунёд этилган ҳамма нарса камбағалларники!*

*Яшасин халқ!*

*Йўқолсин ялқовлар ва мечкайлар!*

деган сўзлар ёзилган алвонлар ҳилпираб турарди.

Хўш, Уч Бақалоққа нима бўлдийкин?

Уларни халққа кўрсатиш учун Қасрнинг энг йирик залига олиб бордилар. Яшил қайтарма ёқали, кулранг куртка кийган ишчилар уларни қўриқлаб бордилар. Зал қуёшнинг заррин нурларида ярақлаб товланарди. Бу ерга тўпланган одамлар беҳисоб эди! Лекин бугунги халойиқ кичкина Суок валиаҳд Тутти билан учрашганда тўпланган одамларга мутлақо ўхшамас эдилар.

Бугун бу ерга Суокни майдонлар ва бозорларда олқишлаган томошабинларнинг бари тўпланган эди. Аммо уларнинг чеҳралари энди қувноқ ва бахтиёр кўринарди. Одамлар қисилишар, бир-бирларининг елкаларини босиб-итариб келишар, кулишарди. Баъзилар хурсанд бўлганларидан йиғлашарди.

Қасрнинг муҳташам заллари бунақа меҳмонларни ҳеч қачон кўрмаган эди. Шунингдек, ҳеч қачон офтоб бугунгидек чарақлаб нур сочмаган эди.

— Тсс!

— Жим!

— Жим бўлинглар!

Зина бошида асирлар тўдаси пайдо бўлди. Уч Бақалоқ ердан кўзини узмасди. Олдинда Просперо билан Тибул тушиб келишарди.

Жўшқин ҳайқириқлардан салобатли устунлар тебрангандай бўлди, Уч Бақалоқнинг эса қулоқлари би-

---

[1] Арсенал — бу ўринда қурол-яроғ омбори.

тиб қолди. Қўрқинчли бақалоқларнинг халқ қўлига асир тушганини намойиш қилиш учун уларни халққа яқинроқдан кўрсатмоқчи бўлдилар ва учовларини зинадан пастга олиб туша бошладилар.

— Мана, — деди Просперо устун ёнида туриб.

Унинг алпқомати шу улкан устуннинг деярли ярмига етган эди, малласочли боши қуёш шуъласида худди аланга олиб ёнаётганга ўхшарди.

— Мана,— деди у,— мана, Уч Бақалоқ. Улар шу чоққача камбағал халқни эзиб келишган эди. Улар бизни тер тўкиб, қон ютиб ишлашга мажбур қилардилар ва ишлаб топган нарсаларимизнинг ҳаммасини тортиб олардилар. Бу харомхўрларнинг қанчалик семириб кетишганини ўзларингиз кўряпсизлар! Биз бугун улар устидан ғалаба қозондик. Энди бизлар бундан буён ўзимиз учун меҳнат қиламиз, ҳаммамиз тенг ҳуқуқли бўламиз. Энди бизда бойлар ҳам, ялқовлар ҳам, мечкайлар ҳам бўлмайди. Энди турмушимиз фаровон бўлади, ҳаммамизнинг қорнимиз тўқ, эгнимиз бут, ўзимиз бадавлат бўламиз. Агар борди-ю, бирон пайт аҳволимиз ёмонлашиб қолгудек бўлса, ўшанда бизнинг ҳисобимизга ўзгалар бойлик орттирмаётгани бизга тасалли бўлади...

— Ура! Ура!— деган қичқириқлар эшитилди.

Уч Бақалоқ тумшайганча пишиллаб туришарди.

— Бугун бизнинг ғалаба кунимиз. Қаранг, қуёш қандай чарақлаб турипти! Қушларнинг чақчақлашиб сайрашини эшитинг! Гуллар эса, гуркираб, атрини ҳар томонга тарқатмоқда! Мана шу кун, шу соатни ёдингизда сақлаб қолинг!

«Соат» сўзини эшитиш билан ҳамма бошини катта соат томонга бурди.

Соат икки устун оралигидаги тахмонсифат жойга ўрнатилган эди. Бу — эман дарахтидан ясалиб, ҳар хил рангда сирланган безаклар билан ясатилган каттакон қути эди. Қутининг қоқ ўртасида рақамлар ёзилган доира бор эди.

«Соат неча бўлдийкин?» — деб ўйлади ҳар бир одам.

Шу чоқ бирдан (бу энди романимизда учрайдиган охирги «бирдан» сўзидир)... бирдан соат қутисининг эмандан ишланган эшиги очилди. Қути ичи бўм-бўш. Чунки, соатнинг ҳамма murувватлари чиқариб олин-

ганди. Бу қути ичида тишли мис ғилдиракчалар ва пружиналар ўрнида пушти ранг кўйлак кийган Суок гулдай яшнаб, кўзлари чақнаб ўтирарди.

— Суок!— деб юборди бутун зал ва енгил нафас олди.

— Суок!— деб чинқириб юборишди болалар.

— Суок! Суок! Суок!

Гулдурос қарсаклар чалинди.

Кўккўз гвардиячи қизчани соат қутисидан чиқариб олди. Бу рақс муаллими Бир-икк-учснинг картон коробкасидан валиаҳд Туттининг қўғирчоғини ўғирлаган ўша кўккўз гвардиячи эди. Саройга қўғирчоқни олиб келган ҳам, бечора тирик Суокни судраб кетаётган гвардиячи билан Давлат канцлерини бир муштдан уриб сулайтириб қўйган ҳам шу гвардиячи эди. У Суокни мана шу соат қутиси ичига яшириб қўйиб, унинг ўрнига Уч Бақалоқ олдига увадаси чиққан жонсиз қўғирчоқни олиб борган эди. Эсингиздами, Суд залида у ўша жонсиз қўғирчоқни елкасидан ушлаб роса силкитган, кейин аяб-нетиб ўтирмай ваҳший ҳайвонлар олдига ташлаган эди?

Қизчани қўлдан-қўлга узатишарди. Уни дунёда энг яхши ракқоса деб атаган одамлар, у томоша кўрсатганида чўнтакларидаги охирги чақаларини унинг ғиламчасига ташлаган кишилар ҳозир уни қучоқлашиб: «Суок!» — деб пичирлашар, унинг юзларидан ўпишар, бағриларига босишар эди. Уни ўз бағрига босган одамларнинг қоракуя, мой юқли жулдур камзуллари остида уларнинг кўп изтироб чеккан, аммо меҳрга тўла улкан юраклари тепиб турарди.

Суок кулар, одамларнинг патила-патила бўлиб кетган сочларидан тортқилар, жажжигина қўллари билан уларнинг юзида қотиб қолган қон доғларини артар, болаларнинг бурнидан тортқилар, уларни мазах қилиб афтини бужмайтирар, йиғлар ва бир нималар деб бидирларди.

— Уни менга узатинглар,— деди титроқ овоз билан қуролсоз Просперо; шу чоқ унинг кўзи ёшлангандай туюлди.— Бу менинг халоскорим.

— Буёққа! Буёққа!— деб қичқирди Тибул отқулоқнинг каттакон баргига ўхшаш яшил плашини силкитиб.— Бу менинг кичик дўстим бўлади. Буёққа кел, Суок!

Бу пайтда олисда, жуссаси кичкинагина доктор Гаспарнинг оломон орасини ёриб, юзида табассум билан шошилиб келаётганини кўрдилар...

Уч Бақалоқни қуролсоз Просперо ётган ўша қафаснинг ўзига қамаб қўйдилар.

# ЭПИЛОГ

Бир йилдан кейин бу шаҳарда жуда шўх, шодон, қувноқ байрам бўлди. Халқ Уч Бақалоқ зулмидан озод бўлганининг бир йиллигини нишонлаётган эди.

Юлдуз майдонида болалар учун спектакль қўйилди.

Афишаларда:

«Суок! Суок! Суок!» деган сўзлар кўзга яққол ташланиб турарди.

Минглаб болалар суюкли артисткаларининг саҳнада пайдо бўлишини орзиқиб кутишарди.

Лекин ушбу байрам кунида саҳнага ёлгиз Суокнинг ўзи чиқмади, у билан бирга саҳнага яна бир кичкина бола чиқди, у Суокка бир оз ўхшаб кетар, аммо сочи олтинранг эди.

Бу бола Суокнинг укаси эди. Илгари эса уни валиаҳд Тутти дейишарди.

Шаҳар сершовқин эди, байроқлар ҳилпирар, гулчи қизларнинг сувли идишларга ўрнатилган ҳўл атиргуллари тўкилар, ранг-баранг патлар билан безатилган отлар сакрашар, отўйинлар гир-гир айланарди. Юлдуз майдонида эса, кичкина томошабинлар нафасларини ичларига ютиб томоша кўрардилар.

Кейин Суок билан Туттини гулларга кўмиб ташлашди. Болалар уларни ўраб олишди...

Суок эгнидаги янги кўйлаги чўнтагидан кичкинагина бир тахтакач олиб, болаларга баъзи бир нарсаларни ўқиб берди. Эсингизда бўлса, бу тахтачани қоронғи тунлардан бирида ҳайвонот боғида қиёфаси бўрига ўхшаган бир одам ўлаётиб, мудҳиш қафас панжарасидан Суокка узатган эди.

Тахтачада мана шундай сўзлар ёзилган эди:

«Сизлар бир онадан туғилган икки фарзанд эдинглар: опа ва ука — Суок ва Тутти.

Сизлар тўрт ёшга кирганингизда Уч Бақалоқнинг гвардиячилари сизларни уйингиздан ўғирлаб кетишган эди. Мен олим Туб бўламан. Ўшанда мени саройга олиб боришди. Кичкина Суок билан Туттини менга кўрсатишди. Уч Бақалоқ менга, шундай дейишди: «Қизчани кўряпсанми? Шундай бир қўғирчоқ ясагинки, уни мана шу қизчадан сира ҳам фарқ қилиб бўлмайдиган бўлсин». Мен бунинг нимага кераклигини

билмас эдим. Мен улар айтган қўғирчоқни ясаб бердим. Мен ясаган қўғирчоқ худди тирик қизча сингари ўсиб бориши керак эди. Суок беш ёшга кирганида қўғирчоқ ҳам беш ёшли бўларди. Суокнинг бўйи етиб, чиройли ё маъюс қиз бўлса, қўғирчоқ ҳам худди шунақа бўлиши керак эди. Мен шундай қўғирчоқни ясадим. Кейин сизларни бир-бирингиздан жудо қилишди. Тутти саройда қўғирчоқ билан қолди, Суокни эса камдан-кам учрайдиган қизил соқолли тўтиқуш эвазига сайёр циркка бериб юборишди. Кейин, Уч Бақалоқ менга: «Боланинг юрағини суғуриб олиб, ўрнига темир юрак ясаб қўй», деб буюрдилар. Мен бундан бош тортдим. Мен, одамзодни унинг инсоний юрагидан маҳрум этиш мумкин эмас, деб айтдим. Инсон боласи учун унинг оддий ҳақиқий инсоний юраги ўрнига ҳеч қандай юрак — темирдан ҳам, муздан ҳам, олтиндан ҳам — ўрнатиб бўлмайди дедим. Мени қафасга қамашди. Шундан бошлаб болага, сенинг юрагинг темирдан, деб уқтира бошлашди. Бола бу гапга ишониши ва бешафқат, тошбағир бўлиб ўсиши керак эди. Мен ҳайвонлар орасида саккиз йил ўтирдим. Ҳаммаёғим жун билан қопланди, тишларим сўйлоқ ва сап-сариқ бўлиб кетди, лекин сизларни унутмадим. Мен сизлардан кечирим сўрайман. Ҳаммамизни ҳам уч Бақалоқ бебахт қилди, бойлар ва очкўз мечкайлар эзди. Мени кечир Тутти (мазлумлар тилида бу «Жудо этилган» деган маънони билдиради). Кечир мени Суок (бу сўз «Мангу ҳаёт» деған маънони билдиради)...»



# МУНДАРИЖА

## БИРИНЧИ ҚИСМ

## ДОРБОЗ ТИБУЛ


I Боб. Доктор Гаспар Арнерининг беҳаловат куни . 3
II Боб. Қатл кундаси . . . . . . . . . . . . . . . . 9
III Боб. Юлдуз майдони . . . . . . . . . . . . . . . 15


## ИККИНЧИ ҚИСМ

## БАЛИАҲД ТУТТИНИНГ ҚЎҒИРЧОҒИ


IV Боб. Шарфуруш амакининг ажойиб саргузаштлари 25
V Боб. Негр ва карам боши . . . . . . . . . . . . 47
VI Боб. Кутилмаган вазият . . . . . . . . . . . . 64
VII Боб. Аломат қўғирчоқнинг тунги саргузашти . . 73


## УЧИНЧИ ҚИСМ

## СУОК


VIII Боб. Кичик артистканинг оғир роли . . . . . . 84
IX Боб. Иштаҳаси яхши қўгирчоқ . . . . . . . . . 93
X Боб. Ҳайвонот боғи . . . . . . . . . . . . . . . . 104


## ТЎРТИНЧИ ҚИСМ

## ҚУРОЛСОЗ ПРОСПЕРО


XI Боб. Ширапазхонанинг вайрон қилиниши . . . 113
XII Боб. Рақс муаллими Бир-икк-учс . . . . . . . . 123
XIII Боб. Ғалаба . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 130
Эпилог . . . . . . . . . . . . . . . . . 149

На узбекском языке

ЮРИЙ ОЛЕША

ТРИ ТОЛСТЯКА

Роман для детей

ИБ № 652

Редактор *Шамси Одил*
Рассом *О. Бакликова*
Расмлар редактори *Э. Валиев*
Техн- редактор *Г. Аҳмаджонова*
Корректор *М. Ортиқова*

Теришга берилди 21.03.80 й. Босишга рухсат этилди 23,05.80 й. Формати 84×108 1/32. Босма листи 4.75. Шартли босма листи 7.98. Нашр листи 7,75. Тиражи 30.000. «Школьная» гарнитураси. № 3 қоғозга юқори босма усулида босилди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Заказ № 241. Баҳоси 65 т. Шартнома 103—79

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг. 1-босмахонаси, Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21.

$О\frac{70302-61}{356(04)-80}$ 98—80 4803010102